ISSN: 2181-3310

# MUTAFAKKIR

Scientific Journal / Научный журнал / Илмий журнал

№ 31, Yanvar (2025)

31-son



INDEX COPERNICUS INTERNATIONAL

**Bosh Muharrir:**
**SHOHINUR MIRZAYEV**

**Tahrir hay'ati**
Dilmurod Muhammadiyev
Baxtinur Xudanov
Baxrom Urunov Nasrullayevich
Shuhrat Ziyadullayev
Muxtor Xudoyqulov
Ulug'bek Vohidov
Murod Abulkasimov
To'rayev Laziz Abdivali O'g'li

**ALISHER NAVOIY NOMIDAGI O'ZBEKISTON MILLIY KUTUBXONASI**
Kitob va turkum nashrlarga ISBN va ISSN raqamlarni biriktirish to'g'risida
**MA'LUMOTNOMA**

Turkum nashrlarning chiqish ma'lumotlarini GOST 7.4-95 «Nashrlar. Chiqish ma'lumotlari» hamda GOST 7.56-2002 « Xalqaro standart turkum raqami» davlatlararo standartlar talablari asosida bo'lishini to'liq ta'minlash maqsadida, Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston Milliy kutubxonasi va «Mutafakkir» 1ta 2022 yil 11-apreldagi № ISSN-C-35583 sonli hisob-kitob shartnoma va 2022 yil 19-aprel yildagi № ISSN-I-35583 schet-fakturaga asosan turkum nashrlarini ISSN bilan belgilash uchun quyidagi raqamni taqdim etadi:

Turkum nashrning nomi: Мутафаккир
ISSN raqam: 2181-3310
Turkum nashlarning turi: электрон нашр

**Ushbu jurnal O'zbekiston Respublikasi Oliy Attestatsiya komissiyasining ilovasida mavjud bo'lgan xalqaro indeksatsiya index copernicus bazasiga kiritilgan. OAK ilmiy nashrlarda chop etilgan maqola sifatida qabul qilinadi.**

**Asos: O'zbekiston Respublikasi Oliy Attestatsiya komissiyasining dissertatsiyalar asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro'yxati**

[1] Мақола чоп этилган пайтда халқаро микёсда фаолият кўрсатадиган қуйидаги йирик нашриётлар ёки маълумотлар базаси асосида «импакт-фактор»га эга бўлган илмий журналларда нашр этилган мақолалар мазкур Рўйхат таркибига киритилган илмий журналларда чоп этилган илмий мақолалар сифатида қабул қилинади: (1) Web of Science (Web of Knowledge), (2) Journal Impact Factor, (3) Scopus, (4) Journal Citation Reports, (5) Global Impact Factor, (6) International Impact Factor Services, (7) Agris, (8) Chemical Abstracts CAS, (9) GeoRef, (10) PubMed, (11) Springer, (12) Index Copernicus, (13) Bielefeld Academic Search Engine, (14) ResearchBib, (15) Directory of Research Journals Indexing, (16) Directory Indexing of International Research Journals-CiteFactor, (17) Open Academic Journals Index, (18) Ulrich's Periodicals Directory, (19) Scientific Indexing Services, (20) General Impact Factor, (21) InfoBase Index, (22) International Society for Research Activity, (23) Scientific Journal Impact Factor, (24) Scientific Research Publishing Inc, (25) Directory of Open Access Journals, (26) Academic Journals Database, (27) Academic One File, (28) Advanced Science Index, (29) Anthropological Index Online, (30) Anthropological Literature, (31) Anthropology Plus, (32) Asian Education Index, (33) Bibliography of Asian Studies, (34) Compendex, (35) CrossRef, (36) HINARI, (37) Hindawi, (38) Libraries Resource Directory, (39) Impact Factor Search, (40) ResearchGate, (41) SCImago, (42) Scisearch, (43. з/х) Universal Impact Factor.

Шунингдек, жаҳоннинг икки юзта энг яхши олий таълим муассасаси рўйхатидаги олий таълим муассасалари томонидан чоп этилган илмий ишлар ва мақолалар тўпламида нашр этилган илмий мақола (материал)лар мазкур рўйхатга киритилган илмий нашрларда чоп этилган мақолалар сифатида қабул қилинади.



https://journals.indexcopernicus.com/search/details?id=123026&lang=ru

# INNOVATIVE TECHNOLOGIES FOR TEACHING ENGLISH TO PRESCHOOL CHILDREN IN AN INCLUSIVE EDUCATION ENVIRONMENT

**Qurbanova Zilola Uralovna**
**University of Tashkent for applied sciences (UTAS)**

**Abstract:** The integration of innovative technologies in teaching English to preschool children within an inclusive education environment has revolutionized traditional learning methods. This article explores the application of modern tools, techniques, and strategies to enhance language acquisition for young learners of diverse abilities. By focusing on interactive digital platforms, adaptive learning systems, and sensory-based approaches, educators can address the unique needs of every child, fostering a supportive and inclusive learning atmosphere. The findings emphasize the importance of teacher training, parental involvement, and the thoughtful implementation of technology to maximize its potential in early childhood education.

**Keywords:** inclusive education, preschool children, English language learning, innovative technologies, adaptive learning, early childhood education.

**Аннотация:** Интеграция инновационных технологий в обучение английскому языку детей дошкольного возраста в условиях инклюзивного образования революционизировала традиционные методы обучения. В данной статье рассматривается применение современных инструментов, методов и стратегий для улучшения усвоения языка у детей с разными возможностями. Акцент сделан на интерактивных цифровых платформах, адаптивных системах обучения и сенсорных подходах, что позволяет педагогам учитывать уникальные потребности каждого ребенка и создавать поддерживающую и инклюзивную образовательную среду. Результаты подчеркивают важность подготовки учителей, вовлечения родителей и продуманного внедрения технологий для максимального использования их потенциала в дошкольном образовании.

**Ключевые слова:** инклюзивное образование, дети дошкольного возраста, изучение английского языка, инновационные технологии, адаптивное обучение, дошкольное образование.

**Annotatsiya:** Inkluziv ta’lim muhiti sharoitida maktabgacha yoshdagi bolalarga ingliz tilini o‘rgatishda innovatsion texnologiyalarni qo‘llash an’anaviy o‘qitish usullarini tubdan o‘zgartirdi. Ushbu maqolada turli imkoniyatlarga ega bo‘lgan yosh o‘quvchilarning til o‘zlashtirishini rivojlantirish uchun zamonaviy vositalar, usullar

va strategiyalarni qo‘llash o‘rganilgan. Interaktiv raqamli platformalar, adaptiv o‘qitish tizimlari va sezgirlikka asoslangan yondashuvlarga e’tibor qaratilgan bo‘lib, pedagoglarga har bir bolaning o‘ziga xos ehtiyojlarini qondirish imkonini beradi va qo‘llab-quvvatlovchi hamda inklyuziv o‘quv muhitini shakllantirishga yordam beradi. Natijalar o‘qituvchilarni tayyorlash, ota-onalarning ishtiroki va texnologiyalarni o‘ylangan tarzda joriy etishning muhimligini ta’kidlaydi, bu esa erta bolalik ta’limida texnologiyalarning imkoniyatlarini maksimal darajada oshiradi.

**Kalit so‘zlar:** inklyuziv ta’lim, maktabgacha yoshdagi bolalar, ingliz tilini o‘rganish, innovatsion texnologiyalar, adaptiv o‘qitish, erta bolalik ta’limi.

Inclusive education aims to provide equitable learning opportunities for all children, regardless of their abilities or backgrounds. Teaching English to preschoolers in such settings presents unique challenges and opportunities. Innovative technologies have emerged as powerful tools to bridge the gap between traditional teaching methods and the needs of diverse learners. This article examines how these technologies can enhance English language instruction in an inclusive environment.

The Role of Innovative Technologies in Inclusive Education. Innovative technologies play a critical role in addressing the diverse needs of preschool children. These technologies can: Personalize Learning Experiences: Adaptive learning platforms, such as AI-driven apps, adjust the content and difficulty level to match each child’s abilities and progress. Encourage Engagement: Interactive tools like educational games, digital storytelling apps, and augmented reality (AR) experiences captivate children’s attention, making learning fun and effective. Promote Accessibility: Tools like text-to-speech, visual aids, and tactile interfaces help children with disabilities participate fully in learning activities. Key Technologies for Teaching English to Preschool Children. Interactive Digital Platforms. Platforms like ABCmouse and Lingokids offer age-appropriate lessons, songs, and games that make learning English enjoyable. These platforms often include features that support inclusive learning, such as voice recognition for pronunciation practice. Augmented and Virtual Reality. AR and VR applications create immersive learning experiences. For example, children can explore virtual environments where they learn vocabulary by interacting with objects and characters. Sensory-Based Learning Tools. Tools like touch-screen devices and sensory boards cater to children with sensory processing needs. Activities involving colors, sounds, and textures enhance vocabulary and comprehension. Speech and Language Apps.

Applications like Speech Blubs and Articulation Station are designed to support children with speech delays or language difficulties, making them ideal for inclusive classrooms. Strategies for Effective Implementation.

Teacher Training. Educators must be trained to use technology effectively. Workshops and professional development programs can equip teachers with the skills needed to integrate these tools into their teaching practices.

Parental Involvement. Parents play a vital role in reinforcing language skills at home. Providing them with guidance on using technology-based tools ensures continuity in learning. Monitoring and Feedback. Regular assessments and feedback loops help track children's progress and identify areas that need additional support. Technology can facilitate this process by providing real-time analytics and reports. Challenges and Solutions. While innovative technologies offer significant benefits, challenges such as limited access to devices, insufficient training, and the risk of over-reliance on technology must be addressed. Solutions include ensuring equitable access to resources, fostering collaboration among stakeholders, and maintaining a balanced approach that combines technology with traditional methods.

Conclusion. Incorporating innovative technologies into the teaching of English to preschool children in inclusive education environments has the potential to transform learning experiences. By leveraging these tools, educators can create engaging, accessible, and effective lessons that cater to the diverse needs of young learners. The success of such initiatives, however, depends on thoughtful implementation, ongoing support, and a commitment to inclusivity.

## References

1. Bennett, S., Gardner, R., & Ralston, S. (2020). Sensory-based learning strategies for children with autism spectrum disorder.

2. Ertmer, P. A., & Ottenbreit-Leftwich, A. T. (2010). Teacher technology change: How knowledge, beliefs, and culture intersect.

3. Flewitt, R., Messer, D., & Kucirkova, N. (2015). New directions for early literacy in a digital age.

4. Johnson, M., Carter, P., & Yang, J. (2019). The impact of adaptive learning systems on early childhood education.

# AGRAR SOHADA RAQAMLI IQTISODIYOT VA INVESTITSIYANING UYG‘UNLIGI

B.S.Berdiyorov-Toshkent Alfraganus universiteti

“Xalqaro turizm menejmenti” kafedrasi dotsenti

***Annotatsiya:*** Barcha sohalar kabi agrar sohaning ham raqamli iqtisodiyotda munosib o‘rni bor. Ushbu soha ham o‘zining rivojlanishi bilan iqtisodiy barqarorlikka ijobiy ta’sir etib kelmoqda. . Bunga asosan sohaga kiritilayotgan investitsiyalar va ulardan samarali foydalanish, ko‘zlangan natijalarga erishishga asosiy turtki bo‘lmoqda.

***Kali*т *сўzlar:*** rivojlanish, investitsiyalar, xorijiy investitsiya, faol investitsiya, oziq-ovqat xavfsizligi, innovatsiya, tadbirkorlar, investorlar, samaradorlik, natijalar.

Barchamizga ma’lumki, mustaqillikning dastlabki yillarida yurtimizda qishloq xo‘jaligi mahsulotlari ishlab chiqarishni ko‘paytirishga e’tibor yanada kuchaytirildi. Jumladan, ekin maydonlarini opti-mallashtirish, ishlab chiqarishda zamonaviy texnologiyalarni qo‘llash, urug‘chilik va seleksiya ishlarini tubdan yaxshilash bo‘yicha keng qamrovli ishlar amalga oshirildi. Bugungi kunning asosiy talablaridan yana biri esa turli-tuman noz-ne’matlarni dalalar va bog‘larni kengaytirish evaziga emas, balki hosildorlikni ko‘tarish va chorva mollari mahsuldorligini oshirish hisobiga ko‘paytirishdan iboratdir.

Muhtaram Prezidentimizning 2019 yilda mamlakatimizni rivojlantirishning eng muhim ustuvor vazifalari to‘g‘risida Oliy Majlisga Murojaatnomasida qayd etilganidek, qishloq xo‘jaligi sohasini boshqarish tizimini isloh qilish, yer va suv resurslaridan oqilona foydalanish borasidagi ilg‘or texnologiyalarni joriy etish, oziq-ovqat xavfsizligini ta’minlash eng muhim vazifalarimizdir[2]. O‘zbekistonning iqtisodiy mustaqilligini ta’minlashda qishloq xo‘jaligi sohasida tashqi iqtisodiy faoliyat doirasida amalga oshirilayotgan ishlar e’tiborga loyiqdir. Bugungi kunning talabi esa chet elga xom-ashyolar o‘rniga tayyor mahsulotlar eksport qilishdir. Davlatimiz rahbari ta’kidlaganlaridek, qishloq xo‘jaligini isloh qilish va oziq-ovqat xavfsizligini ta’minlash masalalari, hech shubhasiz, biz uchun eng muhim vazifalardan biri bo‘lib qoladi. Avvalo, agrosanoat kompleksi va uning lokomotivi, ya’ni harakatga keltiruvchi kuchi bo‘lgan ko‘p tarmoqli fermer xo‘jaliklarini izchil rivojlantirishga katta e’tibor qaratiladi [1]. O‘z navbatida, ularning eksportni va aholi bandligini ta’minlashdagi ishtirokini e’tirof etish lozim.

Yuqorida ta’kidlaganimizdek, qishloq xo‘jaligi sanoatning xom-ashyoga talabini ham qondiradi. Modomiki, shunday ekan, “Yurtimizda bu tarmoqni rivojlantirish uchun to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy hamda mahalliy investitsiyalarni jalb qilishga nechog‘li

e'tibor berilayapti?" degan savol barchamizni qiziqtirishi tabiiy. O'tgan yillar davomida qishloq xo'jaligi mahsulotlari yetishtirishni va qayta ishlashni ko'paytirish, sohaning investitsiya va eksport salohiyatini kengaytirish maqsadida to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiya jalb etish evaziga o'ttizga yaqin yirik va ahamiyatga molik loyihalar hayotga tatbiq etildi. Investitsiyaviy va infratuzilmaviy loyihalarni ro'yobga chiqarish uchun zarur to'g'ridan-to'g'ri xorijiy sarmoyalar o'zlashtirildi. Bu borada, Qoraqalpog'iston Respublikasi, Xorazm, Buxoro, Farg'ona, Surxondaryo va Qashqadaryo viloyatlaridagi irrigatsiya tarmoqlarini yaxshilash, suv resurslarini boshqarish, meva-sabzavotchilik va chorvachilikni rivojlantirish hamda qo'llab-quvvatlashga yo'naltirilgan loyihalar ijrosi doirasida Osiyo taraqqiyot banki, Islom taraqqiyot banki kabi xalqaro moliya tashkilotlarining salkam yarim mlrd. dollarlik mablag'laridan unumli foydalanildi. Natijada, bir yarim ming gektarga yaqin yer maydonining suv ta'minoti va meliorativ holati tubdan yaxshilandi. Oxirgi uch yilda amalga oshirilgan barcha investitsion loyihalar sharofati bilan aholini oziq-ovqat mahsulotlari bilan uzluksiz ta'minlashga erishildi, qayta ishlash quvvatlari, ish o'rinlari soni oshdi, mahsulot turlari ko'payib, sifati yaxshilandi, eksport hajmi ortdi. Jalb qilingan sarmoyalar hamda innovatsion texnologiyalar asosida intensiv bog'lar, tokzorlar, issiqxonalar, dehqonchilik mahsulotlari saqlanadigan omborxonalar va sovutkichli inshootlar barpo etildi. Mamlakatimiz bo'yicha yigirmaga yaqin agroklaster tashkil etilib, ularga yigirma ming gektarga yaqin yer maydonlari ajratib berildi. Ushbu tizim orqali klaster korxonalari kafolatlangan xom-ashyo bazasiga ega bo'lib, ekinni ekish va parvarishlashdan hosilni yig'ib-terib olishgacha bo'lgan oziq-ovqat zanjiri to'liq qamrab olindi.

Qishloq xo'jaligini rivojlantirish va mahsulotlarni qayta ishlash yuzasidan jami qiymati yarim mlrd. dan ortiq dollarga teng o'ttizga yaqin istiqbolli takliflar berildi. Jumladan, hozir ular asosida barcha viloyatlarda turli quvvatga ega yuz ming tonnalik agrologistika kompleksi barpo etildi. Shuningdek, turli hududlarda har yili besh mingga yaqin tuyaqush boqiladigan xo'jalik, o'n ming tonnalik integratsiyalashgan parrandachilik fabrikasi, uch ming tonnaga yaqin baliq yetishtirish va baliq mahsulotlari ishlab chiqarish kompleksi, olti mingga yaqin bosh molga mo'ljallangan chorvachilik klasteri, shuningdek, qishloq ho'jaligi ekinlari urug'larini ishlab chiqarish klasteri, ikki ming tonnaga mo'ljallangan zamonaviy "Nethaus" agrotexnologiyalari asosida dehqon xo'jaliklari va tomorqa yer uchastkalari uchun taqsimlash agromarkazi, bir yuz ellik ming tonnadan ortiq limon yetishtirish quvvatga ega ming gektarlik issiqxona xo'jaliklari, grek yong'og'i, bodom va pista yetishtiriladigan intensiv bog'lar, uzumga birlamchi ishlov berish punkti, uch yuz ming tonnaga yaqin qizilmiya ildizini qayta ishlaydigan zavod, yuqori proteinli baliq ozuqasi tayyorlash uchun oq lyupin (bo'rilukkak – o'tsimon o'simlik) yetishtirish va uni qayta ishlash korxonasi, yopiq suv ta'minoti qurilmalariga ega baliq yetishtirish va ularga ozuqa ishlab chiqarish majmuasi, kichik intensiv suv havzalari usulidagi baliqchilik kompleksi, zamonaviy baliqchilik kompleksi yaratish, to'rt ming tonnaga yaqin uzum plantatsiyalarini kengaytirish va vino tayyorlashni, yuz

ming tonna ortiq qamishni qayta ishlab, qog‘oz va taxtalar ishlab chiqarishni, sakkiz ming tonnaga yaqin bolalarbop va boshqa turdagi ozuqa mahsulotlari ishlab chiqarishni yo‘lga qo‘yish choralari ko‘rilmoqda[5].

Xorijiy investitsiyalarni jalb etish borasida ham ijobiy natijalarga erishilishi kutilmoqda. O‘tgan yili oktyabr oyida O‘zbekiston Respublikasi qishloq xo‘jaligini rivojlantirishning 2020–2030 yillarga mo‘ljallangan strategiyasi tasdiqlandi[4]. Keyingi paytlarda mamlakatimizda qishloq xo‘jaligini isloh qilish, xususan, unda davlat boshqaruvi tizimini takomillashtirish, bozor munosabatlarini keng joriy etish, bunday mahsulotlarni yetishtiruvchi, qayta ishlovchi va sotuvchi sub’ektlar o‘rtasidagi munosabatlarning huquqiy negizini mustahkamlash, sohaga investitsiyalar kiritish, uni resurs tejamkor texnologiyalar va zamonaviy texnikalar bilan ta’minlash borasida muayyan ishlarga qo‘l urilmoqda. Shu bilan birga, bor haqiqatni ro‘y-rost tan olish kerak, qishloq xo‘jaligini rivojlantirish bo‘yicha uzoq muddatga mo‘ljallangan strategiya mavjud emasligi yer va suv resurslaridan yanada samarali foydalanishga, sohaga investitsiyalarni keng yo‘naltirishga, ishlab chiqaruvchilar yuqori daromad olishiga va mahsulotlar raqobatbardoshligini oshirishga to‘sqinlik qilmoqda [3].

Milliy iqtisodiyotimizga to‘g‘ridan-to‘g‘ri jalb qilinayotgan xorijiy investitsiyalarni ko‘paytirish, chet ellik sarmoyadorlarni mamlakatimizning bu boradagi imkoniyatlari va salohiyatidan boxabar qilish, davlat va xo‘jalik boshqaruvi hamda mahalliy ijro hokimiyati organlarining ayni yo‘nalishdagi faoliyatini muvofiqlashtirishni yaxshilash, shuningdek, 2017–2021 yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasini “Faol investitsiyalar va ijtimoiy rivojlanish yili”da amalga oshirishga oid Davlat dasturida belgilangan vazifalarni ado etish hozirgi kunda ham izchil davom ettirilmoqda. Investitsiyalar va tashqi savdo vazirligi, Iqtisodiyot va sanoat vazirligi, Moliya vazirligi hamda Davlat aktivlarini boshqarish agentligi tomonidan to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarni jalb etish ishlarini faollashtirish to‘g‘risida jo‘yali takliflar berilib, zarur choralar ko‘rilmoqda. Qishloq xo‘jaligi iste’mol bozorini oziq-ovqat mahsulotlari bilan ta’minlashdan tashqari, iqtisodiyotda ham salmoqli o‘rin tutadi. Ushbu sohaning dehqonchilik tarmog‘ida yetishtirilgan mahsulotlar, avvalo, aholi ehtiyojlarini qondirish uchun yo‘naltiriladi, shuningdek, sanoatni xom-ashyo bilan ta’minlashga hamda chorvachilik ozuqa bazasini mustahkamlashga xizmat qiladi.

Agrar sohani rivojlantirishda eng muhimi investitsiyalarni jalb etish muhim hisoblanadi. Ushbu sohani barqaror rivojlantirish uchun quyidagilarga e’tibor qaratish maqsadga muvofiq hisoblanadi:

a) qishloq xo‘jaligida ilmiy-tadqiqot, ta’lim va maslahat xizmatlarining ishlab chiqarish bilan integratsiyalashgan bilim va ma’lumotlarni tarqatishning samarali shakllarini qo‘llashni nazarda tutuvchi ilm-fan, ta’lim, axborot va maslahat xizmatlari tizimini rivojlantirish, ishlab chiqarishni diversifikatsiya qilish, yer va suv

munosabatlarini takomillashtirish, qulay agrobiznes muhitini va yuqori qo‘shilgan qiymat zanjirini yaratish, kooperatsiya munosabatlarini rivojlantirishni qo‘llab-quvvatlash, sohaga bozor mexanizmlarini, axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini keng tatbiq qilish, ilm-fan yutuqlaridan samarali foydalanish hamda kadrlar salohiyatini oshirish;

b) qishloq joylarini muvozanatli va barqaror taraqqiy ettirishga ko‘maklashadigan qishloq hududlarini rivojlantirish dasturlarini amalga oshirish, oziq-ovqat mahsulotlari xavfsizligini ta’minlash va iste’mol ratsionini yaxshilash, talab qilinadigan miqdordagi oziq-ovqat mahsulotlari yetishtirishni nazarda tutuvchi oziq-ovqat xavfsizligi davlat siyosatini ishlab chiqish va joriy etish;

v)qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini xarid qilish va sotishda bozor tamoyillarini keng qo‘lllash, sifat nazorati infratuzilmasini rivojlantirish, eksportni rag‘batlantirish, maqsadli xalqaro bozorlarda raqobatbardosh, yuqori qo‘shilgan qiymatli qishloq xo‘jaligi va oziq-ovqat tovarlari ishlab chiqarishga mo‘ljallangan qulay agrobiznes muhitini va qo‘shilgan qiymat zanjirini yaratish;

g)qishloq xo‘jaligi va oziq-ovqat tarmog‘ini modernizatsiyalash, diversifikatsiya qilish va barqaror o‘sishini qo‘llab-quvvatlash uchun xususiy investitsiya kapitali oqimini ko‘paytirishni e’tiborda tutuvchi, sohada davlat ishtirokini kamaytirish va investitsiyaviy jozibadorlikni oshirish mexanizmlarini joriy qilish;

d)er va suv resurslari, o‘rmon fondidan oqilona foydalanishni nazarda tutuvchi tabiiy resurslardan oqilona foydalanish va atrof-muhitni muhofaza qilish tizimini takomillashtirish;

y)qishloq xo‘jaligida boshqaruvning davlat boshqaruvi tuzilmasini yanada rivojlantirishga doir zamonaviy tizimlarini rivojlantirish, fermer xo‘jaliklarida mehnat unumdorligini oshirish, mahsulot sifatini yaxshilash, yuqori qo‘shilgan qiymatni yaratishga qaratilgan tarmoq dasturlarini ishlab chiqish orqali davlat xarajatlari samaradorligini oshirish, bosqichma-bosqich qayta taqsimlash va boshqalar.

Bugungi kunda internet tarmoqlarida davlat organlari va boshqa tashkilotlar tomonidan tarmoq islohotlari, har bir investitsiya loyihasining asosiy parametrlari, loyihalarni ro‘yobga chiqarish kafolatlari, ularning raqobatdagi ustunliklari va boshqalar to‘g‘risida to‘liq hamda aniq, lo‘nda axborotlar tayyorlash ishlari muvofiqlashtirilmoqda. Fermer va dehqon xo‘jaliklarining qishloq xo‘jaligi yerlaridan samarali foydalanish uchun investitsiya va aylanma mablag‘ uchun kreditlar olish imkoniyatlarini kengaytirish maqsadida garov sifatida ishlatilishi mumkin bo‘lgan barcha aktivlar ro‘yxatini tuzish zarur. Strategik ahamiyatga ega bo‘lmagan qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini ishlab chiqarish va sotish bilan shug‘ullanayotgan davlat korxonalarini xususiylashtirish ham muhim ahamiyatga ega. Zamonaviy texnoligiyalarni joriy etish yo‘nalishida urug‘chilik tarmog‘ini rivojlantirish bo‘yicha dastur ishlab chiqish, unda

tarmoqqa xususiy investitsiyalarni jalb etgan holda ilmiy muassasalar bilan davlat-xususiy sheriklik mexanizmi tatbiq qilinishini inobatga olish zarur.

Xulosa oʻrnida shuni aytish mumkinki, bugungi shiddat bilan rivojlanayotgan bir davrda, iqtisodiyotimizga ijobiy ta'sir etish jihatidan boshka sohalar kabi agrar sohaning ham oʻz munosib hissasi bor, desak – mubolagʻa boʻlmaydi. Bu munosib hissani yanada mustahkamlash va bardavomligini ta'minlash uchun esa sohaga koʻproq investitsiyalarni jalb eish va undan samarali foydalanish talab etiladi. Buning uchun bizga barcha imkoniyatlar mavjud, bizdan talab qilinadigan narsa esa, faqat mehnatchanligimizni biroz oshirishsak – bundan-da, yuqori natijalarga erishamiz.

***Foydalanilgan adabiyotlar roʻyxati:***

1. Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi "Oʻzbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish boʻyicha Harakatlar strategiyasi toʻgʻrisida"gi farmoni.

2. Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. 2018 yil 28 dekabr.

3. Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 17 yanvardagi "2017 – 2021 yillarda Oʻzbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yoʻnalishi boʻyicha Harakatlar strategiyasini "Faol investitsiyalar va ijtimoiy rivojlanish yili"da amalga oshirishga oid Davlat dasturi toʻgʻrisida"gi farmoni.

4. Oʻzbekiston Respublikasi qishloq xoʻjaligini rivojlantirishning 2020 – 2030 yillarga moʻljallangan strategiyasi.

5. Oʻzbekiston Respublikasining Statistika axborotnomasi. Toshkent, 2019 yil.

# ЖУРНАЛИСТИКА НАЗАРИЯСИ ВА ЖУРНАЛИСТ МАҲОРАТИ

М.Худойқулов, филология фанлари доктори, профессор.

АННОТАЦИЯ. Мазкур мақола журналистика назарияси ва амалиёти фанининг муҳим илмий-амалий масалаларидан бири бўлган журналистнинг маҳорати мавзусига бағишланади. Муаллиф журналистиканинг илмий асоси бўлмиш унинг моҳияти, функция ва принциплари ва бошқа қонуниятлари журналист маҳоратга эришиши учун асос бўлишини илмий асослаб берган.

КАЛИТ СЎЗЛАР: Журналистика, матбуот, оммавий ахборот воситалари, публицистика, функциялар, принциплар, жамоатчилик фикри, анъанавийлик ва янги омиллар, журналистика касби, маҳорат.

Кишилик жамияти шиддатли, турли ижтимоий воқеаларга, сиёсий қарама-қаршиликларга бой ва шу билан бирликда илму фан, техника юқори суратлар билан тараққий этаётган ва бунинг натижасида глобаллашув – бутун дунёнинг иқтисодий, сиёсий ва информация алмашинуви оқибатида ўзаро яқинлашуви, бирлашуви шароитида яшаётган ҳозирги даврда матбуот, оммавий ахборот воситларининг аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Газета ва журнал ўқувчиси, радио тингловчи, телекўрсатувларни кузатиб борувчи ва энг кенг тарқалиб бораётган интернет хабарларининг ишқибози журналистдан энг янги янгиликлар, қизиқарли хабарлар, мазмунли фикр алмашув ва суҳбатлар, чуқур мазмунли материалларни кутади. Турган гапки бунда буларни тайёрлаб ўқувчига етказиб берувчи журналистнинг меҳнати ва маҳорати асосий ўрин тутади.

Маҳорат сўзи бирор иш, касб учун зарур ёки шу соҳада орттирилган усталик, санъат, моҳирлик деган маънони беради. Бинобарин, журналистик маҳорат деганда оммавий ахборот воситларида ишловчи, оммага хабар ёки бошқа бирор жанрда материал етказиб берувчи шахснинг, яъни журналистнинг ўз касбини пухта билган ҳолда ўқувчини қониқтирувчи юксак даражадаги материлни тақдим этиши тушунилади. Бунда эса журналистнинг ижодий ва касбий даражаси, дунёқараши, изланувчанлиги билан бир қаторда унинг журналистиканинг назарий қонунларини қанчалик эгаллаганлиги асосий аҳамият касб этади. Бошқача қилиб айтганда журналистика назариясисиз унинг амалиёти ва турган гапки журналист маҳоратига эришиш мумкин эмас.

Журналистика, оммавий ахборот воситалари ёки қисқача қилиб айтганимизда матбуот инсоният жамиятида доимо муҳим ўрин тутиб келган. Жамият ҳаётини акс эттириш, уни билиш ва тадқиқ этиш ва унга қайтадан таъсир кўрсатиш воситаси бўлган матбуот ўзига хос хусусиятларга эга бўлган ижтимоий ҳодиса бўлиб ўз фаолиятида маълум ички-объектив қонуниятлар асосида иш кўради. ОАВ назарияси шу билан бирликда ижтимоий воқеликни акс эттиришнинг алоҳида бир қонуниятга асосланувчи тури бўлган публицистика назарияси билан ҳам чамбарчас боғлиқдир.

Инсон фаолиятида ахборот алмашинуви ғоят муҳим роль ўйнайди. У инсоннинг ташқи дунёни билиш, тажрибага эга бўлишдаги асосий воситасидир. “Инсон ўзини ўраб олган оламни ўз ҳис-туйғу органлари орқали қабул қилиб олади,– деган эди кибернетика фанининг асосчиси Норберт Винер.– Ахборот алмашинув – одамнинг ташқи дунёга мослашуви жараёнида ундан олган маънонинг ифодасидир. Ҳақиқий ҳаёт – ҳақиқий ахборот олиш билан боғлиқдир”.[1] Инсон алмашинадиган ахборотлар орасида ижтимоий ахборотлар алоҳида ўрин тутади. Ижтимоий ахборотлар жамият учун жамият хақида ахборот етказишдан иборатдир. Бу жамият бошқарувида ҳамда инсонларни жамият билан, жамиятни эса инсонлар билан боғлаб туришда асосий хизматни бажаради. Ижтимоий ахборот инсон онгини ўстиришда, унинг ижтимоий фаолиятини бошқариб туришда, жамоатчилик фикрини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди. Шундай экан журналист меҳнати ва маҳорати ўқувчиларга шу кун учун янгилик ва зарур бўлган ижтимоий информацияни ҳаётдан топиш ва оммага етказиб беришдан иборат бўлади.

Матбуотнинг ўзига хос бош хусусияти унинг серқўламлилиги, яъни ҳартарафлама, ҳар ерда ҳозир ва ҳар нарсадан хабардорлигидир. У жамият ҳаётининг деярли барча томонларини ўзида акс эттиради, кишилар фаолияти ва жамият ижтимоий ҳаётининг матбуотда ўз аксини топмайдиган бирор соҳаси йўқ, деса бўлади. Матбуот кишилар ҳаёти ва фаолиятига доир барча масалаларни акс эттирар экан, ўз навбатида турли соҳаларга бўлиниб кетади. Жумладан, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг муҳим масалаларини ёритувчи ижтимоий-сиёсий журналистика, иқтисодий ҳаёт ва ишлабчиқаришнинг турли соҳаларини кўрсатиб берувчи иқтисодий-ишлабчиқариш журналистикаси, илм-фан масалаларига бағишланган илмий журналистика, ҳаётни бадиий адабиёт

1 Винер Н. Кибернетика и общество: М. , 1958, С.31.

қонуниятлари билан ёритувчи ҳамда бадиий адабиётга хизмат қилувчи бадиий журналистика, ижтимоий ҳаёт иллатларига қарши курашда сатира ва юмор қонуниятларига асосланувчи ҳажвий журналистика, спорт журналистикаси, ҳарбий журналистика, болалар журналистикаси каби соҳалар билан бир қаторда ҳаётни ёритишда турли техник воситаларидан фойдаланувчи фотожурналистика, радио-журналистика, тележурналистика, интернет журналистикаси каби хиллари ҳам мавжуддир. Кейинги даврда фан-техниканинг ўсиши натижасида вужудга келган электрон матбуот – интернет журналистикаси кундан-кунга тараққий этиб, матбуот системасида бош ўринга чиқиб олмоқда. Журналистика худди публицистика сингари ўз навбатида турли турларга, хилларга бўлиниб кетади: ижтимоий-сиёсий публицистика, илмий публицистика, адабий-бадиий публицистика, ҳажвий публицистика каби турларга, жанр нуқтаи назаридан эса учга – ахборий, таҳлилий ва бадиий журналистикага бўлинади. Бинобарин журналист ўзи меҳнат қилаётган оммавий ахборот воситасида ишлар экан журналистика ва публицистиканинг юқорида қайд этилган маълум бир соҳасива унинг жанрлари бўйича фаолият олиб боради ва ўз маҳоратини кўрсатади.

Матбуот назариясида матбуот эркинлиги масаласи ҳам муҳим ўрин тутади. Матбуот эркинлиги – сўз эркинлиги, шахс эркинлиги, виждон эркинлиги сингари сиёсий ҳуқуқлардан бири бўлиб, матбуотнинг эркин фаолият кўрсатиши, кишиларнинг матбуотдан эркин фойдаланиш, унда фикр ва туйғуларини ифода этиши эркинлиги, ахборот йиғиш ва тарқатиш эркинлигидир. Эркинлик сўзининг туб маъноси ҳар қандай тўсиқ, ғов, монелик ва шу кабилардан ҳоли бўлиш, бемалоллик, мустақиллик, озодлик деган маънони беради. Аммо эркинлик аслида англанган заруриятдир. Инсон ўз олдида турган тарихий, иқтисодий, сиёсий заруратни англаб етгандагина эркин бўлади, эркин фикрлай олади. Журналист ана шу ижтимоий-фалсафий қоидаларни чуқур англаган тақдирдагина эркин ижод қилиши ва ўз маҳоратини кўрсата олиши мумкин.

Матбуот назариясида матбуот функциялари – у бажарадиган ижтимоий вазифалари масаласи алоҳида ўрин тутади. Матбуотнинг функциялари деганда матбуот нашрлари ва оммавий ахборот воситаларининг доимий ва қонунийлик тусини олган фаолиятини, унинг мақсад ва йўналишлари тушунилади. Юқорироқда келтирилганидек матбуот ижтимоий ҳаётни акс эттириш шаклларидан бири, реал воқеликни билиш тадқиқ этиш ва унга қайтадан таъсир кўрсатишнинг муҳим воситасидир. Бу таърифдан шу нарса кўриниб турибдики,

матбуотнинг ижтимоий вазифалари уч таркибий қисмга, қирраларга бўлинади. Биз бу қисмларни шартли равишда **тасвир, таҳлил ва таъсир**дан иборат деб ҳисоблаймиз. Журналист ўз меҳнатини мазкур функциялар асосида олиб борар экан, унинг маҳорати ҳам шундан келиб чиқади.

Матбуот ўз зиммасига юкланган ижтимоий вазифаларни бажаришда маълум принцип (тамойил)ларга амал қилади. Тамойиллар матбуот ўз фаолиятида доимий амал қилиши керак бўлган қоидалар, йўналишлардир. Матбуот тамойиллари ҳам матбуот назариясида муҳим ўрин тутади, илло у матбуотнинг моҳиятини ташкил этади. Биз журналистиканинг асосий тамойиллари сифатида умуминсонийлик, халқчиллик, миллийлик, ҳаққонийлик, оммавийлик ва партиявийликни тушунамиз. Бинобарин журналист ўз фаолиятида анашу тамойилларга оғишмай амал қилсагина ўз маҳоратига эришиши мумкин бўлади.

Яна шуни таъкидлаш лозимки матбуот жамоатчилик фикрининг доимий ифодачиси ҳисобланди. Унда кенг ўрин олувчи публицистика доимий равишда жамоатчилик фикрини ташкил этиш ва оммага етказиш билан шуғулланади. Журналист жамоатчилик фикри билан иш кўрар экан унинг маҳорати ҳам бу ижтимоий ҳодиса билан чамбарчас боғлиқдир.

Матбуотнинг моҳиятини ташкил этувчи унинг ички қонуниятлардан бири унинг анъанавийлик ва янги омиллар қонуниятига амал қилишдир. Яъни, матбуот маълум бир тарихий даврда туғилиб, шу ижтимоий заминдан, жамият олдида турган вазифалардан йўналиш олиб, озиқланиб иш кўрса-да, аммо у ўз фаолиятини бажаришда ўзидан олдинги даврлар матбуотида шаклланган ғоявий-ижодий омиллар, шакл ва услуб йўлларидан фойдаланади, бошқача қилиб айтганда матбуот ҳам адабиёт, санъат ва бошқа ижтимоий ҳодисалар каби анъанавийлик ва янги омиллар қонунига бўйсунади. ғоявий-ижодий омиллар, инсоний тажрибалардир. Журналист ўз фаолиятида ана шу қонунеиятга тшла амал қилгандагина муваффақиятга эга бўлиши мумкин.

Журналист маҳоратида ниҳоят унинг касбий хусусиятлари ҳам муҳим ўрин тутади. Журналистика касби аввало ижодий касбдир. Яъни бу касб матбуот нашрлари ҳамда оммавий ахборот воситаларида ишлаш, матбуот материалларини ёзиш ва тайёрлаш, нашрлар ва ахборот воситаларини чиқариш (эфирга узатиш) ва тарқатишда бевосита иштирок этиш, фаолият кўрсатиш демакдир. Табиийки, бу касб кишидан ёза билиш, яъни ижтимоий ҳаёт воқеаларини сўз воситасида

(шу билан бирликда микрофон, камера, фотоаппарат каби техник воситалари ёрдамида) тасвир эта билиш қобилиятини талаб қилади. Журналист маҳорати шу билан бирликда ижтимоий-сиёсий фаолияти яъни унинг қайси жамиятда яшаши, қандай кучларга хизмат қилиши, қандай дунёқарашга эга бўлиши ва қандай ғояларни олға суриши нуқтаи назаридан ўлчанади.

Юқоридагиларда келтирилган фикр ва мулоҳазалардан кўриниб турибдики журналист журналистика назарияси ва амалиёти фанининг чуқур ички қонуниятларини эгаллаши ва уларга тўла амал қилиши орқалигина муайян маҳоратга эришиши мумкин..

Адабиётлар

1.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент, “ЎЗбекистон”, 2023.

2. Информация в печати. Краткий курс лекция. Составители К.Т.Ирназаров, Я.М.Маматова. – Т.: НУУз, 2000. – 85 стр.

3. Лазутина Л. Основы творческой деятельности журналиста. Уч. пособие. – М.: МГУ, 2000. – 154 стр.

4. Мелибоев А., Несторенко Ф.П., Эрназаров К.Т., Маматова Я.М., Коробкин Д.И. Труд журналиста: Профессионализм, творчество, мастерство. Учебное пособие. Ташкент, УзНУ, 2002.

5. Нестеренко Ф. П., Миралимов Ш. А. Журналистика – профессия ответственная. –.: 2003 – 80 стр.

6. Прохоров Е. П. Введение в теорию журналистики. – М.: «РИП-холдинг», 2002. 340 стр.

7. М.Худойқулов. Журналистика ва публицистика. Ўқув қўлланмаси. –Т.: Университет, 2009. – 240 б.

8. М.Худойқулов. Журналистика ва публицистика. Қайта ишланган ва тўлдирилган нашри. – Т.: “Тафаккур”, 2011. – 280 б.

9. М.Худойқулов, Т.Қозоқбоев. Журналистика асослари, Дарслик. Тошкент, 2016.

10. М.Худойқулов, Т.Қозоқбоев. Журналистикага кириш. Дарслик, Тошкент,2018.

# ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА РАҲБАР КАДРЛАРНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИ ВА КРЕАТИВЛИК

*Alfraganus University NOTT “Менежмент ва маркетинг” кафедраси мудири*
*и.ф.д., проф. М.П.Эшов*

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси туб сиёсий, иқтисодий, маънавий ва маърифий ислоҳотларни жадал суръатларда амалга оширмоқда. Илм-фан ва таълим тизими ҳам дунё тажрибалари асосида янада бойиб бормоқда ва глобаллашув жараёнларида мамлакатимиздаги ўз ўрнини топмоқда. Инсоният цивилизацияси барча соҳаларда, жумладан таълим тизимида ҳам глобал ўзаро боғлиқлик даражасигача эришди. Ҳозирги кунда битта давлат ёки миллатнинг муаммоси бутун жаҳон ривожига катта таъсир этиши мумкин. Юзага келган экологик, иқтисодий, сиёсий муаммолар ва инқирозларнинг ечими фақатгина инсониятдан келажакда ақлий ва маънавий ривожланишни талаб этади. Бунга эса фақатгина тўғри ва сифатли таълим тизимини йўлга қўйиш орқалигина эришиш мумкин.

Фикримизча, таълим сифатини таъминлашда энг асосий омиллардан бири – раҳбар кадрлар касбий малакасининг юқори даражасини, унинг компетентлигини таъминлаш ҳисобланади. Чунки, яхши ташкилот, ёмон ташкилот деган тушунча йўқ, аксинча яхши раҳбар, ёмон раҳбар бўлиши мумкин. Агар, илғор ташкилотга ўз соҳасини яхши билмайдиган, касбий малакага эга бўлмаган, бошқарувчилик қобилияти йўқ шахсни раҳбар қилиб тайинланса, илғор ташкилотнинг ҳам фаолияти аста-секин ёмонлашиб, қолоқ ташкилотга айланади. Ёки, бунинг аксича, яъни қолоқ ташкилотга юқори касбий малакага эга, инновацион фикрлайдиган, тадқиқотчилик, бошқарувчилик қобилиятига эга ҳамда бошқарувнинг инновацион усулларини чуқур эгаллаган, аҳлоқан пок, шахсий фазилатларга эга шахсни раҳбар қилиб тайинланадиган бўлса, қолоқ ташкилотнинг фаолияти аста-секин яхшиланиб, илғор ташкилотлар қаторига қўшилади. Сабаби таълимда сифати таъминловчи гинератор, бу таълим раҳбари хисобланади. Шу боисдан ҳам, раҳбар кадрларнинг касбий малакасини шакллантиришнинг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ этишни мақсадга мувофиқ деб, ҳисоблаймиз.

Раҳбарнинг касбий маҳорати бозор ва унинг қонунларини билишида, ташкилотнинг ривожланиш истиқболини кўра билиш, ва унинг мақсадларига эришиши учун керакли шароитларни ярата олишида, шунингдек ресурсларни бошқариш қобилиятида намоён бўлади.

Раҳбар ҳеч қачон ташкилот олдига қўйилган барча вазифаларни бир ўзи бажара олмайди. Раҳбарнинг асосий вазифаси қўл остидаги ходимларни ташкилот олдига қўйилган мақсад ва вазифаларни бажаришга йўналтира олишдир. Раҳбар ўз

фаолиятини шундай олиб бориши керакки, ташкилотдаги ҳар бир педагог, ишчи-хизматчи ходим ўз фаолиятини, ўзининг бутун кучини, билимини, салоҳиятини ташкилот олдига қўйилган мақсад ва вазифаларни бажаришга қаратсин. Ана шундагина, ташкилот ўз олдига қўйилган вазифаларни тўлиқ бажаришга эришади ва унинг рақобатбардошлиги таъминланади.

***Компетентлилик*** – билимдонлик, касбига мослик, малакалилик, тажрибалилик, масъулиятлиликни раҳбарлик фаолиятига сингдириб бориш, ҳамда ўз соҳасини, ишининг устаси бўлиш, соҳасининг сирларини ҳар томонлама чуқур билиш демакдир.

Ўз навбатида компетенциянинг бир қатор турлари мавжуд бўлиб, стандарт компетенция – доимий ва одатий вазифаларни бажариш қобилияти, асосий компетенция – эгаллаб турган лавозимга оид инновацион вазифаларни бажариш қобилияти ҳамда етакчи компетенция – касб фаолиятининг янги турларини ярата олиш қобилиятидир.

ОТМ раҳбар кадрлари компетентлиги йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- ҳуқуқий компетентлик;
- бошқарув компетентлиги;
- ахборот компетентлиги;
- коммуникатив компетентлик;
- психологик – педагогик компетентлик;
- ташкилотчилик компетентлиги;
- креатив компетентлик;
- инновацион компетентлик.

Раҳбар бир қатор талабларга жавоб бера олиши керак. “Раҳбарлик қилиш” деган сўзга изоҳли луғатларда бошқариш, маслаҳат бериш, кузатиш, йўналтириш, кўрсатма бериш деган турли маълумотлар берилган. Раҳбарлик касбий компетенциясининг шаклланиши беш босқичдан иборат бўлиб, улар қуйидагиларни ташкил этади: қобилиятни аниқлаш; тарбиялаш ва шакллантириш; чиниқтириш (кичик ҳажмдаги топшириқлар бериш); ишонч (мустақил раҳбарлик лавозимига тайинланиш); раҳбарлик чўққиси.

Олий ўқув юрти раҳбари ўз вазифаларини самарали амалга ошириши учун турли даража кишилари (талабалар, аспирантлар, ўқитувчилар, ота-оналар, тадбиркорлар, бошлиқлар) билан ўзаро муносабатларга киришиши, ҳамкасблари билан ишга доир ва ижодий муносабатлар ўрнатиши, ахборотни ўзлаштириши ва ундан фойдаланиши лозим. Буларнинг барчаси олий ўқув юртлари таркибий

бўлинмалари раҳбарларининг касбий тайёргарлиги даражасига юксак талаблар қўяди (1-расм). .




**1-расм. ОТМ раҳбари фаолиятининг компонентлари**

Интеллект, ижодкорлик инсоннинг ақлий салоҳияти бўлса, ***креативлик*** ана шу ақлий салоҳиятни мақсадга йўналтирилган тарзда эркин ишлата олиш қобилияти натижаси ҳисобланади.

***Креативлик*** бир қатор индивидуал қобилиятлар билан тавсифланади:
- фикр равонлиги;
- фикрни мақсадга мувофиқ йўллай олиши;
- ўзига хослик (оригиналлик);
- қизиқувчанлик;
- фаразлар яратиш қобилияти;
- ҳаёл қила олиш, фантазия қилиш.

ОТМ раҳбари креативлигида - ташаббускорликни, самарали мулоқотни, юксак сиёсий ва ижтимоий мавқени, олдиндан кўра олиш интуицияси ривожланганликни ва ташкилот фаолиятининг қаерга йўналишини тезда пайқаб олишлари зарур.

Ўзига ишончи бўлмаган раҳбар вазият ўзгариши билан, ўз қарорини ўзгартириб туради. Бундай раҳбар қўл остида ишлайдиган ходимлар ўз раҳбари тимсолида суянчиқ кўрмайдилар, ташкилотда ўтказаётган кунлари вақтинчаликдек туюлади. Бундай раҳбар ўзгалар билан музокаралар олиб боришга ҳам қодир эмас. Чунки ўз

шахсига ва қобилиятига ишонмаган одам ўзгаларда ҳам ишонч уйғота олмайди.

Фикримизча, ОТМ раҳбарининг креатив тафаккури қуйидагилар билан тавсифланади:

- ақлнинг пешқадамлиги;

- тезликда қарор қабул қилиш;

- қарорларни қабул қилишдан чўчимаслик;

- иш вазифаси ва соҳасига содиқлик;

- тафаккурнинг эгилувчанлиги;

- ноанъанавийлиги;

- ностандарт қарорлар ва ечимлар қабул қилишдан чўчимаслик;

- истиқболни кўриш;

- прогноз қила олиш каби хусусиятларнинг мақсадли тарбияланиши ва шакллантиришига боғлиқ педагогик жараёнлар.

Фикримизча, ОТМ раҳбарлари креативлигини оширишнинг асосий мезонлари қуйидагилардан иборат:

-ўз тафаккурингизни оригинал ечимлар топиш ва уларни тарғиб қилишга чақиринг, янги ғояларни ишлаб чиқишга ўзингизни мажбурланг;

- бошқа инсонлар сиз тўғрингизда нотўғри тушунчага боришидан чўчиманг;

- кенг мушоҳада этиш, анъанавий бўлмаган усуллардан фойдаланиш, ўз тафаккур тарзи, миллий менталитет ва стереотиплар қобиғидан чиқиб кетишга уриниң;

- агар биринчи тажрибангиз муваффақиятсиз бўлса ҳам, ўз тажрибаларингиздан воз кечманг, ноанъанавий усулларда фикрлашни давом эттиринг, масала ечимининг бошқа вариантларини топинг, бошқа йўлларни қидиришда давом этинг

- дискуссия ва баҳс учун доимо очиқ бўлинг, баҳсни ўзингизга қаратилганлигига ишонманг, баҳсни тўғри ташкил қилинг, ўз фикрларингизни баҳс жараёнида назорат қилиб боринг;

- тушунарсиз нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини англашга ҳаракат қилинг.

# EKOTURIZM VA UNI RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI

**Berdiyorov Baxtiyor Sodiqovich-** Alfraganus universiteti

Xalqaro turizm menejmenti kafedrasi dotsenti.

**Annotatsiya**. Ushbu maqola turizmni tashkil etish va mamlakat imkoniyatlaridan unumli foydalangan holda, ekoturizmdan daromad olish masalalariga bag'ishlangan.

**Kalit so`zlar**: ekoturizm, ekologik ta'lim, turistik resurslar,rekreatsiya, texnogen omillar.

**Аннотатsія**. Данная статья посвящена вопросам организатsіи туризма и получения доходов от экотуризма, эффективно используя возможности страны.

**Ключевые слова**: экотуризм, экологическое образование, туристские ресурсы, рекреатsія, техногенные факторы.

**Annotation**. This article is devoted to the issues of organizing tourism and profiting from ecotourism, using the country's opportunities effectively.

**Keywords**: ecotourism, environmental education, tourist resources, recreation, man-made factors.

Jahonda global muammolar: suv tanqisligi, iqlimni o`zgarishi, havoning ifloslanishi,ozon qatlamini yemirilishi, o`rmonlarni qisqarishi, aholini va avtomabillarni ko`payishi kabilar yuzaga kelmoqda. Ushbu zamonaviy inqirozli hodisalarni hisobga olgan holda, "inson-tabiat" tizimidagi munosabatlarni uyg'unlashtirishga imkon beradigan rivojlanishning ustuvor yo'nalishlaridan biri bu ekoturizm bo'lib, u so'nggi yillarda tez sur'atlarda rivojanmoqda.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning "O'zbekiston Respublikasining eko turizm sohasini jadal rivojlantirishni ta'minlash chora-tadbirlari to'g'risida" gi 12.01.2024 dagi O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining qarori, PQ-21-son mamlakatimizda turizmni rivojlantirishda tub burilishni, yangi bosqichning zaminini, turizmda istiqbolli islohotlarning sharoitlarini yaratdi. Prezident qarorida

Turizm xizmatlarini diversifikatsiya qilish va investitsiya loyihalarini amalga oshirishni jadallashtirish, mamlakatimizning mavjud resurslaridan oqilona foydalanish hisobiga ekologik turizmni rivojlantirish uchun yanada qulay sharoitlar yaratish va unga to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarni jalb qilish hamda tadbirkorlik subyektlari uchun qo‘shimcha imkoniyatlar yaratish orqali tog‘li va chekka hududlar hamda cho‘l mintaqalaridagi aholini ish bilan ta'minlash, ularning daromad manbaini kengaytirish maqsadida:

Birinchidan, ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim oʻzgarishi vazirligi (keyingi oʻrinlarda — Ekologiya vazirligi), Qoraqalpogʻiston Respublikasi Vazirlar Kengashi, viloyatlar va Toshkent shahar hokimliklarining davlat qoʻriqxonalari bufer zonalari, milliy tabiat bogʻlari, pitomniklar (qoʻriqxonaga aylantirilgan zonalar bundan mustasno), oʻrmon va oʻrmon-ov xoʻjaliklari, togʻli va choʻl hududlari hamda suv obyektlarining suvni muhofaza qilish zonalarida (keyingi oʻrinlarda — ekohududlar) joylashgan yer uchastkalarini kompleks turizm xizmatlarini yoʻlga qoʻygan holda turistik klasterlar tashkil etish uchun tadbirkorlik subyektlariga ajratish toʻgʻrisidagi takliflari ma'qullansin.

Ikkinchidan, shunday tartib oʻrnatilsinki, unga koʻra:

Ekohududlarda joylashgan yer uchastkalari ularning toifasi oʻzgartirilmagan holda turistik klasterlar tashkil etish uchun tadbirkorlik subyektlariga "E-auksion" elektron savdo platformasi orqali faoliyat koʻrsatish muddatini keyinchalik uzaytirish imkoniyati bilan 10 yil muddatga ijaraga beriladi;

Ekologiya vazirligiga ekohududlarda tashkil etiladigan turistik klasterlarning batafsil rejalashtirish loyihalari va master rejalarini ishlab chiqish uchun xorijiy loyiha institutlarini, shuningdek, maslahatchilarni jalb qilish huquqi beriladi;

Ekohududlarda tashkil etiladigan turistik klasterlarning batafsil rejalashtirish loyihalari va master rejalarini ishlab chiqish uchun loyihalashtirish va konsalting kompaniyalari, mahalliy va xorijiy ekspertlar hamda boshqaruvchi kompaniyalar xizmatlariga haq toʻlash Ekologiya jamgʻarmasi mablagʻlari hamda qonunchilik hujjatlarida taqiqlanmagan boshqa manbalar hisobidan amalga oshiriladi;

Turistik klasterlar hududidagi turistik obyektlar Ekologiya, vazirligi hamda Qurilish va uy-joy kommunal xoʻjaligi vazirligi tomonidan belgilanadigan yengil va tez quriladigan konstruksiya hamda ekologik toza qurilish materiallaridan barpo etiladi;

Ekohududlarda tashkil etiladigan turistik klasterlarda turizm xizmatlari inson faoliyatining atrof-muhitga salbiy ta'sirining oldini olishni nazarda tutuvchi ekohududlarni rivojlantirish dasturlariga muvofiq koʻrsatiladi. Bunda, ekohududlarni rivojlantirish dasturlari Ekologiya vazirligi tomonidan ishlab chiqiladi va tasdiqlanadi.

Mavzuga oid adabiyotlar tahlili. Mavzu tahlili jarayonida R. Hayitboyevning –«Ekoturizm asoslari» kitobidan foydalanildi. Hamidov O. H va Norchayev A. N – «Ekoturizm» kitobida – «Ekoturizm tushunchasi qoʻriqxona hududlari va tabiiy parklarning hozirgi zamonaviy faoliyatida keng qoʻllanilayotgamligi ta'kidlab oʻtilgan. Jahonda bu sayyohat turning jadal oʻsishiga sabab faqat atrof muhitning yomonlashishigina emas, balki mashhur hordiq chiqarish togʻ bagʻridagi kurortlar, iliq dengizlarning qirgʻoqlari, tekisliklar va oʻrmonzorlarning borgan sari koʻproq

oʻzlashtirilayotganligi hamdir» degan xulosaga xorij tajribasini oʻrgangandan soʻng

kelgan.

Turizm sohasida A.Yu.Aleksandrova ekoturizmning barcha turlarini jamlab asosan ikki asosiyturga guruhlaydi:

1. Kam oʻzgartirilgan yoki buzilmagan, yovvoyi sharoitdagi va alohida muhofaza qilinadigantabiiy hududlar chegarasidagi ekoturizm.

2. Madaniy landshaftlar yoki madaniylashtirilgan kengliklar va alohida muhofaza qilinadigantabiiy hududlar chegarasidan tashqaridagi ekoturizm.

Ekoturizm rivojlangan yetakchi davlatlar zamonaviy texnologiyalardan foydalangan holda ekoturizm uchun zarur infratuzilmani rivojlantirishda sezilarli yutuqlarga erishdilar. Energetika isteʻmoli, suv isteʻmoli va va chiqindilarni utilizatsiya qilish, biologik xilma-xillikni saqlash va madaniy merosni boshqarish samaradorligi sohasida zamonaviy texnologiyalardan foydalangan kabi yoʻnalishlar ekoturizmning kelajakdagi rivojlanish vektorini aniqlaydi, Ushbu yoʻnalishlar ekoturizmning kelajakdagi rivojlanish vektorini aniqlaydi, deb ishoniladi, chunki ekoturizm endi astsetik bayramni anglatmaydi, ertangi kunning koʻplab ekokurortlari hashamat maskani boʻladi,chunki ekoturizm tushunchalari farovonlikka qurilgan deb yoritgan - Balmford A., Green J.M.H.,Anderson M., Beresford J., Huang C., Naidoo R. Sayohatchilarning uchdan bir qismidan koʻprogʻi ekologik turizmni qoʻllab-quvvatlaganlari va buning uchun 20%dan 40% gacha koʻproq pul sarflashga tayyor ekanliklari aniqlangan. Anʻanaviy ommaviy turizm barqaror oʻsish bosqichiga yetdi. Hozirda, ekoturizm tarmogʻiga kiruvchi madaniy, tabiiy va “erkin sarguzasht” turizmi tarmogʻi dunyo boyicha yetakchilik qilmoqda va kelajakda yanada yuksalishi bashorat qilinmoqda. Ekologik turizm, keyingi yigirma yil ichida tez oʻsadi. Hisob-kitoblarga koʻra, ekoturizm hisobida global xarajatlar sanoat boʻyicha oʻrtacha oʻsishdan yuqori natijalar koʻrsatib kelmoqda –deb Tourism in the Green Economy tadqiqot olimlari takidlashgan. N. Loginova, V. Kostorova va G. Chudaykina tahlilariga koʻra ekologik turizmni, turizmning boshqa turlaridan ajratib turuvchi asosiy tamoyillar ekoturizm tamoyillaridir. Ekologik turizm obyektlari - tabiiy obyeklar boʻlib, tabiiy resurslardan oqilona foydalanish, atrof-muhitga salbiy taʻsir koʻrsatish xavfi yoʻqligi yoki bu xavfni minimallashtirish, mahalliy ijtimoiy-madaniy muhitni saqlash, ekoturizm obyektiga aylangan hududlarga ijobiy iqtisodiy taʻsir koʻrsatish hisoblanadi degan xulosalarga kelishgan.

Shuningdek, Oʻzbekiston Respublikasida keyingi yillarda ekologik turizmning ommaviyligi sezilarli darajada oshdi. Zero, tabiatning oʻzi Oʻzbekistonni toʻrt fasl ila siylagan, goʻzal tabiatimiz oʻzining yil boʻyi husn taratib turadigan cheksiz togʻlar, choʻllar va shirin, mazali mevalarni atoetgan. Aslida har bir fasl Oʻzbekistonda oʻz hukmronligiga ega va esda qoladigan taaʻssurotlar qoldiradigan goʻzal maskan, bunga misol tariqasida - bahorda asal gullarining hidi va xushboʻyligini soʻz bilan taʻriflab boʻlmaydi, qishda qor va ayoz boʻlishi, yoz esa shirin tarvuzva qovun hidi ila tasav-

vurni boyitishi, oltin kuz esa barcha peyzajlardan go‘zalroqligi bilan ajralib turadi. Albatta, bularning barchasi sayyohlarni o‘ziga tortadi va ularning ko‘pchiligi jonajon O‘zbekistonga mehr bilan qaraydi.

Ta’kidlash joizki, O‘zbekiston ham boy tabiiy resurslar, betakror o‘simlik va hayvonot olamiga ega. Ushbu salohiyatni asrash va ko‘paytirish maqsadida ko‘plab milliy dastur va loyihalar hayotga tatbiq etilmoqda. Mamlakatimizda ekoturizmning rivojlanishi nafaqat tabiatni muhofaza qilish, ekoturistlarni ona tabiatimizga jalb etish, balki iqtisodiy sharoitni yaxshilash, aholini ish bilan ta’minlashda muhim omil bo‘lib xizmat qiladi. Yurtimizda ekoturizmning yo‘nalishidan biri bo‘lgan qishloq turizmi ham rivojlanmoqda. Qishloqlarda ko‘plab mehmon uylari tashkil qilindi. Bu o‘z navbatida qishloq aholisining turmush tarzini yaxshilashga, sayyohlarni mehmon uylarida joylashishiga yordam beradi.

O‘zbekistonga turistlarni jalb qiluvchi asosiy omil bu uning maftunkor tabiatidir, uning xilma-xilligidir. Sababi O‘zbekiston iqlimi, ob havosi yil davomida dam olish va ekoturizmni rivojlantirish uchun qulayligi bilan ajralib turadi. Jumladan, geografik o‘rni qulay, tabiiy sharoiti va ekoturistik imkoniyatlari xilma-xil bo‘lgan, sanoat rivojlangan va aholi zich yashaydigan Toshkent viloyatida ekoturlarga talab yuqori. Misol uchun, Bo‘stonliq tumani o‘zining ekoturistik salohiyati bilan ajralib turadi. Eng muhimi, hududda turizmning ayniqsa, ekoturizmning barcha yo‘nalishlarini rivojlantirish imkoniyati mavjud

Xulosa “yashil” iqtisodiyotga o‘tishni ta‘minlashning asosiy tarmoqlaridan biri sifatida turizmning roli va ahamiyati ortib borayotgan bir sharoitda muvaffaqiyatli ekoturizm amaliyotlarini doimiy o‘rganish, aniqlash va ommalashtirish talab etiladi. Shu nuqtai nazardan, keyingi tadqiqotlarning ustuvor yo‘nalishlari asosan alohida muhofaza etiladigan hududlarni kengaytirishda ekoturizmning rolini oshirish, ekologik javobgarlikni oshirish, ekoturizm mahsulotlarini yaratish va targ‘ib qilish bilan bog‘liq ko‘kalamzorlashtirish tadbirlari; sheriklik mexanizmlarini joriy etish va davlat turizm tashkilotlarini sertifikatlashtirish jarayoniga jalb etish targ‘ib tartibga solish va monitoring ekoturizmni rivojlantirish.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati**

1. Hamidov O. H va Norchayev A. N – «Ekoturizm»
2. Balmford A., Green J.M.H., Anderson M., Beresford J., Huang C., Naidoo R., et al. Walk on the Wild Side: Estimating the Global Magnitude of Visits to Protected Areas // PLoS Biol. 2015. Vol. 13 (2). P. 1– 6.
3. Loginova N. Yu., Kostovarova V. V., Chudaykina G. M. Rossiya va Skandinaviya mamlakatlarida ekologik turizm // Rossiyada va chet elda xizmat. 2016. T. 10. No 2 (63). 227–238-betlar.

4. Aliyeva, M. T. (2007). Turistik mamlakatlar iqtisodiyoti. Darslik. T.: TDIU.
5. Алиева, М. Т. (2023). Развития смарт туризм в Узбекистане.
6. Mirzaev, M. A., & Alieva, M. T. (2011). Fundamentals of tourism. Textbook. Tashkent.2011y.
7. R. Xaitov "Ekologik turizm" o`quv qo`llanma. – Toshkent: 2018. -248
8. https://tourismteacher.com/mice-tourism/ internet sayti.

# “ЧАЁН” ВА “ЧЎЛ ЧАЁНИ”НИНГ ҲАЖВИЙ НИШТАРИ

М.Худойқулов, филология фанлари доктори, профессор.

(Илк жадид ҳажвий нашрлари хусусида)

Ўтган асрнинг бошларидан то Россияда болшевиклар амалга оширган давлат тўнтаришига қадар мамлакатимиз ижтимоий ва маданий-маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутиб келган ҳамда жамият тараққиётининг тадрижий – маърифий тараққиёти тарафдорлари бўлган жадидлар томонидан чиқарилган матбуот нашрлари орасида 1917-18 йилларда Тошкентда нашр этилган “Чаён” ҳажвий журнали ҳам алоҳида ўрин тутади. Шуни айтиш керакки, ҳар қандай публицистика турининг, шу жумладан ҳажвий публицистиканинг марказини журнал ташкил этади, яъни фақат ҳажвий журналдагина ҳажвий публицистиканинг барча томонлари, жанрлари ўрин олиши, асосий эътибор ҳажвий танқид – ижтимоий кулгига қаратилиши мумкин. Иккинчи томондан ижтимоий ҳаётни кулги танқиди – сатира ва юмор нуқтаи назаридан ёритувчи ҳажвий журнал бошқа – умумижтимоий нашрларга қараганда оммага кучлироқ таъсир қилиши, жамоатчилик фикрини уйғотишда алоҳида бир туртки бўлиши мумкин. Шу боисдан ҳам ҳар бир миллат ҳаётида кулги журналининг пайдо бўлиши шу миллатнинг маънавий камолотидан далолат беради. Туркистондаги ана шундай илк ҳажвий нашр – 1917 йил июл ойидан эътиборан чиқа бошлаган “Чаён” (журнал муҳарририяти қўйганча “Чаян”) журнали бўлди. “Бу журнал кулги журнали эди,− деб маълумот беради А.Авлоний ўзининг “Бугунги ўзбек матбуотининг тарихи” мақоласида. Журналнинг масъул муҳаррири Иброҳим Тоҳирий эди. Бу журнал кўбрак ерли халқ масаласига аҳамият бергани учун сув йўқлиги ва тил татарчалигига қарамасдан халқ орасида анчагина эътибор қозонди ва умрида бир қанча уламо ва бойларнинг ярасини тилиб туз тикди”. Зиё Саид эса ўзбек матбуоти тарихига оид китобида журнални коммунистик синфий нуқтаи назардан баҳолаб ўтади: “Чаён” 1917 йил июл ойидан бошлаб татар ва ўзбек миллий буржуазиясининг фикр тарқатғувчиси бўлиб дунёга келди... Бу журнал болшевикларни сўкишдан бўшаған вақтда қорагуруҳ уламоларни ҳам чақиб турди.” “Чаян” ширкати томонидан нашр этилган ҳамда “Ўн беш кунда бир марта чиқатурғон адабий, сиёсий, ҳажвий, кулги ва расмли журнал” деб аталган бу нашрнинг масъул раҳбарлари Татаристондан келган тараққийпарвар журналистлар Иброҳим Тоҳирий ва Халаф Тўлаковлар эди. Улар журналнинг бош мақолаларидан бирида айтиб ўтилганидек “Туркистон туркларидан аввалроқ уянган (уйғонган – М.Х.) Ўрта Русия турклари матбуоти” намояндалари эдилар. Ўткир қалам ва салоҳият эгаси бўлган Иброҳим Тоҳирий

ҳажв ва унинг ижтимоий аҳамиятини, дунё ҳажвий адабиёти тарихини яхши билар эди: “Адабиётда, қадимларга фойиқ миллатларнинг адабиёт тарихларинда ҳажв ва кулги энг биринчи ўрин тута,– деб ёзади Иброҳим Тоҳирий “Чаён”нинг бир йиллигига бағишланган бош мақолада. - Ўз халқининг етишмаган ёқларидан кулиб, ҳажв этиб кўрсатадиган матбуотнинг борушина, анинг тараққийсина эътибор этиб ёқти (ёруғ – М.Х.) ва порлоқ кунлари бўлувина ишонганлар”. Адиб жаҳон халқлари тарихида ҳажвнинг тутган аҳамиятли ўрнига тўхталар экан, бу масала турк халқлари тарихида ҳам, турк адабиёти тарихида ҳам асосий жой эгаллаб келганлигини таъкидлайди: “Бизнинг турк адабиётида керак эскиси ва керак янгиси бўлсун кулги, ҳажвсиз қолмаган. Хўжа Насриддин, Девона Машраб асарлари ўз бобинда ҳар бириси бирор кулку ҳажв журнали эди.” Сўнг мақолада Исмоил Гаспринский томонидан нашр этилган “Хо-хо-хо”, Қозон ва бошқа шаҳарларда чиққан “Ов қилар қарчиғай”, “Мулла Насриддин”, “Чўкич”, “Ялт-юлт”, “Қармоқ” каби журналларга тўхталиб, уларнинг “Чириб вайрон бўлувға яқинлашган” ижтимоий ҳаёт иллатларини фош этишдаги хизматларини кўрсатиб ўтади. Мазкур мақолада “Чаён” журналининг ижтимоий дастурамали ва маслаги ҳам белгилаб берилган. Унда “Чаён”нинг маслаги “Туркистон крайинда фикрий инқилоб ясов, мадрасалар оламида зўр ўзгариш майдонга келтирув, ўқувчиларни матбуот билан дўстлаштирув”, “риёсиз, тарелкасиз (яъни, хушомадсиз – М.Х.) ҳақиқатларни очиқ кўрсатув”дан иборат эканлиги билдирилади. Журналнинг 1918 йил, 2-сонида берилган билдирувда ҳам ўқувчиларга мурожаат қилиниб: “Тўғрилик ва ҳақиқат ошиқлари! Ҳеч кимга тарелка тутмовчи, қўрқмай ҳақиқатни ёзатурғон “Чаян”га муштарий бўлиш”га чақирилади.

“Чаён” журналининг сақланиб қолган мавжуд сонлари билан танишганимизда унинг юқорида баён этилган йўналишга тўла амал қилганлигига гувоҳ бўламиз. “Чаён” ўша давр ижтимоий иллатлари – жоҳиллик ва мутаассиблик, адолатсизлик ва тараққиётга ғов бўлувчи бошқа ижтимоий камчиликларни аямасдан, ўз сўзи билан айтганда “риоясиз” фош қилди, бундай иллатларни ташувчиларни “чаён бўлиб чақди”. Журналнинг 1918 йил 19-июлда чиққан 11-12 сонларида “Рамазонда Шайҳонтаҳур мозори” сарлавҳаси остида бир неча материаллар босилган. Унда исломнинг энг муборак ойи – рамазонда Шайҳонтоҳурга йиғилиб томошолар кўрувчи, маст-аласт юрувчилар устидан кулинади. Шу сонда берилган “Андижонда Али билан Вали ўртасидаги ҳангома” фельетонида эса халқни алдаб бойлик йиғувчи чойфуруш бойларнинг кирдикорлари очиб ташланган. Журналнинг 1918 йил, 13-сонида босилган ”Миллий театр ва оила ислоҳати” сарлавҳали бош мақолада театр ва унинг оила тарбиясидаги аҳамияти ҳақида сўз борса, “Халқ дорилфунунидаги комедиялар” деган кичик фельетонда (1918, 12) ўша пайтда ташкил топган Туркистон халқ дорилфунинидаги камчиликлар, бу илк олий ўқув юртига бошлиқ бўлиб олган рус амалдорларининг маҳаллий миллат вакилларини менсимасликлари фош қилинади. Маълумки,

“Чаён” Руссияда катта ижтимоий воқеалар юз бераётган, жумладан 1917 йил октябр ўзгариши бўлиб ўтган бир даврда пайдо бўлган эди. Пролетариат синфи номидан ўтказилган бу ижтимоий тўнтариш 1917 йил феврал инқилобидан кейин Туркистонда юз бераётган жараёнлар – феодал-зулм тимсоли бўлган чор подшоси ҳукмронлигидан қутилиб ҳурриятга чиқиш, миллий озодликка эришиш ҳаракатига салбий таъсир этиб, ижтимоий ҳаётни тор синфий оқимга буриб, жамиятни бир-бирига қарама-қарши кучларга бўлиб юборган ва ҳалокат ёқасига олиб келиб қўйган эди. Журнал бу воқеаларга ҳам ўзининг салбий муносабатини билдирмай тура олмади, албатта. Миллий озодлик ва мустақиллик ғояларига хизмат қилган “Чаён” журнали “Яшасин Туркистон мухторияти!”– деган шиор остида иш кўрди. Аммо болшевиклар томонидан Туркистон миллий озодлик ҳаракатига рахна солинди, Қўқон мухторияти деб ном олган миллий ҳукумат куч билан тор-мор этилди. Журнал бу воқеаларни ўзининг “Ҳўқанд фожеалари” деган материалида ўқувчиларга етказди (1918, 5-сон). Журналда босилган қатор мақолалар, шеърларда болшевикларнинг зўравонликлари, юртга олиб келган даҳшатлари фош этилди. Масалан, Девонаи Машраб имзоли шоирнинг “Ҳозирги болшевиклар” шеърида (1918, 4) болшевиклар “миллат душмани” сифатида фош этилса, “Комиссар Айниддин” сарлавҳали фельетонда (1918, 3) эса октябр ўзгаришидан кейин бир юмалаб комиссар бўлиб олиб, халққа зулм ўтказаётган саводсиз, жоҳил шахс образи берилади. Журналда босилган “Бир комиссар тилидан” деб номланган шеър ҳам юқоридаги мавзуга ҳамоҳангдир. Шеър юқоридаги каби шахслар тилидан баён этилган:

Комиссар бўлдим, буюк од олдим,

Миллатни сотдим, неча мақталдим.

Қуйруқ бўлдим мен болшевикларга

Туркликни-да тамом топтадим.

Юқоридаги фельетон ва шеърларда болшевикларга хизматга ўтиб миллатига хиёнат қилган кимсалар умумий тарзда танқид қилинса журналнинг 1918 йил, 12-сонида босилган “Болшевик даврида Насриддин” деган фельетонда эса муайян шахс қаламга олинади. Унда гап ўз даврида тараққийпарварлик ғоясига астойдил хизмат қилган, октябр ўзгаришидан кейин эса болшевиклар хизматига кириб, уларнинг маслагини қабул қилган ўзбек зиёлиларидан биттаси – Абдулла Авлоний ҳақида боради. Фельетон нозик услубда, ўткир киноя билан ёзилган:

“Кунлардан бир куни Хўжа Насриддин ҳазратлари “Уламо” жамияти раисина йўлиқиб, мусоҳабат қилиб ўлтирғонида раис афанди Хўжа ҳазратларининг қулоғина сир ўларок ушбу сўзларни сўзлади:

– Ана, домла Насриддин, шаҳарда полшевой деган нима бололар чиқуб экан.

Бизнинг эшитишимизга биноан полшовойларнинг раислари Абдулла Авлоний бўлғон дей...

Хўжа Насриддин ўйлаб турғондан сўнг:

– Бўлур, бўлур, домла. “Уламо” жамияти раиси сизнинг каби кишилар бўлғоч, болшовойларнинг раиси Абдулла Авлоний бўлса бирда ажиб тугул (ажабланмаса ҳам бўлади – М.Х), демиш.”

“Чаён”нинг ижтимоий ҳаёт иллатларини бундай кескин тарзда фош этиши, айниқса янги тузум тартибларини куч ишлатиш ва зўровонлик билан амалга ошираётган болшевикларни танқид қилишга журъат этиши турган гапки, совет ҳукумати идораларига ёқмади. Улар татар социалист ишчилар қўмитаси номидан журнал муҳарририятига: “Бундан сўнг советский властга қарши ёзмасқа ва ёзган чоғда ёпилажагини баён этиб” огоҳлантирувчи хат йўллайди. Бунга жавобан “чаён”чилар заҳарханда билан жавоб мақоласи чиқариб: “Николайнинг жаҳаннамий истибдоди замонида” ҳам айрим ҳажвий журналларнинг чиқиб турганлигини, энди “ҳуррият келди” деб эълон этилган даврда эса бундай зўровонликка йўл қўйилаётганлигини қаттиқ танқид қилдилар. Аммо, афсуски, бу хилдаги норозилик ва инсофга чақириш нидоси болшевикларга кор қилмади, зўровонликка асосланган совет идоралари “Чаён” журналини ёпиб ташлади, муҳаррири қамоққа олинди. Ўша пайтда чиқиб турган “Улуғ Туркистон” газетаси “Чаян” журноли ёпилғон” деган билдиришида бу тўғрида шундай деб ёзган эди: “Марказий Туркистон Комитети ҳузуриндаги миллий ишлар секциясининг қарори бўйича Тошкентда чиқадурғон “Чаян” журноли тўхтатилиб, муҳарририни ҳибсга олурға, мол-мулкларини мусодара қилурға амр берилган... Туркистонда бирдан-бир бу турк-татар мажмуасининг ёпилуви шодликли хабар тугулдир” (эмасдир, дейилмокчи – М.Х.) Журнал муҳаррири И. Тоҳирий сал кейинроқ бу воқеаларни шарҳлаб “Чаён”нинг ёпилишига болшевикларнинг зўровонликлари билан бир қаторда Туркистон ижтимоий ҳаётига хос бўлган ноиттифоқлик, айрим зиёлиларнинг худбинлиги, манфаатпарастлиги ҳам сабаб бўлганини кўрсатиб ўтган эди. У кейинроқ ёзган “Марҳум “Чаян” журнали ҳақида” мақоласида ўша даврдаги айрим зиёлиларнинг ҳажвга, танқидга нохолис, худбинларча муносабатда бўлишини танқид қилиб: “Бу кун туркистонлилар учун... маддоҳлик керак, риё керак, нифоқ сотув керак... Шунинг учун-да унинг муҳаррири ҳибсга ҳукм этилди”, деб ёзган эди. Аммо бир томондан болшевиклар зўровонлиги-ю, иккинчи томондан маҳаллий зиёлиларнинг лоқайдликлари боисидан ўз фаолиятларини тўхтатишга мажбур бўлган чаянчилар руҳан таслим бўлмадилар. “Чаён” ёпилиши билан улар “Чўл чаёни” журналини чиқаришга киришдилар. Бу нашр ҳам ўз маслаги ва йўналиши жиҳатидан “Чаён”нинг давомчиси бўлмоғи лозим эди. “Ғофил кишиларни ғафлатдан уятур учун ҳар турли тишлагич, чақувчи ҳайвонларни яратувчи оллоҳ азим ҳазратларина чексиз

шукрлар бўлсинки, Туркистон мусулмонлари учун ҳаво ва сув даражасинда зарур бўлғон ҳажвий, кулги, расмли “Чўл чаёни” журнали чиқа бошлади”,– деб ёзилади журналнинг 1918 йил, 1-сентябрда чиққан биринчи сонидаги дастурий билдиришда ва янги нашрнинг асосий вазифаси “ҳақиқатни майдонга чиқариш”, ўқувчиларга “кимлар ёвуз, кимлар эзгу, кимлар ҳайлакор, кимлар виждонли” эканлигини кўрсатишдан иборатлиги таъкидланади. Шу сонда босилган “Чўл чаён” не учун чиқа?” деб номланган бош мақолада журнал “турк ўғли, турк авлодлигиндан анинг энг буюк вазифаси – “турклик фойдаси” бўлажагини, бир томирдан кетган турк бутоқларини айирурга тиришувчи, алар орасина қора мачи (мушук – М.Х) юборувчи шайтонларнинг нақ виждонларини”, “олим исмини олиб-да илм исминдин турклик инқирозина хизмат этувчи, ёш зиёлиларга қарши туриш даъвоси-ла остроумовчиларга фойда келтирувчи уламоларнинг бурнининг учидан”, “тўра бўлдим”, деб ўз чаботаси (чориғи – М.Х)ни тўрга илган тўраларнинг мўйин томиридан” чақажагини баён қилади. Мазкур мақола ҳажвий журналнинг “усул тарбия-таълимдан хабари йўқ, болаларнинг азиз умрларини зое этувчи оғоч муаллимларнинг қулоғидан чақажаги”ни билдирар экан, миллий тилнинг бузилиш ҳолларига ҳам ўзининг кескин мунсабатини билдириб ўтади: “Чўл чаёни” ўз она тилини ташлаб, Ванка ва Васка тили бирла ўрамларда гапириб юрувчи мусулмон қизларнинг тилидан чақажак“.

Туркистонда ягона ҳажвий журнал “Чаён”нинг “Чўл чаёни” номи билан қайтадан чиқиши муҳим маданий-сиёсий воқеа эди. Ўша даврдаги энг нуфузли газета ҳисобланган “Улуғ Туркистон”нинг бу ҳақда берган махсус билдиришида “Тошкентда ҳажвий, кулки, сиёсий ва адабий расмли журнал – “Чўл чаён” чиқабошлаганини, журналнинг маслаги “ҳар қандай шахсий ғаразлардан, маъносиз интриғалардан соф хабарлар тарқатиш эканлиги айтилади. Кўриниб турибдики, “Чўл чаёни” ҳам худди “Чаён” сингари умуминсоний, демократик мақсадларни ўз олдига қўйган. “Чўл чаён”чилар ҳам ўз маслакларини амалга ошириш учун астойдил киришганликларини унинг саҳифаларидан жой олган материаллардан билиб олиш мумкин. Журнал ижтимоий ҳаёт воқеаларини ёритар экан ундаги иллатларни холис, умуминсоний нуқтаи назардан баҳолайди ва танқид қилади. Масалан, журналнинг 1918 йил 4-5 қўшма сонидаги “Йил боши” сарлавҳали бош мақолада авомлик, жаҳолат танқид қилинса, унинг шу йил 2 сонидан жой олган “Хотун бармоғи” сарлавҳали мақола ўша пайтда Москвада бўлиб ўтган воқеалар – сўл эсерлар томонидан болшевиклар ҳукумати бошлиғи В.И.Ленинга қилинган суиқасд ҳақида бўлиб, террорчилик, шу жумладан болшевиклар террори қаттиқ қораланади. Журналда босилган “Озодлик куни ҳурматина” сарлавҳали мақолани ўша давр ҳажвий публицистикасининг ёрқин намунаси дейиш мумкин. Муаллифи кўрсатилмаган, аммо услубидан И.Тоҳирийга мансублиги сезилиб турган бу ҳажвий-танқидий мақолада озодлик, эркинлик ҳақида фалсафий мушоҳада юритилади:

“Одамнинг ҳаёти жон билан бўлғони каби жоннинг ҳаёти-да эрк биландир,– деб ёзади муаллиф. – Эрки йўқ жон – жони йўқ тан кабидир. Озодлиғ неъматидан маҳрум миллатлардан ҳақиқий кишилар етишмайди”.

Ҳажвчи бўлиб ўтган октябр ўзгариши барчага ҳуқуқ ва на эрк бера олмаганини таъкидлар экан: “Афандилар, сиз унутмангиз: ҳуқуқ берилурға ярамий, олинурға керак”,– деган хулоса чиқаради ҳамда ҳақиқий ҳуқуқ ва эрк учун курашиш лозимлигини таъкидлайди ва ўз мақоласини: “Оҳ, Турон авлоди! Қайда ғойиб этдинг сен аскарлик руҳингни!” – деган аламли мурожаат билан тугаллайди. Юқоридаги мисоллар “Чўл чаёни” ижтимоий ҳаётнинг муҳим масалалари бўлмиш эрк, озодлик, адолат каби тушунчаларда тўғри, умуминсоний, халқчил нуқтаи наазарда турганлигини кўрсатади. Журнал ўз йўналишини амалга ошириш, ҳаётни холис тарзда ёритишда ҳажвий публицистикадан кенг фойдаланди. Турган гапки, “Чўл чаёни”нинг зулм-зўравонликка қарши, эркталаб бундай фикрлари болшевиклар ҳукуматига ёқмади, журнал кўп ўтмасдан бутунлай ёпиб ташланди, унинг тўғри фикрли, виждонли ва истеъдодли муҳаррири И. Тоҳирийнинг товуши тамоман ўчирилди. “Чаён” ва “Чўл чаёни” журналлари биринчи татар-ўзбек ҳажвий журналлари сифатида ўша давр ижтимоий ҳаётида муҳим рол ўйнадилар. Тўғри, бу журналлар фаолиятида бир қатор камчиликлар ҳам мавжуд эди. Улар кўпроқ татар матбуоти йўлидан бордилар, ўзбек матбуоти, демократик адабиёт анъаналарига етарли эътибор бермадилар, таниқли шоир ва ёзувчиларни ўзларига жалб эта олмадилар. Аммо улар ўзбек ҳажвий матбуотининг илк нашрлари бўлдилар, кейинги давр ҳажвий публицистикасининг тараққиёти учун бир поғона бўлиб хизмат қилдилар. Энг муҳими – улар ва бу даврда чиққан бошқа вақтли матбуот нашрлари ҳажвий публицистикадан фойдаланар эканлар тор синфий мақсадларга эмас, умуминсоний ғояларга, эзгуликка, ҳурриятга хизмат қилдилар ва бу юксак маслак учун курашдилар.

# СРАВНИТЕЛЬНАЯ ОЦЕНКА ИММУННОГО БАРЬЕРА ПОЛОСТИ РТА ПРИ ПРОТЕЗИРОВАНИИ ПЛАСТМАССОВЫМИ И КЕРАМИЧЕСКИМИ КОРОНКАМИ У ПАЦИЕНТОВ С АЛЛЕРГИЧЕСКИМ ФОНОМ

**Хожимуродов Жамшидбек**
ассистент кафедры
Алфраганус Университет
**Усманова Шоира Равшанбековна**
доктор медицинский наук, профессор
Алфраганус Университет

**Аннотация.** Высокая распространенность аллергических заболеваний (АЗ), которая год от года продолжает неуклонно расти, в последние десятилетия является одной из основных проблем общественного здравоохранения во всем мире, а также предметом изучения в различных региональных и международных эпидемиологических, иммунологических и клинических исследованиях.

Аллергические заболевания с каждым годом привлекают все более пристальное внимание врачей разных специальностей. Несмотря на то, что аллергические болезни известны человеку более двух с половиной тысяч лет, в современном мире проблемы, связанные с вопросами диагностики, терапии и профилактики аллерго-патологии, остаются весьма актуальными.

По прогнозам Всемирной Организации Здравоохранения(ВОЗ) XXI век станет эпохой аллергии, потому что распространенность аллергических заболеваний стала увеличиваться в 2-3 раза каждые 10 лет и достигла масштаба эпидемии. В настоящее время аллергическая патология входит в шестерку наиболее частых заболеваний человека.

Высокая распространенность аллергических заболеваний (АЗ), которая год от года продолжает неуклонно расти, в последние десятилетия является одной из основных проблем общественного здравоохранения во всем мире, а также предметом изучения в различных региональных и международных эпидемиологических, иммунологических и клинических исследованиях.

За последние же десятилетия проблема аллергии приняла масштабное развитие, в связи с этим аллергию называют «болезнью цивилизации». В высокоразвитых

странах процент страдающих аллергией, преимущественно среди молодого населения, значительно выше, чем в развивающихся и слаборазвитых странах. Загрязнение окружающей среды отходами промышленного производства, неблагоприятные социальные условия, рост потребления различных лекарственных препаратов, интенсивное использование средств дезинфекции в быту и на производстве, применение пестицидов и гербицидов в сельском хозяйстве, изменение качества питания, использование генетически измененных продуктов — сочетанное воздействие данных факторов на организм современного человека создает условия для высоких аллергенных нагрузок. Согласно статистическим данным многих стран мира (Германии, Англии, Франции и др.), от 10 до 30 % городского и сельского населения, проживающего в регионах с высокоразвитым экономическим потенциалом, страдает аллергическими заболеваниями.

Экономический ущерб от аллергических заболеваний достаточно высок и определяется не только непосредственно затратами на лечение пациентов с аллергопатологией, но и теми затратами, которые требуются для лечения осложненных аллергией вирусных и других инфекций. Учитывая тот факт, что аллергией страдает наиболее молодой, трудоспособного возраста контингент населения, аллергические болезни приводят к огромным трудопотерям, значительному социально-экономическому ущербу, выраженному снижению уровня здоровья населения и нации в целом.

Существуют различные теории, объясняющие этот феномен:

**Гигиеническая гипотеза**, выдвинутая в 1989 году Дэвидом Стрэченом, утверждает, что переход к соблюдению норм гигиены предотвращает контакт организма со многими антигенами, что вызывает недостаточную загрузку иммунной системы (в особенности у детей). Поскольку наше тело сконструировано так, что оно должно постоянно противостоять определённому уровню угроз, иммунная система начинает реагировать на безобидные антигены.Эпидемиологические данные подтверждают теорию влияния гигиены. Исследования показывают, что различные аллерго-иммунологические и аутоиммунные заболевания гораздо реже встречаются в странах третьего мира, чем в развитых, и что иммигранты из развивающихся стран в развитые болеют иммунными расстройствами тем чаще, чем больше времени прошло с момента иммиграции. Длительные исследования в развивающихся странах показывают увеличение аллергических и иммунных расстройств по мере роста благосостояния и, соответственно, чистоты в стране.

Приём антибиотиков в первый год жизни связали с частотой появления астмы и других аллергических реакций. Использование антибактериальных чистящих средств и кесарево сечение связаны с частотой появления астмы. Следует помнить, что все эти исследования показывают лишь корреляцию между этими факторами, но не причинно-следственную связь.

## Определение и виды аллергических заболеваний

**Аллергия** – это хроническое заболевание, вызванное неадекватной, нежелательной и неожиданной реакцией иммунной системы на воздействие веществ, которые обычно не приводят к заболеванию и не наносят вред человеку, например: на продукты питания, лекарства, пыльцу растений, яд насекомых и других веществ. **Аллергическая реакция-** на эти вещества появляется, когда они соприкасаются с различными тканями организма, и, как правило, они вызывают проявление симптомов аллергии в этих тканях (например, на коже, в системе пищеварения, в дыхательных путях и т.д.)[ 86].

**История:** Термин «аллергия» был введён венским педиатром Клеменсом Фон Пирке в 1906 году. Он заметил, что у некоторых из его пациентов наблюдаемые симптомы могли быть вызваны определёнными веществами (аллергенами) из окружающей среды: пылью, пыльцой растений, некоторыми видами пищи. На протяжении долгого времени считалось, что гиперчувствительность развивается в связи с нарушением функции иммуноглобулинов Е, однако впоследствии стало ясно, что многочисленные механизмы с участием различных химических веществ вызывают появление множества симптомов, ранее классифицированных как «аллергия».

**Этиология аллергии:**

Этиология аллергии включает:

1. Чрезвычайный раздражитель

2 Условия

3. Входные ворота

4. Реактивность организма

Чрезвычайный раздражитель

Аллергические антигены чужеродные вещества дляорганизмачеловека. Они обладают слабой чувствительностью, слабой антигенностью. Они могут быть полными и неполными (гаптенами). Полные антигены - это макромолекулярные соединения животного, растительного, пищевого происхождения, аутоантигены. Неполные антигены - это гаптены. К ним относятся лекарственные препараты.

**Классификация антигенов:**

*1. Чрезвычайный раздражитель*

АЛЛЕРГЕНЫ

1.Эндогенные, Экзогенные

2.Неинфекционные, инфекционные

Экзогенные включают:

- лекарственные

- бытовые

- растительные пищевые,

Основные известные аллергены:

пенициллин, домашняя травы, цветы, коровье молоко, яды насекомых, лечебные пыль, шерсть пыльца и сок, ко, белки куриных яиц, сыворотки, пыльцы домашних растений, рыба, разные возбудители инфекционных заболеваний, сульфаниламиды, бактерии животных, цитрусовые,
йод, клещи, пух, мед, кофе, бактерии, витамины группы В и их фрагменты, мясо, орехи русы, грибы и красители.

*2. Условия*:

высокая и низкая температура, ионизирующая радиация, ультрафиолетовые лучи, электромагнитные поля, экологические факторы (озон, окислы азота), характер питания (избыточная нагрузка углеводами и белками).

*3. Входные ворота*:

При попадании растительных аллергенов через дыхательные пути чаще развиваются кашель, бронхиальная астма. При попадании аллергена через желудочно-кишечный тракт наблюдаются проявления в виде воспаления.

Если аллерген поступает парентерально, например, в кровь может развиваться анафилактический шок. Если аллерген поступает через кожу, могут развиваться дерматиты, сыпь, вплоть до экземы.

*4.Реактивность организма:*

Чаще аллергическими заболеваниями страдают люди с аллергической конституцией. В целом иммунологическая реактивность у человека определяется состоянием ЦНС, эндокринной системы, генетическими механизмами.

А)  Роль нервной системы. Повышенная чувствительность к аллергическим раздражителям связана с невротизацией. Способствует развитию аллергии активация холинергической иннервации (активация ПСНС).

Холинэстераза $Ca^{2+}$ цГМФ

Б)Эндокринная система. Преобладание проаллергических гормонов - СТГ, тироксина, минералокортикоидов, ТТГ - формируют аллергию. Такие гормоны как АКТГ, глюкокортикоиды, половые гормоны являются противоаллергическими.

В) Роль физиологической системы иммунного ответа

Аллергическая предрасположенность обусловлена мутациями в геноме. Физиологическая система иммунного ответа находится под регуляторным влиянием генома. Основную роль играют гены главной системы гистосовместимости (HLA) (6-я пара хромосом), которая способна HLA Ir Is различить свое и чужое. Эта система регулирует ген иммунного ответа (Ir) и ген иммунной супрессии (Is). Эти гены формируют степень чувствительности Тх и Тс. При мутациях в основном страдает функция Тс). Это меняет активность иммунного ответа. Повышается чувствительность организма, нарушается иммунитет.

ЦНС, гормоны, генетические механизмы формируют возрастную реактивность. У детей первых трех лет преобладает аллергия на пищевые раздражители. Проявляется в виде экссудативного диатеза, дерматита. В возрасте 3-7 лет наблюдаются проявления со стороны дыхательной системы - аллергический бронхит, бронхиальная астма. До 30 лет проявления аллергии стихают. После 30 лет наблюдается обострение аллергических реакций со стороны дыхательной

системы или кожных проявлений.

**Материал исследования**

**Для участия в клиническом исследовании были отобраны 50 пациентов с аллергическим фоном (20 мужчин и 30 женщин) в возрасте от 35 до 60 лет, которым для восстановления зубов были изготовлены 25 пластмассовых и 25 металлокерамических ортопедических конструкций на фронтальные и жевательные зубы. Средний возраст пациентов составлял 39,7±3,2 года. Распределение пациентов по возрасту и полу представлено в Таб.1.**

| Пол | Возраст (лет) | | Всего |
|---|---|---|---|
| | 35-45 | 45-60 | |
| Муж. | 13 (26%) | 7 (14%) | 20 (40%) |
| Жен. | 16 (32%) | 14 (28%) | 30 (60%) |
| Всего | 29 ( 58%) | 21 (42 %) | 50 (100%) |

Гигиеническое состояние полости рта оценивали с помощью индекса Силнесса - Лоэ (Silness J., Löe H., 1962), который основан на определении налета в придесневой области. Количество налета оценивали в области каждого зуба с помощью зонда, которым проводили вокруг шейки зуба, слегка вводя его в десневую бороздку. Уровень гигиены оценивали по следующей шкале:

- 0 — на кончике зонда налета нет;
- 1 — на зонде небольшое количество налета;
- 2 — визуально определяется тонкий слой налета около шейки зуба, а его количество на зонде значительное;
- 3 — визуально в придесневой области определяется значительное количество налета и пищевых остатков.

Полученные оценки складывали и делили на количество зубов. Для оценки кровоточивости десен использовали индекс Мюллемана (Mühlemann H.R., Son S., 1971) в модификации Коуэлл (Cowell I. et al., 1975). Для этого кончиком пуговчатого зонда проводили вдоль стенки десневой бороздки.

Интенсивность кровоточивости оценивали по следующей шкале:

- 0 — после проведенной пробы кровоточивость отсутствовала;
- 1 — кровоточивость появлялась не ранее, чем через 30 секунд;
- 2 — кровоточивость возникала сразу или ранее 30 секунд;

- 3 - кровоточивость возникала при приеме пищи или чистке зубов (со слов пациента).

Значение индекса вычисляли как частное от деления суммы показателей на количество обследованных зубов.

Для определения состояния тканей пародонта применяли десневой индекс воспаления PMA (Parma C., 1960).

Состояние каждого зуба и его периапикальных тканей, величину и топографию корней, уточняли с использованием прицельных рентгеновских снимков, полученных с помощью дентального аппарата Image X (Satelec, Финляндия).

Для оценки клинической ситуации изготавливали и изучали гипсовые диагностические модели челюстей, на которых уточняли особенности прикуса больного, соотношения зубных рядов во всех фазах артикуляции. Гипсовые диагностические модели челюстей позволяли провести необходимые измерения, а также определить объем мероприятий по подготовке зубочелюстной системы к ортопедическому лечению.

Срок наблюдения за пациентами составил 1 года. С целью выявления возможных осложнений пациентов приглашали на контрольные осмотры через 3, 6 и 12 месяцев.

Оценку результатов ортопедического лечения искусственными коронками проводили путем анализа субъективных ощущений' больных, визуальной оценки по сохранению целостности конструкций, анализа состояния поверхности конструкции (цвет, блеск), изучения области краевого прилегания с помощью зондирования.

## ВЫВОДЫ

По результатам ретроспективного анализа за 2019- 2020 в Республиканский научно-специализированный аллергический центр обратились 18 477 больных в возрасте от 35 до 60 лет, из них 10 908 женщин и 7 569 мужчин, что свидетельствует о большом количестве пациентов, страдающих тем или иным видом аллергии.

**Литература:**

1. Аляхнович, Н. С. Пищевой краситель и фармацевтик диоксид титана как патоген / Н. С. Аляхнович, Д. К. Новиков // Иммунопатология. Аллергология. Инфектология. – 2015. – № 1. – С. 71–77

2. Абакаров С.И. Оптимальные условия и особенности определения и создания цвета в керамических и металлокерамических протезах. // Новое в стоматологии. - 2001. - №4. - С.23-29.
3. Akbar J.H., Petrie C.S., Walker M.P., Williams K., Eick J.D. Marginal adaptation of Cerec 3 CAD/CAM composite crowns using two different finish line preparation designs. // J. Prosthodont. - 2006. - V.15, №3. - P.155-163.
4. Attia A., Kern M. Influence of cyclic loading and luting agents on the fracture load of two all-ceramic crown systems. // J. Prosthet. Dent. - 2004. - V.92, №6. - P.551-556.
5. Absorption fluorineions of glassionomer cementes : analysis of surface / A. J. Jones [et al.] // Biomaterials. 2003. № 1. P. 107–119.

# O‘ZBEKISTONDA MICE TURIZMINI RIVOJLANTIRISHNING ASOSIY YO‘NALISHLARI

**ALFRAGANUS universiteti**

**“Xalqaro turizm menejmenti” kafedrasi o‘qituvchisi**

**Musayeva Sayyora Abdivahitovna**

**Annotatsiya:** Mazkur maqola O‘zbekistonning mice turizm salohiyati va uning maqsad, vazifalari haqida ma’lumotlar jamlaydi. Shuningdek, maqolada zamonaviy turizmning turlari va MICE turizmning o’ziga xos xususiyatlari va bugungi kun statistik ma’lumotlariga ko’ra yurtimizda rivojlanish istiqbollari ko’rib chiqilgan.

**Kalit so’zlar:** *strategik soha, turizm industriyasi, global integratsiya, innovatsion xizmatlar, turizm potentsiali, rejali turizm, rejasiz turizm, ilmiy va ma’rifiy ekspeditsiya.*

**KIRISH.** Jahon iqtisodiyotining globallashuvi va xalqaro integratsiya jarayonlarining jadallashuvi sharoitida turizm jahonning yetakchi strategik sohasi sifatida jadal sur’atlarda rivojlanmoqda. “Turizm sohasi dunyo tovar va xizmatlar eksportida to‘rtinchi, daromadi bo‘yicha uchinchi o‘rinda turadi, turizmning dunyo yalpi ichki mahsulotidagi ulushi 10 foizga yetgan”[1]. Turizm faoliyati dunyoning deyarli barcha mamlakatlarida iqtisodiyotning asosiy sohalaridan biriga aylanib ulgurdi. Hozirgi kunda turizm industriyasi va unga aloqador sohalar tobora ko‘proq ish o‘rinlari yaratmoqda. Iqtisodiy rivojlangan mamlakatlarda turizm asosiy daromad manbalaridan biri bo‘lib qolmoqda. Jahonda global integratsiya va raqobatning kuchayishi sharoitida turizm industriyasini iqtisodiy salohiyatdan samarali foydalanishni ta’minlovchi sohalardan biri sifatida jadal rivojlantirish muammolariga oid ko‘plab ilmiy izlanishlar amalga oshirilmoqda. O‘zbekistonda iqtisodiyotning istiqbolli va katta salohiyatga ega sohasi sifatida turizmni yanada rivojlantirishga alohida e’tibor qaratilmoqda.

## ADABIYOTLAR TAHLILI

Turizm globallashuvining zamonaviy tendensiyalari mamlakat tijorat manfaatlarini himoya qilish zarurati jahon xizmatlar bozorining segmentiga qo‘shilish strategiyasini ishlab chiqishni talab qiladi. 2022-2026-yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasining 35-moddasida “O‘zbekiston bo‘ylab sayohat qiling” dasturi

doirasida mahalliy sayyohlar sonini 12 million nafardan oshirish hamda respublikaga tashrif buyuruvchi xorijiy turistlar sonini 9 million nafarga yetkazish"[2] vazifalari belgilangan. Bu vazifalarni samarali amalga oshirish uchun O'zbekiston turizm bozorida zamonaviy strategik boshqaruv imkoniyatlaridan foydalanish, innovatsion xizmatlarni ishlab chiqish va joriy etishga yetarlicha imkoniyatlar mavjud. Hozirgi kunda O'zbekiston Respublikasining turizm bozorida taklif qilinayotgan xizmatlarning raqobatbardoshlik darajasini oshirish bo'yicha tadbirlarni strategik marketing va tizimli yondashuvni ishlab chiqish muammolariga yo'naltirilgan ilmiy tadqiqot ishlarini amalga oshirish taqozo etilmoqda. Hozirgi Rossiyalik mutaxassislarning yozishlaricha jahonda turizmning asosiy turlari 20-22 yo'nalishdan iborat. Ishlab chiqarish sohalarining yoki insonlar guruhining mo'jizakor, mukammal va hayratomuz ko'rinishga ega bo'lgan mahsulotlari, inshootlari insonlar oqimini o'ziga jalb qilishi turizm sohasini keltirib chiqardi, sohadagi turlarning ko'payib borayotganligi ham ana shu omillarga bog'liq. Zamonaviy turizm yo'nalashlaridan biri bu MICE turizm bo'lib, bugungi kunda yurtimizda ham jadal rivojlanib bormoqda.

O'zbekistonda MICE turizmi, yani "Meeting, Incentive, Conference, and Exhibition" (Munozara, Rag'batlantirishlar (imtiyozlar), Konferensiyalar va Namoyishlar) turi mamlakatning turizm sohasida rivojlantirilayotgan eng muhim yo'nalishlardan biridir. Bu turizm turi, xalqaro tashkilotlar, kompaniyalar va shaxslar uchun muhim tadbirlarni o'tkazish, konferensiyalar, namoyishlar va inqirozlar uchun ideal sharoitlar yaratishni maqsad qiladi. O'zbekistonda MICE turizmini rivojlantirishda geografik joylashuv, madaniy meros, sifatli xizmatlar va infrastruktura katta ahamiyatga ega. Mamlakatning geografik joylashuvi dunyo bo'ylab yetarli yo'laklar bilan bog'liq bo'lib, xalqaro tashkilotlar va kompaniyalar uchun qulay yo'l yo'laklarni taqdim etadi. O'zbekistonning madaniy merosi, tarixiy obidalar va tabiiy go'zalliklari ham MICE turizmni rivojlantirishda muhim ahamiyatga ega. MICE turizmi O'zbekistonning turizm sohasini diversifikatsiyalashga yordam beradi va mamlakatning turizm potentsialini yanada rivojlantiradi. Shuningdek, MICE turizmi O'zbekistonning iqtisodiy va siyosiy ko'rinishlarini yanada kuchaytiradi va mamlakatni dunyo bo'ylab taninadigan markazga aylantiradi[3]. Bular asosida O'zbekistonda MICE turizmini rivojlantirish uchun davlat tashkilotlari, tadbirkorlar va sohani rivojlantirishda qatnashuvchilar o'rtasidagi hamkorlik keng imkoniyatlarni ochadi. MICE turizmi O'zbekistonning turizm sohasini yangi bosqichga olib keladi va mamlakatning xalqaro miqyosdagi eksport potentsialini yanada kuchaytiradi.

**TAHLIL VA MUHOKAMA**

Yuqorida keltirilgan ma’lumotlarga asoslansak, MICE turizm turizmning rejalashtirilgan turiga maqsadiga asosan esa ilmiy va ma’rifiy ekspeditsiyalar bo’limiga kiradi. Bugungi kunda O‘zbekistonda konferensiyalar, ko‘rgazmalar, seminarlar va boshqa MICE tadbirlarini o‘tkazish uchun infratuzilma faol rivojlanmoqda. Toshkent, Samarqand, Buxoro va mamlakatimizning boshqa viloyatlarida yirik biznes guruhlarini qabul qilish uchun jihozlangan zamonaviy congress markazlar, konferentsiya zallari, mehmonxonalar faoliyat ko‘rsatmoqda. Biroq, asosiy infratuzilma mavjudligiga qaramay, O‘zbekiston hali ham MICE turizmini jahon miqyosida yo‘lga qo‘yish uchun katta sa’y-harakatlarni amalga oshirishi kerak. Tadbir tashkilotchilari duch keladigan asosiy muammolarga cheklangan transport imkoniyatlari, etarli ma’lumot bilan ta’minlanmaganligi va tadbirlardan keyin dam olish va o‘yin-kulgi uchun cheklangan imkoniyatlar kiradi. MICE turizmi 115 dan ortiq mamlakatlar tomidan ishlab chiqilgan, uning eng foydali tomonlaridan biri daromad olish va ish bilan band qilish orqali mamlakat iqtisodiyotini o‘sishiga qaratilgan turizm turi hisoblanadi. Jahon sayyohlik va turizm kengashi kelgusi o‘n yil ichida biznes turizmining yillik aylanmasi 3,7 foizga o‘sishini va 2016 yildagi 1,15milliard dollardan 2027 yilda 1,7 milliard dollargacha o‘sishini taxmin qilmoqda. Ushbu maqolani o‘rganish ob’ekti dunyodagi va O‘zbekistondagi MICE kabi turizm bo‘limi doirasidagi tadbirkorlik faoliyati hisoblanadi. Maqsad tadqiqot muammosi xalqaro turizmning o‘ziga xos sohasi sifatida MICE turizmining rivojlanishini tahlil qilishning past darajasi bilan bog‘liq. O‘zbekiston hali ham’ boshlang‘ich sayyohlik maskani” bo‘lib, u jahon MICE turizm bozorida deyarli mavjud emas. MICE imkoniyatlari va uning O‘zbekistondagi rivojlanishidagi to‘siqlarga oid tadqiqotlar kam, shuning uchun biz tomonidan olib borilayotgan tadqiqotlar O‘zbekistonning ushbu turizm sohasidagi istiqbollarini tahlil qilingan[5]. Bu tadbirlar koordinatorlari, konferentsiya menejerlari, ko‘rgazma menejerlari va boshqa mutaxassislar uchun maxsus kurslar va o‘quv dasturlarini taqdim etishni o‘z ichiga oladi.

Xizmat ko‘rsatish va mehmondo‘stlik sohasida kadrlar tayyorlash. Bundan tashqari, muvaffaqiyatli MICE turizmining muhim jihati xizmat ko‘rsatish va mehmondo‘stlik sifati hisoblanadi. Mehmonxonalar, restoranlar, transport kompaniyalari va boshqa sohalar xodimlari yuqori darajadagi xizmat ko‘rsatish va korporativ mijozlarning o‘ziga xos ehtiyojlarini hisobga olish uchun o‘qitilishi kerak. MICE turizmi sohasida xizmat ko‘rsatishning yuqori darajasini ta’minlashda xodimlarning malakasini muntazam oshirib borish va malakasini oshirish ham muhim ahamiyat kasb etadi. Bu kasbiy konfer-

entsiyalar, seminarlar, treninglar va mahorat darslarida ishtirok etishni o‘z ichiga oladi.

 MICE turizmi kontekstida turistik mahsulotni ishlab chiqish. MICE turizmi turizm industriyasining o‘ziga xos tarmog‘i bo‘lib, bu yerda turistik mahsulot sifati va xilma-xilligiga alohida e’tibor beriladi.

 Madaniy va ko‘ngilochar imkoniyatlarni kengaytirish. Muvaffaqiyatli MICE turizmining asosiy jihatlaridan biri tadbir ishtirokchilari uchun turli madaniy va ko‘ngilochar imkoniyatlarni yaratishdir. Bunga tarixiy joylarga ekskursiyalar tashkil etish, madaniy dasturlar o‘tkazish, milliy hunarmandchilik bo‘yicha mahorat darslari va boshqa qiziqarli tadbirlar kiradi.

**XULOSA**

Xulosa o’rnida shuni ta’kidlashimiz joizki, O‘zbekistonda MICE turizmini rivojlantirish uchun barcha zarur resurslar va imkoniyatlar mavjud. Mamlakat boy madaniy meros, noyob tarixiy obidalar, zamonaviy kongress markazlari va yuqori darajadagi xizmat ko‘rsatish mehmonxonalariga ega. Mehmondo‘st odamlar, turli madaniy tadbirlar va konferentsiyalar, seminarlar va ko‘rgazmalar o‘tkazish imkoniyati O‘zbekistonni MICE turizmi uchun jozibador manzilga aylantiradi. Bu sohani yanada muvaffaqiyatli rivojlantirish uchun davlat, ishbilarmon doiralar va sayyohlik kompaniyalarining faol hamkorligi zarur. O‘zbekistonni xalqaro tadbirlarni o‘tkazish uchun jozibador manzil sifatida targ‘ib qilish, yuqori darajadagi xizmat ko‘rsatish va ishbilarmonlik sayohatlari uchun sifatli infratuzilmani ta’minlash muhim ahamiyatga ega

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**

1. https://wttc.org/research/economic-impact 2
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning 2022 yil 28 yanvardagi PF-60-son “2022-2026 yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi farmoni. – y
3. Ergashev, S.J. (2023). Dunyoda va o‘zbekistonda MICE turizmining rivojlanishi tahlili. Ta’lim faoliyatida innovatsion rivojlanish, 2 (5), 453–457.
4. Mirzayev Murod Ahmadjonovich, Aliyeva Mahbuba To„ychiyevna “Turizm asoslari fanidan” o’quv qo’llanma, Toshkent 2011.
5. Melibayeva Gulxon Nazrullaevna, Baxtiyorjonova Muxlisa. O‘ZBEKISTONDA MICE TURIZMNI ISTIQBOLLARI. https://scholar.kokanduni.uz/index.php/rb/article/download/223/194/388

# ЭФФЕКТИВНОСТЬ ТАКТИКИ ВЫБОРА ИСКУССТВЕННЫХ КОРОНОК ДЛЯ ПАЦИЕНТОВ С АЛЛЕРГИЧЕСКИМ ФОНОМ

**Хожимуродов Жамшидбек**
ассистент кафедры
Алфраганус Университет
**Усманова Шоира Равшанбековна**
доктор медицинский наук, профессор
Алфраганус Университет

**Аннотация.** За последнее время в Узбекистане, по официальной статистике, этому заболеванию подвержены от 10 до 15 % населения (в зависимости от региона). Результаты изучения заболеваемости и распространенности аллергических болезней в разных странах свидетельствуют о том, что в настоящее время эти болезни поражают до 20–40 % населения.

**Ключевые слова:** Аллергические заболевания, аллергическим ринитом, протезировании пластмассы.

Стоматологическая помощь данному контингенту больных осложняется тем, что не все виды стоматологических конструкций возможно применить из-за немедленной или отдаленной аллергической реакции. Несмотря на это, стоматолог должен провести не только качественное и безболезненное лечение и протезирование зубов, но и уделить особое внимание аллергическому фону пациентов. Необходимо отметить, что возможности современной стоматологии вполне позволяют осуществить требование пациентов сделать зубы как можно более естественными.

По данным последних лет исследований, в возрастных группах старше 35 лет проблемы, связанные с патологией твердых тканей зубов, выходят на первое место, что требует их восстановление искусственными коронками.

Современные требования к искусственным коронкам весьма широкие: функциональные, эстетические и инертность материала (отсутствие аллергических реакций).

Все основные стоматологические материалы в той или иной степени выделяют в слюну инородные тела, они связываются с белками реципиента и образуют гаптены, что являются активными антигенами, вызывающие

аллергическую реакцию слизистой оболочки полости рта.

Специфическая иммунная система здорового человека не реагирует на попавшие в организм инородные вещества. Если образуются специфические антитела против антигена, то имеет место изменения реактивность организма-аллергическая реакция.

## Материал исследования

Для участия в клиническом исследовании были отобраны 50 пациентов с аллергическим фоном (20 мужчин и 30 женщин) в возрасте от 35 до 60

| Пол | Возраст (лет) | | Всего |
|---|---|---|---|
| | 35-45 | 45-60 | |
| Муж. | 13 (26%) | 7 (14%) | 20 (40%) |
| Жен. | 16 (32%) | 14 (28%) | 30 (60%) |
| Всего | 29 ( 58%) | 21 (42 %) | 50 (100%) |

Таб.1. Распределение пациентов по возрасту и полу.

Методы обследования пациентов

Гигиеническое состояние полости рта оценивали с помощью индекса Силнесса - Лоэ (Silness J., Löe H., 1962), который основан на определении налета в придесневой области. Количество налета оценивали в области каждого зуба с помощью зонда, которым проводили вокруг шейки зуба, слегка вводя его в десневую бороздку. Уровень гигиены оценивали по следующей шкале:

- 0 — на кончике зонда налета нет;
- 1 — на зонде небольшое количество налета;
- 2 — визуально определяется тонкий слой налета около шейки зуба, а его количество на зонде значительное;
- 3 — визуально в придесневой области определяется значительное количество налета и пищевых остатков.

Полученные оценки складывали и делили на количество зубов. Для оценки кровоточивости десен использовали индекс Мюллемана (Mühlemann H.R., Son S., 1971) в модификации Коуэлл (Cowell I. et al., 1975). Для этого кончиком пуговчатого зонда проводили вдоль стенки десневой бороздки.

Интенсивность кровоточивости оценивали по следующей шкале:

- 0 — после проведенной пробы кровоточивость отсутствовала;
- 1 — кровоточивость появлялась не ранее, чем через 30 секунд;

- 2 — кровоточивость возникала сразу или ранее 30 секунд;
- 3 - кровоточивость возникала при приеме пищи или чистке зубов (со слов пациента).

Значение индекса вычисляли как частное от деления суммы показателей на количество обследованных зубов.

Для определения состояния тканей пародонта применяли десневой индекс воспаления PMA (Parma C., 1960).

Состояние каждого зуба и его периапикальных тканей, величину и топографию корней, уточняли с использованием прицельных рентгеновских снимков, полученных с помощью дентального аппарата Image X (Satelec, Финляндия).

Для оценки клинической ситуации изготавливали и изучали гипсовые диагностические модели челюстей, на которых уточняли особенности прикуса больного, соотношения зубных рядов во всех фазах артикуляции. Гипсовые диагностические модели челюстей позволяли провести необходимые измерения, а также определить объем мероприятий по подготовке зубочелюстной системы к ортопедическому лечению.

Срок наблюдения за пациентами составил 1 года. С целью выявления возможных осложнений пациентов приглашали на контрольные осмотры через 3, 6 и 12 месяцев.

Оценку результатов ортопедического лечения искусственными коронками проводили путем анализа субъективных ощущений' больных, визуальной оценки по сохранению целостности конструкций, анализа состояния поверхности конструкции (цвет, блеск), изучения области краевого прилегания с помощью зондирования.

Слюна является ценным неинвазивным методом оценки общего состояния организма, в особенности органов полости рта. Сбор слюны удобен и прост, он безболезнен и безопасен, как для пациента, так и для медицинского персонала, так как риск заражения значительно меньше, чем при работе с кровью.

Современные технологии исследования белков в биологических средах позволяют определять уровни различных иммунных показателей и их биологической активности в слюне и других секретах, содержащих изучаемые белки в минимальных концентрациях.

Материалом исследования послужила слюна 60 лиц с аллергическим фоном, не имеющих заболеваний слюнных желез, в возрасте от 35 до 60 лет. Пациенты были

поделены на 3 группы: 1 группа –контрольная группа, 10 человек, 2 группа – 25 человек после протезирования пластмассовыми коронками, 3 группа- 25 человек после протезирования металлокерамическим коронками. Забор материала делали в период через 1,3 и 6 месяцев.

Забор слюны проводили натощак утром с 8.00 до 9.00. Перед сбором слюны пациент полоскал ротовую полость 100 мл теплого бледно-желтого раствора фурациллина. После этого в течение последующих 10–15 минут больной собирал слюну в сухую пробирку в количестве около 10 мл. За несколько дней до сдачи анализа рекомендуется отменить прием препаратов, влияющих на иммунологическую систему организма.

## ВЫВОДЫ

1. По результатам лабораторного исследования резкое увеличение количества макрофагов и лимфоцитов в слюне после протезирования пластмассовыми коронками (примерно в 3 раза в сравнении с количеством этих же клеток до протезирования) свидетельствует об усилении иммунного ответа полости рта на пластмассу как на антиген для пациентов, у которых уже имеется аллергический фон.
2. Результаты клинического исследования показали, что применение металлокерамических конструкций у пациентов с аллергическим фоном имеет ряд положительных сторон в отличие от пластмассовых (биологическая совместимость, краевое прилегание, цвет, блеск, механическая прочность).

**Литература:**


1. Аляхнович, Н. С. Пищевой краситель и фармацевтик диоксид титана как патоген / Н. С. Аляхнович, Д. К. Новиков // Иммунопатология. Аллергология. Инфектология. – 2015. – № 1. – С. 71–77
2. Абакаров С.И. Оптимальные условия и особенности определения и создания цвета в керамических и металлокерамических протезах. // Новое в стоматологии. - 2001. - №4. - С.23-29.
3. Akbar J.H., Petrie C.S., Walker M.P., Williams K., Eick J.D. Marginal adaptation of Cerec 3 CAD/CAM composite crowns using two different finish line preparation designs. // J. Prosthodont. - 2006. - V.15, №3. - P.155-163.

4. Attia A., Kern M. Influence of cyclic loading and luting agents on the fracture load of two all-ceramic crown systems. // J. Prosthet. Dent. - 2004. - V.92, №6. - P.551-556.
5. Absorption fluorineions of glassionomer cementes : analysis of surface / A. J. Jones [et al.] // Biomaterials. 2003. № 1. P. 107–119.

# DAVLAT VA JAMIYAT MUSOSABATLARINING IJTIMOIY-FALSAFIY NEGIZLARI

**ANVAR YAXSHIYEV,**
**tarix fanlari nomzodi, International school of finance technology and science institute Gumanitar va tabiy fanlar kafedrasi dotsenti anvarfavran@rambler.ru**

**Annotatsiya:** Davlat va jamiyat munosabatlarining ijtimoiy-falsafiy negizlari masalasiga bag'ishlangan ushbu maqola siyosiy-falsafiy nuqtai nazardan tahlil qilinib, unda masalning mantiqiy va gnoseologik jihlari atroflicha tadqiq qilingan. Ushbu muammo mintaqa ilm-fanida hozircha yetarlicha tadqiq etilmaganligi, alohida tadqiqot ob'ektiga aylanishga ulgurmaganligidan kelib chiqib, muallif asosan xorijiy tadqiqotchilar tahlillariga tayangan holda, muammoni umumnazariy va amaliy jihatdan o'rganish barobarida tahlil jarayonini mintaqa va aynan O'zbekiston jamiyati muhitiga burishning uddasidan chiqa olgan. Maqola falsafa va siyosatshunoslik ilmida o'z yechimini kutayotgan muayyan bo'shliqni to'ldirishga xizmat qiladi va unda ilgari surilgan ilmiy xulosalar amaliy ahamiyat kasb etadi.

**Kalit so'zlar:** Ijtiomiy ong, ijtimoiy fikr, davlat, jamiyat, mushtaraklik, hayotiy faoliyat, uslub, yo'l, vosita, millat, elat, hudud, inson, tarix, tajriba, aynanlashuv, boshqaruv, mafkura, liberal-demokratiya, tanazzul, saltanat, fuqaro, xalq, jamoa, aynanlashuv.

**Abstract:** This article, devoted to the issue of the socio-philosophical foundations of the relationship between the state and society, analyzes it from a political and philosophical point of view, and also examines in detail the logical and epistemological aspects of the problem. Considering that this problem has not yet been sufficiently studied in regional science and has not become an independent object of study, the author, relying mainly on the analyses of foreign researchers, studying the problem from a theoretical and practical point of view, managed to focus the analysis process on the regional context and, in particular, turn to the environment of Uzbek society. The article serves to fill a certain gap that awaits its solution in the science of philosophy and political science, and the scientific conclusions presented in it have practical significance.

**Key word:** Public consciousness, public thought, state, society, community, life activity, method, way, means, nation, people, territory, man, history, experience, identification, management, ideology, liberal democracy, decline, sovereignty, citizen, people, community, identity.

Аннотация: **В данной статье, посвященной вопросу социально-философских основ взаимоотношений государства и общества, анализируется с политико-философской точки зрения, а также подробно исследуются логические и гносеологические аспекты проблемы. Учитывая, что данная проблема еще недостаточно изучена в региональной науке и не стала самостоятельным объектом изучения, автору, опираясь в основном на анализы зарубежных исследователей, изучая проблему с теоретической и практической точки зрения, ему удалось сосредоточить процесс анализа на региональном контексте и, в частности, обратит на среду общества Узбекистана. Статья служит восполнению определенного пробела, ожидающего своего решения в науке философии и политологии, а изложенные в ней научные выводы имеют практическое значение.**

Ключевые слова: **Общественное сознание, общественная мысль, государство, общество, сообщество, жизнедеятельность, метод, способ, средство, нация, народ, территория, человек, история, опыт, идентификация, управление, идеология, либеральная демократия, упадок, суверенитет, гражданин, народ, общность, идентичность.**

## KIRISh

Davlat va jamiyat musosabatlarining ijtimoiy-falsafiy negizlari masalasi G‘arb va Sharq jamiyatlari mutafakkirlarini azaldan o‘ylantirib kelgan. Antik davrlardan boshlab Yunoniston, keyinroq Rim jamiyati tafakkur sohiblari bu borada o‘z qarashlarini turli shakllarda bayon etishgan. Mazkur muammo Qadimgi Sharq, Xitoy, Hindiston va O‘rta Osiyo jamiyatlari mutafakkirlarining ham diqqat markazida bo‘lgan. Faqat zamonaviy davr, ya’ni o‘tgan va joriy asrda O‘rta Osiyo mintaqasi, xususan, O‘zbekiston jamiyatida bu muammoning ijtimoiy-falsafiy negizlari masalasi ilmiy doiralar e’tibori markaziga ko‘chmadi va shunga binoan mazkur masalaga tadqiqot ob’ekti sifatida yondashish kuzatilmadi. Davlat, jamiyat va insonning o‘zaro munosbatlari, jamoa bo‘lib yashash yo‘lini ixtiyor etgan insonlar o‘z huquq va vakolatlarining katta qismini davlatga ixtiyoriy va yoxud aksincha taqdim etishlariga sabab bo‘lgan ob’ektiv va sub’ektiv omillar masalasi siyosatshunoslik ilmi va falsafaning, qolaversa, tarix fanining ham muhim ilmiy bahs ob’ektlari sirasiga kiradi. Ma’lumki, inson o‘zini tanigandan beri munosib hayot kechirish, uni izchil tartibga solish borasida muttasil izlangan. Garchi jamoa hayoti va faoliyatini to‘g‘ri yo‘lga boshlash masalasi ancha murakkab. Hamma narsa insonning o‘zigagina bog‘liq bo‘lganda, uning mustaqil, erkin va o‘ziga ma’qul boshqarish imkoniyatlariga turli-tuman ob’ektiv yoxud sub’ektiv to‘siqlar bo‘lmaganda amaldagi ijtimoiy tangliklar ancha kam sodir etilib, farovonlik yo‘liga chiqish oson kechgan bo‘lardi. Amalda esa ko‘proq uning aksi yuz bermoqda, odamzot muammoning o‘ta murakkab, yechimi uchun sifat jihatdan mutlaqo boshqa uslublar, yo‘llar va vositalar zarurligini chuqurroq anglab yetsa, ularni izlashga jiddiyroq kirishsa yechim oydinlik kasb etishi ehtimoldan xoli emas.

## ASOSIY QISM

Davlat, uning paydo bo‘lishi, jamiyat a’zolari hayot faoliyatini tarkiblashtirish va tashkillashtirishda davlatning o‘rni va roli, unga berilgan vakolatlar ko‘lami hamda ularning qachondan boshlab legitimlik kasb eta boshlaganligi barcha zamonlarda ilm-fanning dolzarb masalasi sifatida o‘z ahamiyatini saqlab kelgan, kelgusida ham bu jarayon davom etishiga shubha yo‘q. Insoniyat uzoq davom etgan o‘z hayot faoliyati davomida yuqorida ko‘tarilgan muammoning hal etilishiga yaroqli umumiy bir andaza, qolip yo‘qligini anglab yetdi. Shu narsa ayonki, dunyo xalqlaridan har birining o‘z muammosi mavjudligi, uning intellektual salohiyati darajasiga borib taqaladi. Har bir elat geografik, iqlimiy va hududiy qiyofa nuqtai nazaridan turlicha joylashgan, ularning tarixi, turmush sharoiti ham, tabiiyki, turlicha kechgan. Natijada ularning olam, inson, qo‘ni-qo‘shni, hayot va faoliyatga doir dunyoning qiyofasi xususidagi tasavvurida ham turli-tumanlik, rang-baranglik, ba’zida esa mutlaqo qarama-qarshi yo‘nalishlar shakllandi. Ularning dunyo bilan aynanlashuvi ham boshqa-boshqa shaklda sodir bo‘ldi [1; 992]. Ammo inson hayoti qaerda kechmasin, ong va tafakkur yo‘nalishi qanday shakllanmasin, dunyo ahliga xos umumiy konsensus – jamiyat hayoti va faoliyatini tartibga tushirish faqat va faqat davlat bo‘lib yashash orqali kechishi mumkinligi va uning ob’ektiv zarurat ekanligi bilan izohlanadi. Insoniyatning boy ijtimoiy-tarixiy tajribasi shuni ko‘rsatadiki, davlat boshqaruv usuli jihatidan monarxiya, respublika; boshqaruv mafkurasiga ko‘ra teokratik, avtokratik, diktatura va demokratik tarzda o‘zini namoyon etadi. Agar biz qadimgi Xitoyda chuqur ildiz otib, bugungacha o‘z ta’sirini yo‘qotmagan, qisman o‘xshashlik kasb etuvchi shakli zamonaviy Eronda nuqs etayotgan meritokratiya (hokimiyatning donishmand va mutlaq axloqiy-estetik yetuk shaxslarga nisbatan taqsimlanishi) [2; 143-156] yoki dohiylik (qabilaviy mentalitet asosida boshqaruv) va boshqalarni xususiy holat deb qaraydigan bo‘lsak, davlatchilik shakllarining muxolifsizligini bashariyatga xos umumiylik sifatida qabul qilish mantiqqa zid emas.

Maqolada ko‘tarilgan muammo nuqtai nazaridan yuqorida keltirilgan jihat juz’iy holat emas, balki davlat xalq oldida o‘z zimmasidagi tarixiy vazifa yoki mas’uliyatini anglab yetishi muhim masala hisoblanadi.

Shunday ekan, davlatning salohiyatiga uning shakli yoki mafkurasiga qarab emas, balki jamiyat oldidagi burchini qay darajada bajarayotganligiga qarab baho berish maqsadga muvofiq. Zero, bugungi kunda mafkura yoxud siyosiy-ijtimoiy loyiha sifatida oʻzini koʻz-koʻz qilayotgan liberal-demokratiyaning Gʻarb amaliyotidagi tanazzul koʻp masalalarga oydinlik kiritib, afkor ommani hushyorlikka, oqibatlar haqida jiddiyroq bosh qotirishga undamoqda. Jamiyat hayoti va faoliyatini tartibga solishda, jamiyat gʻayriinsoniy kuchlar ta'siri ostida tanazzulga yuz tutishi xavfining oldini olishda birdan bir real kuch davlat ekanligi haqida gap ketar ekan, uni jamiyat a'zolarining tasodifiy va stixiyali birlashmalari (turli kasbiy, qabilaviy etnik guruhlar va boshqalar)dan farqli oʻlaroq, aniq maqsadi va shu maqsad atrofida aholini jipslashtiruvchi gʻoyasi, jamiyat a'zolari rioya qilishi lozim boʻlgan huquqiy, axloqiy tamoyillari va nihoyat, ruhiy-ma'naviy birlashtiruvchi tarixiy-ijtimoiy qadriyatlar majmuasiga ega aniq maqsad va manzil sari intiluvchi shaxslarning mukammal uyushmasi deyish mumkin. Yaxlit, koʻpqirrali bir majmua (konglomerat) sifatida, davlatdan farqli oʻlaroq, jamiyat umumjamoaviylikka daxldor boshqa sub'ektlar bilan funksional bogʻliqlikda va ularning ta'siri doirasida faoliyat koʻrsatadi. Ular bilan muttasil muloqot, ayriboshlash oʻzaro uygʻunlikda boʻlishi talab etiladi. Shuningdek, jamiyat kichik, oʻrtamiyona yoxud keng qamrovli ekanligidan qat'i nazar, toʻlaqonli jamiyat maqomida oʻzini-oʻzi davlatsiz boshqarishga qodir emas. Boz ustiga u boshqa ijtimoiy guruhlar singari mohiyatan boshqaruvga muhtoj. Mutaxassislar fikriga koʻra, jamiyat hayot kechirishi va oʻz maqsadiga erishishi uchun begumon boshqa ijtimoiy segmentlar bilan bogʻliqlikda, oʻzaro aloqadorlikda boʻlishiga toʻgʻri keladi [3; 39]. Ammo bu reallikning jamiyat buyuk ijodiy potensialga egaligi, ulkan kuchiga daxli yoʻq, garchi shu potensialning oʻzini namoyon etishi, roʻyobga chiqishi uchun yoʻnaltiruvchi, tashkillashtiruvi va boshqaruvchi eng muhim omil sifatida yana davlat oʻzini namoyon qilishi ham isbot talab qilmaydi. Shu munosabat bilan davlatning jamiyatga xos ijtimoiy munosabatlar, oʻzining tasarrufidagi taabalar, moddiy va ma'naviy boyliklarni yaratish va qayta yaratish bilan bogʻliq rang-barang yumushlar, ijtimoiy hayot va faoliyat (ijtimoiy-iqtisodiy, tashkiliy-institutsional, madaniy) turlari oʻrtasida bogʻliqlik uchun maksimal shart-sharoit yaratish zaruratini anglashning oʻzi jamiyat oldidagi vazifalar nechogʻlik murakkab, koʻpqirrali ekanligini namoyon etadi. Binobarin, davlat jamiyat hayot va faoliyatini shunchaki tartibga tushirishdan tashqari, uning sohalari orasida zarur uygʻunlikni ta'minlashga ham mas'ul va qodir.

Jamiyatda hamma soha bir tekis, bir xil natija qayd etishi mushkul. Bu jarayonni uygʻunlashtirish choralarini koʻrish jamiyat emas, davlat va boshqaruv organlarining bevosita mas'uliyati, vazifasiga kiradi. Chunonchi, jamiyat tarmoqlaridan birortasida, masalan, iqtisodda inqiroz holati roʻy bersa, uning salbiy ta'siri siyosiy, ijtimoiy va madaniy sohalarda oʻzini koʻp kuttirmasdan namoyon etadi. Mutaxasislar fikriga koʻra, bunday vaziyatda hatto "ijtimoiy taraqqiyot" degan tushuncha oʻz mohiyatidan begonalashadi, bir-birini toʻldiruvchi, boyituvchi va yaratuvchi oʻzaro ichki bogʻliqlikka sezilarli putur yetadi [4; 53]. Tajriba shuni koʻrsatadiki, qadim zamonlarda ham ta'sirli zotlar, saltanat sohiblari taabalar turmush sharoitini munosib bir tarzda ushlab turishda "hukmdor-hokimiyat-taaba-xalq" shaklidagi oʻzaro yaxlit tizimga, oliy maqsad yoʻlida bir-birini tushunishga jiddiy e'tibor qaratishgan. Sir emas, ular bu ulkan tizimda "davlat hokimiyati" omiliga alohida oʻrin ajratishgan. Ijtimoiy bosh-boshdoqlik hech qachon samara keltirmaganligi bois, jamiyat faqat ma'lum tartibot asosida shakllanishi va amal qilishi nazarda tutilishi zarur ediki, buni dunyoda oʻzligidan ayro tushmagan deyarli barcha xalqlar tarixida kuzatish mumkin.

Buyuk ajdodlarimiz Beruniy, Forobiy, Navoiy, Amir Temurning ijtimoiy tafakkur olamiga murojaat qilsak, ularda barcha tadbirlar amalga oshirilishi eng avvalo jamiyat va hokimiyat oʻrtasidagi oʻzaro kelishuv (konsensus) bilan bogʻliqligi ayon boʻladi. Uning umumiy mayl ekanligini uzoq va yaqin xalqlar, davlatlar dunyoqarashidan joy olgan tarixiy misollar orqali tasdiqlash mumkin. Jumladan, xitoy xalqi ijtimoiy tafakkuriga mansub, yangi era tongotarida yaratilgan "Boshlangʻich nuqtani boy bermaslik" nomli qomusda

“Yo‘lni hamjihatlikda bosib o‘tish osmon gumbazi ostidagi barcha insonlar uchun o‘ta zarur. Shun (qadimiy Xitoyning afsonaviy hukmdorlaridan biri) o‘z suhbatdoshini savolga tutish va uning zaif fikrlarini tahlil qilishni juda xush ko‘rar edi. Shu bilan u suhbatdoshning o‘z og‘zidan afzal tomonlari bilan birga noloyiq tomonlarini ham bilib olar edi. Ammo suhbat davomida Shun har ikki tomonni qo‘ldan chiqarmasdan, taabalar bilan muloqotda mudom Boshlang‘ich Nuqta, dastlabki bo‘g‘indan diqatini uzmagan” [5; 131], – degan bir bitik mavjud. Qissadan hissa shuki, mohiyatan tarqoq, turli-tuman yo‘nalishlarni qamrab olgan jamiyat, garchi o‘ziga xos ijtimoiy institut bo‘lsa-da, davlat hokimiyati ta’siri, ko‘magi va qolaversa aralashuviga mudom muhtoj ekanligi oydinlashadi.

So‘z yuritilayotgan mavzuga oid tafakkur durdonalari islom olamida qalam tebratgan mutafakkirlar bisotida ham mavjud. Misol uchun, X-XI asrlar chegarsida yashab, barakali ijod qilgan Abu-l-Hasan al Movardiy jamiyat a’zolari, fuqarolar oldida davlatning mas’uliyatiga oid quyidagi mulohazalarni ilgari suradi: “Payg‘ambar vasiyatlarini, dunyoviy yumushlarni mulozimat oldida bajarish imomga, ya’ni davlat boshlig‘iga yuklatilgan. Biroq ba’zi kishilar bu yumushni jamoa o‘z orasidan aqli raso bir kishini tanlab, uning zimmasiga yuklash zarur, deb hisoblashsa-da, u nima uchun zarurligi borasida umumiy fikr yo‘q. Bunday yo‘l tutmaslik esa ham aqldan va ham Alloh irodasidir. Aqldan deb hisoblovchilar, aqli raso odamlar ta’biri bo‘yicha bu masalada hukmdorga bo‘ysunish zarur. Zero, hukmdor odamlarga bir-biriga nisbatan nohaqlik qilinishining oldini oladi, anglashilmovchilik, ziddiyat va noahllik junbushga kelgan pallada esa hukmdor ularga nisbatan sobitqadamlik va qat’iyat namoyish etadi. Mabodo hukmdor bo‘lmasa, odamlar o‘rtasida bosh-boshdoqchilik, sarosima va isrofgarchilik, xusumat abadiy hukm surgan bo‘lar edi” [6; 179].

Bir-biridan farqli va yiroq geografik mintaqalarda, shuningdek, davr nuqtai nazaridan katta oraliqda aytilgan yuqoridagi ikki fikr jamiyat va davlat munosabati muammosi tarixning ibtidosidan to bugunga qadar ajdodlar va avlodlar e’tiboridan markaziy o‘rin olganligini ko‘rsatadi. Darhaqiqat, “davlat” tushunchasiga turli xil yondashuvlar mavjud va bu tabiiy. Uning asosiy sababi davlatning ibtidosidan to bugunigacha fenomen yoki jarayon sifatida inson hayot faoliyatining barcha sohalariga daxldorligi, ulardan hech qachon yiroqlashmasligi, barcha jamiyatlar uchun davlat institutining zaruratiga borib taqaladi. Bu murakkab holat, jarayon ayni paytda davlatning jamiyat bilan bog‘liqligi, bu borada o‘zaro keskin farqli fikrlarga sababchi bo‘layotganligi ham bor gap. Unga oydinlik kiritish maqsadida ijtimoiy hayotda umuman davlatning vazifasi bilan bog‘liq bir jihatga e’tibor qaratish foydadan xoli emas. Masala, bir tomondan, davlat jamiyatni tartibga keltirishning siyosiy shakli, sotsiumning yashash, o‘z-o‘zini asrab qolish uchun zarur omil ekanligi, boshqa tomondan esa, qonun chiqaruvchi, ijro etuvchi va sud hokimiyatidan iborat alohida institutsional hodisa ekanligiga borib taqaladi. Shuningdek, davlat fuqaro xavfsizligi, farovonligi, jamiyat yaxlitligi va barqarorligiga mas’ul hamda siyosiy suverenitet bilan bog‘liqligi ham bugungi kunda alohida ahamiyatga ega. Ammo mazkur ilmiy maqola maqsad-vazifasi nuqtai nazaridan biz uchun muhimi davlatning jamiyat hayot faoliyatini muttasil tarkiblashtirish, ya’ni jamiyat a’zolari intellektual hamda moddiy salohiyatini bir joyda jamlash kuchiga egaligi hamda millat borlig‘ining birdan-bir yaxlit ko‘rinishi va uslubi ekanligini ilmiy-nazariy jihatdan isbotlash bilan bog‘liq.

Darhaqiqat, har bir milliy davlatning rivoji va ravnaqida aynan xalq, avvalo taabalar beqiyos rol o‘ynagan, uning maqsad-muddaolari davlatni har doim sergaklikka, o‘z funksiyalarini diqqat markazida tushiga undagan. Ayni paytda taabalar haqli ravishda davlatni yaratuvchi, hayoti va faoliyatida birdan-bir hal qiluvchi kuch va tayanch deb bilishgan. Shunday ekan, jamiyat, aholi – taabalar tufayli davlat bor – aks holda unga bo‘lgan ehtiyoj ham yo‘qoladi. Shundan kelib chiqib jamiyatga baho beradigan bo‘lsak, ijtimoiy-gumanitar fanda e’tirof etilgan “davlat yaratuvchi jamiyat” [7; 172] tushunchasining nechog‘lik reallik ekanligiga ishonch hosil qilamiz. Mazkur masala tahlil qilinar ekan, o‘z-o‘zidan buyuk faylasuf Jan Jak Russoning “agarki davlatning muddaosi umumiy farovonlik keltirish bilan bog‘liq ekan, uning ildizini xalqning, jamiyatning umumiy

xohish-irodasidan izlash lozim" [8; 167], – degan xulosasining mohiyati oydinlashadi. Demak, bu muammo, ya'ni "davlat-jamiyat" muammosi faqat bugun emas, balki tarixning barcha bosqichlari va barcha muhitlarda e'tibor va tafakkur markazida bo'lganligi anglashiladi. Qolaversa, u tabiiy xususiyat tarzida odamzot uchun juda qadim zamonlardan "jism va ruhining bir qismi"ga aylangan. Davlat hamda jamiyat o'rtasida azaliy uzviy bog'liqlik mavjudligi, davlatning tartibga solish funksiyasi va ularning konstitutsion asosda jamiyat tomonidan tan olinishi uzoq davom etgan va davlat uchun o'zini tan oldirish, zarurligini legitimlashtirish ancha murakkab jarayon bo'lganligi tayin va uning sabablari talaygina.

Gap shundaki, davlat ham, jamiyat ham tarixiylik, ya'ni bir fazadan ikkinchi bir yangi fazaga o'tib [9; 403], muttasil yangilanish, yangicha yashashga moslashlish xususiyatiga ega. Bunday pallalarda an'anaviy ish berib kelgan tajribalarning yaroqsizlaridan voz kechib, yaroqlilarini esa zamon talabiga moslashtirish, ayrim ko'nikmalar va ijtimoiy loyihalarni o'tmishda qoldirish, batamom yangi yondashuv, yangi madaniyat va yangi amaliyotning barcha-barchasini aholi aynan davlatdan kutadi va talab ham qiladi. Birinchi iqtidor davrida mustaqil O'zbekistonda "Davlat – bosh islohotchi" ekanligi milliy taraqqiyot modelining muhim tamoyillaridan biri sifatida bejiz ilgari surilmagan. Garchi ayni paytda mazkur tamoyil mohiyatan xalchillik va yangicha mazmun kasb etib, tashabbus sub'ekti tahrirlangan. Shunday pallalarda davlat javobgar, mas'ul institut, siyosiy sub'ekt sifatida mutlaqo yangi vaziyat qarshisida noaniqlik, ayrim holatlarda "boshi berk ko'chada qolish" effektini boshidan kechiradi. Xullas, jamiyat hayot va faoliyatiga bosh-qosh bo'lish mas'uliyati davlat uchun har kun va har soniya jiddiy sinovga aylanadi, bu sinovdan o'tish yo'llari esa cheklangan emas. Tabiiyki, bunday sharoitda barcha uchun birday qo'l keladigan umumiy qoidalar, uslublar, andazalar mavjud emas. Yuqorida eslaganimiz birinchi iqtidor o'z davrida dunyoda nechta xalq, jamiyat bo'lsa har biri o'zgacha, bir-biriga aynan o'xshaydigan ikki xalq bo'lmaydi, deganda shu holatni nazarda tutganligi oydinlashadi. Shunday ekan, har bir xalqning, davlatning o'z "tarixiy-madaniy kodi", shundan chiqib olamning manzarasi va siyratini o'zicha tasavvur etish, tushunish va talqin qilish uslubi va shakli mavjud. Aynan shunday tarixan dolzarb va ham murakkab pallalarda shu xalq taqdiri uchun bosh mas'ul sub'ekt sifatida davlat o'z moddiy va ma'naviy resurslari, bor ichki salohiyatini harakatga keltirishi davr talabiga aylanadi.

Yaqin tariximizdan misol oladigan bo'lsak, endigina oyoqqa turib, hal qiluvchi pallalarda voyaga yetayotgan zamonaviy o'zbek davlati jamiyatni tartibga tushirish, uning turli-tuman jabhalarini bir-biriga yaqinlashtirish muammosiga duch keldi. O'sha murakkab davrga baho berar ekan, birinchi iqtidor: "Hech kimga sir emas, biz hozir tarixiy taqdirimizning eng murakkab va eng muhim davrini boshdan kechirmoqdamiz. Butun dunyo tan olgan mustaqilligimiz tufayli asrlar osha davom etgan dahshatli tanazzul va mustamlaka balolaridan xalos bo'lmoqdamiz..." [10; 104], – deganda haq edi. Xullas, O'zbekiston misolida, mustaqillikka endigina erishgan, shaklan va mazmunan boshqa bir tarixiy bosqichga o'tgan barcha davlatlarda mohiyatan bir xil – jamiyatning o'tish pallalarida ulkan ijtimoiy-siyosiy evrilishlarga duch kelishi qonuniyat ekanligi ayon bo'ladi va bu o'z navbatida davlatdan favqulodda qarorlar hamda nostandart yechimlarni talab qiladi.

Jamiyat murakkab va ko'p jabhali tizim: iqtisod, siyosat, ijtimoiy va madaniy sohalardan iborat. Ularning motivatsiyasi, funksiyasi, yo'nalishi va tashkiliy tadbirlari ham bir xil emas. Ayrim joylarda go'yoki ularni bir maxrajga keltirish, oliy maqsad – inson farovonligiga yo'naltirishning deyarli iloji yo'qdek tuyuladi. Biroq inson mavjudligi va istiqboli nuqtai nazaridan shunday muammolar borki, ularning yechimini topish davlatning kechiktirib bo'lmas qarorlar qabul qilishini taqozo etadi. Ulardan biri – jamiyatning turli sohalari o'rtasida muttasil uyg'unlikka erishish. Bu o'z navbatida ijtimoiy muloqot va o'zaro munosabatlar maromi, manfaatlar tizimida umumiy birlashtiruvchi nuqtaning paydo bo'lishiga olib keladi. Va bu shunday umumiylikki, uning atrofida barcha manfaatlar o'zaro yaqinlashishga mahkum. Mabodo bunday bo'lmasa alohida manfaatlar ham, ijtimoiy munosabatlar ham va hato jamiyat ham barham topadi [8; 149]. Bu xulosa garchi Jak Jak Russo

tomonidan aytilgan, ammo ayni pallada ham dolzarb ekanligi isbot talab qilmaydi.

Qissadan hissa shuki, davlat hokimiyati ushbu murakab jabhada faoliyat yuritar ekan, guruhiy manfaatlar, intilishlarning mustaqilligini e'tirof etishi barobarida ularning ro'yobga chiqishiga shart-sharoit yaratishga ham mas'ul. Ayni pallada davlat ko'p qirrali guruhiy manfaatlar tizimlari orasidan aholining umumiy farovonligi uchun lozim bo'lgan fundamental qatlamni ajratib olib, uni milliy strategiyaning asosiy yo'nalishiga aylantiradi. Ijtimoiy guruhlar uchun xususiy, umumdavlat manfaatlaridan u yoki bu darajada farq qiluvchi jihatlarga bosh-qosh va rahnamo bo'lmish davlat guruhiy manfaatlarning umumilliy manfaatlarga me'yordan oshiq zid kelishiga yo'l qo'ymaslik payidan bo'ladi. Aks holda bunday holat fuqarolik jamiyati bilan umummilliy manfaatlar orasida sezilarli jarlik paydo bo'lishiga zamin hozirlashi ehtimoli ortadi. Bu davlatchilik imijiga, davlatning siyosiy mavqei va maqomiga ulkan zarar keltirishi turgan gap.

Eng noxush jihat shundaki, mamlakatda ijtimoiy tabaqalanish, o'ta boyib ketgan shaxslar davlatning jamiyat a'zolari kuchi va salohiyatini birlashtirish qobiliyatiga salbiy ta'sir o'tkazadi. Jamiyat a'zolari – fuqarolar hamda davlat organlari o'rtasida ishonchsizlik kayfiyati avj olishi xavfi oshadi. Bunday murakablikka duchor bo'lgan xalqlar, saltanatlar avval ham bo'lgan va bugun ham yo'q emas. Bu holat ba'zi bir ilmiy adabiyotlarda "davlat obstruksiyasi" [11; 576-577], obro'sizlanishi deb tavsiflangan. Ma'lumki, jamiyat hayoti va faoliyatini bir maromga tushirishda millatlararo munosabatlarga alohida e'tibor davlat siyosatining tarkibiy qismi bo'lib kelgan. Zero, dunyoning hech bir burchagi yoxud hududida yagona millatdan iborat jamiyat yo'q va u ayniqsa globallashuv davrida faqat chuqur ildiz otib boraveradi. Gap shundaki, millat omili reallik hamda g'oya sifatida jamiyatning muhim segmentlaridan bo'lib, jamiyatning buguni va istiqboli qay tarzda kechishi ustuvor darajada uning kayfiyati, jamiyat, davlat bilan o'rtasidagi aynanlik darajasini aniq his etishiga bog'liq. Shu boisdan jamiyatning botiniy va zohiriy imkoniyatlari, millat salohiyati davlat mutasadilari muammoni his etishi darajasi bilan birga, davlatning kuchi va obro'-e'tiboriga ham borib taqaladi.

Jamiyat faoliyati maromini ushlab turishda millatlararo munosabatlarni to'g'ri yo'naltirish masalasi o'ta muhim. Mazkur masala yechimiga munosabat barcha davlatlarda turli-tumanligi bois uning yechimi noyoblik kasb etadi. Demak, jamiyat kayfiyati va kundalik faoliyatiga ta'siri nuqtai nazaridan millatlararo muloqotni zarur darajada ta'minlash siyosati oldingi o'ringa chiqishi tabiiy. Ushbu siyosiy jarayonning ildizi, birlamchi qatlamlari asosiy ko'pchilikni tashkil etuvchi millat an'analari, urf-odati va mentaliteti bilan chirmashib ketganligi qo'shimcha muammolarga sabab bo'lishi mumkinligiga tarix va hozirgi zamon guvoh. O'zbekiston misolida oladigan bo'lsak, bu muammo siyosiy iroda vositasida beshigidayoq bartaraf etilib, millatlalaro totuvlik ta'minlangan.

O'zbekistonda yashovchi turli etnos vakillari mazkur kostitutsiyaviy huquq va burchlarni yodda tutgan holda o'zaro muloqotni yo'lga qo'yishi lozimligini ta'kidlar ekanmiz, insoniyat tarixining bugungi bosqichida o'zini ijobiy ma'noda yaqqol namoyish qilayotgan Xitoy politologi Szin Sanjunning fikriga e'tibor qaratsak. "Xalqaro hamjamiyat, xususan G'arb dunyosi Xitoy bilan tanishish pallalarida ko'p tushunmovchiliklarga uchraydi. Sovuq urush tugaganidan to iqtisodiy tanglik davriga qadar G'arb dunyosi har doim Xitoy haqida noto'g'ri fikrda bo'lib kelgan... Ular kamdan-kam hollarda mamlakatlarning farqlari va o'ziga xos milliy xususiyatlari xususida bosh qotirishadi" [12; 256]. Bu fikr bejiz keltirlmadi, G'arb adazalarini tiqishtiriga urinish va turli bosimlar bizga nisbatan ham amal qilmoqda. O'zbekistonga nisbatan ommaviy ong darajasidagi xuddi shunday uzuq-yuluq fikrlar, "do'stona maslahatlar", takliflarni mustaqillik davrida ko'p eshitdik va bular hamon yangramoqda. To'g'ri, tub millat hayotida funksional transformatsiya sodir bo'lgan paytda o'zga etnoslarga mansub yurtdoshlarimiz ongi, qalbida qandaydir ikkinchi darajali fikr-o'ylar yuzaga qalqib chiqib, o'z navbatida, bu ularning xatti-harakatiga u yoki bu tarzda ta'sirini o'tkazganligi bor gap. Bu borada

birinchi iqtidor oʻz vaqtida yuzaga kelgan munozarali vaziyatni shunday tavsiflagan: “Tabiiyki, bu hayajonli asnolarda quvonch bilan birga “Oʻzbeklar oʻz yeri, oʻz erkiga egalik qilsa, bizning farzandlarimiz taqdiri qanday kechadi?”, degan shubhalar ham bor edi” [13; 71]. Ammo siyosiy tajriba orttirishga ulgurmagan, endigina iqtidorga kelgan oʻzbek davlati bu masalada ham zimmadagi eng muqaddas vazifa millati, dini, kasbi-kori, jamiyat hayoti va faoliyatiga qoʻshayotgan ulushidan qat’i nazar koʻpmillatli, koʻpkonfessiyali Oʻzbekistonning farovonligi, ozod va obodligi, ravnaqiga hamnafas va bosh tashkilotchiligini namoyon eta oldi.

J.-P.Sartr ta’biri bilan aytganda, navqiron oʻzbek davlati bu masalada ham oʻzini koʻz-koʻz qilmasdan, kezi kelganda transsendental, ammo ulkan kuch-qudrat, salohiyat sarchashmasi [14; 55-56] sifatida, oʻz xalqi oldida vazifasini toʻla-toʻkis bajardi va bajarib kelmoqda. Umummilliiy vazifalar uchun mas’ul institut sifatida davlat doimo jamiyat manfaatlariga tegishli yumushlardan eng muhimlarini oʻz zimmasiga oladi. Jamiyat xavfsizligi, madaniy hamda milliy aynanlikni muhofazasi shular jumlasidan. Gap davlatning funksiyasi bilan bogʻliq turli-tuman yumushlar orasida eng ustuvori haqida bormoqda. Zero, davlatning mohiyati, eng avvalo, uning tabiati, ya’ni uning barqarorligi, hayotbaxshligi bilan belgilanadi” [15; 78]. Globallashuv va hatto davlatlararo, insonlararo munosabatlar yangi davrga oʻtgan pallada davlat oldida oʻz-oʻzini yoʻnaltirib borish, fuqarolar moddiy va ma’naviy ehtiyojlarini mustaqil tarzda qondirishga qodirligi bilan bogʻliq boʻlgan muammolarni hal qilish vazifasi borgan sari murakkablashib bormoqda [15; 80]. Va bu holat qandaydir toʻsatdan yuzaga kelmadi va qolaversa u davlatning mohiyati, burchi va mas’uliyati bilan bogʻliq. Bunday sharoitda davlat oldida, jamiyat bir butunligi, madaniy hamda milliy aynanliklikni asrashdek murakkab vazifa boʻy koʻrsatadi. Basharti milliy-madaniy aynanlikka putur yetsa, axborot asri va globallashuv amriga koʻr-koʻrona itoat etilsa jamiyat, xalq oʻz aynanligidan chekinsa, jamiyat ham, davlat ham barbod boʻladi.

Davlat va jamiyat hayoti, faoliyat maromi, uning ichki tamoyillari xususida gap borar ekan, garchi boshqa ijtimoiy jarayonga nisbatan aytilgan boʻlsa ham, Qadimgi Sharq allomalaridan Men Szыning “avvalo xalq – keyin davlat” [16; 114], – degan fikri va hozirgi zamon olimlaridan R.Karnapning “Mabodo biror bir jarayon yoxud hodisaning har doim va hamma joyda qaytarilishi kuzatilsa, u pirovardida universallik, hamaboplik kasb etadi” [17; 39], degan mutlaqo ikki sharoit va turli zamonlarga nisbatan aytilgan xulosalarida qandaydir dialektik bogʻliqlikni yaqqol kuzatish mumkin. Ayni paytda biz uchun ularning qaysidir semantik turdoshligi emas, balki ulardagi voqea-hodisalar maromi dunyoning barcha mintaqalarida birday shakl kasb etishini anglatishi muhim. Qissadan hissa shuki, zamonaviy davlatlar uchun oʻzini asrash barobarida xalqni, jamiyatni tarkiblashtirish, tashkillashtirish burchi, azaliy voqelikning doimo his etilishi oʻziga xos ijtimoiy zarurat ekanligini anglash muttasillik va muntazamlik, doimiylik va uzviylikning muhim va zarur sharti hisoblanadi.

Yuzaki qaraganda davlat va jamiyatga xos madaniy va milliy aynanlik omili oʻrtasida uygʻunlik yaqqol koʻzga tashlanmaydi. Davlat – ijtimoiy-siyosiy institut shaklida ustuvor darajada siyosat makoni boʻlsa, jamiyatning oʻzini oʻzi anglashi, aynanlikka intilishi ijtimoiy-madaniy va oʻzini idrok etish unsuri bilan aloqador. Biroq global miqyosda har ikkalasi katta siyosat muammosiga aylanadi. Mabodo jamiyatda aynanlik shakllanmagan yoki turli ta’sirlar sabab xalqda tanazzul, yemirilish boshlansa, xalq sababni davlat bilan bogʻlashi isbot talab qilmaydi. Aynanlikka erishgan jamiyat esa davlat bilan ham aynanlikka erishishi mantiqqa zid emas. Aynanlashish yoki aynanlikning chuqur ichki qatlamlarida jamiyat rivoji, bardavomligi uchun zarur qonun-qoidalar, xatti-harakat me’yorlariga doir axloqiy va xulqiy asoslar, asrlar va hatto ming yilliklar mobaynida sayqallashgan yoʻl-yoʻriqlar tizimi qaror topib, jamiyat ham, davlat ham unga gʻayrishuuriy tarzda rioya qiladi. Bordi-yu, turli sabablar bois unga raxa tushsa, davlat xotirjamlikka berilsa, unda jamiyat oldidagi mas’uliyati va burchini oʻrinlatib bajarmaganligi ortidan ijtimoiy parokandalik girdobiga tortilishi

ehtimoli ortadi. Bunday pallalarda davlatdan, siyosiy mas'ul shaxslardan azaliy bunyodkor universaliylar va ijtimoiy mo'ljallarni qayta idrok etish, qadriyatlarni qayta baholash, abadiylikni asrash uchun yangi ufqlar sari marra olishi [9; 463] talab etiladi.

Tahlil jarayonida davlat va jamiyatning pirovard maqsadlari, ular o'rtasidagi o'zaro ichki bog'liqlik, muloqot, o'zaro burchlaridan kelib chiqib fuqarolar faoliyatini uyushtirishda davlat oldida turli darajadagi vazifalar, yumushlar mavjudligi hamda muayyan payt uchun ulardan muhimlarini saralash, hal etish vazifasi voqelik ekanligi oydinlashdi. Demak, jamiyat shunchaki nazoratsiz odamlar to'dasi emas, balki o'z mohiyatiga ko'ra jamoaviylikka, hamnafaslikda faoliyat yuritishga, aniq maqsad sari intilishga moyil, shuning barobarida o'ziga qaraganda yuqoriroq darajadagi tartibotga muhtoj [18; 33] ijtimoiy hodisa sifatida boshqaruvni taqozo etadigan ijtimoiy birlik ekanligi o'z tasdig'ini topdi.

**XULOSA**

This smart sport suit can be created from smart textiles and materials, linked to a GPS system, and fitted with tiny devices that measure the wearer's body temperature, blood pressure, heart rate, and so on. It may also allow the wearer to be compatible with smartphones, providing rapid access to this data. The Tech Wearable Motherboard TM is another example of close collaboration and effort.

Nonwoven materials are classified by their method of manufacture. These structures may be based on a combination of weft or warp knitted fabrics with reinforcing threads in warp, weft, and bias directions or produced directly from layers of bonded fibers; the latter structures will not be considered in this study. Methods of mathematical description of the structure of woven and knitted fabrics are mainly based on the representation of their topology by a matrix where each individual element corresponds to a structural element of the fabric. For example, single-layered woven fabrics are coded using binary matrices, where individual matrix entries represent warp and weft intersections. Conventionally, if the warp is above the weft then such intersection is coded as 1, and 0 otherwise. For more complicated fabrics based on multi-layered weaves, a non-binary coding system has been used. It has been shown that even in the case of multilayered woven fabrics, it is possible to represent their structure by binary matrices.

**Methodology.** Introducing new research tools and approaches can advance textile science and industry. The Design of Experiments approach has gained popularity in textile research and industry, building on its success in other industries.

Using this strategy has various benefits over traditional experimental and manufacturing methods. The Finite Element Analysis Method can be used to examine heat transport in textiles and garments. Additionally, Artificial Neural Networks can be used to simulate textile manufacturing processes and qualities.

Several different numerical approaches are being utilized to analyze textile composites, nanocomposites, multi-functional composites, and materials, including the Runge-Kutta method and the Newton-Raphson method. Another example is the recent development of novel concepts, techniques, and procedures for evaluating the quality of fancy yarns. Such tools could benefit all parties interested in such pricey and unique yarns. Researchers, stylists, fancy yarn manufacturers, traders, and fashion designers may all rely on this to ensure the quality of such unique products.

**Result.** Traditional textiles continue to evolve alongside newer options. Lindauer DORNIER GmbH introduced and commercialized Open Reed Weave (ORW) Technology, which combines weaving and stitching in a single process. This technology

enables complex weave structures to be built. This technique encourages the innovative use of fabrics and woven constructions. It can also create multi-axial fabrics ideal for technical textiles. The late 20th century saw the advent of four-needle-bed knitting machines, allowing for further development of the classic knitting process and the creation of flat or tubular knitted fabrics with sophisticated designs. Fancy yarns are being examined with a scientific approach. Rather than just descriptive or statistical investigations. Mathematical models are proposed to explain the unique manufacturing method and features of these yarns.

**Conclusion.** Third-generation fabrics are becoming increasingly popular. It is used in a variety of applications, including space, medical, agriculture, aviation, defense, industrial, electronics, and construction. Commercial, efficiency, appropriateness, and compatibility are key considerations driving the expansion of classic and novel textile applications.

A new trend encourages academics and textile technologists to do research in this field by expanding reading of cutting-edge research findings. One significant part of this trend is the rise of open-access scientific journals.

The Journal of Textile Science & Engineering is committed to disseminating textile industry research by providing free access to all published articles. This trend also includes the use of the Internet to showcase papers in the discipline. This faster and easier way to share ideas, thoughts, findings, and results may lessen the effort required to keep up with technological improvements.

Finally, sustainability and ethical considerations are crucial for these advancements. A sustainable approach benefits future generations while also addressing ethical concerns to ensure a better living for all involved. Environmental issues, recyclability of textiles, Eco processes and products, fair-trade practices, health and safety, rational management, and avoiding over-exploitation of resources are important considerations for research, companies, governments, and other organizations. Considering these important concerns leads to sustainable, promising, and environmentally friendly development.

**Reference list**

1. Alshukur M, Fotheringham A (2014) Quality and structural properties of gimp fancy yarns by using the Design of Experiments. J Text Inst.

2. Cimilli S, Nergis FB, Candan C (2008) Modeling of Heat Transfer Measurement Unit for Cotton Plain Knitted Fabric using a Finite Element Method. Text Res J 78: 53-59.

3. Alshukur M (2013) The Quality of Fancy Yarn: Part I: Methods and Concepts. Int J Text Fashion Technol 3: 11-24.

4. Alshukur M (2013) The Quality of Fancy Yarn: Part II: Practical Experiments and Application. Int J Text Fashion Technol 3: 25-38.

5. Agarwal BJ, Agarwal S (2011) Integrated Performance Textiles designed for Biomedical Applications. International Conference on Biomedical Engineering and Technology, IACSIT Press, Singapore.

6. Wang, Y.-Q., and Wang, A. S. D., Microstructure/Property Relationships in Three-dimensionally Braided Fiber Composites, Compos. Sci. Technol. 53, 213 222 (1995).

7. Kuo, W.-S., Topology of Three-dimensionally Braided Fabrics Using Pultruded Rods as Axial Reinforcements, Textile Res. J. 67(9), 623–634 (1997).

8. Meissner, M., and Eberhardt, B., The Art of Knitted Fabrics, Realistic & Physically Based Modelling of Knitted Patterns, Comput. Graph. Forum 17(3), 355–362 (1998).

9. Huysmans, G., Savci, S., Luo, Y., Lomov, S. V., and Verpoest, I., Topology of Weft Knitted Fabrics: a Coding and Visualisation Algorithm, In "Proceedings of the 5th International Conference on Textile Composites (TexComp-5)," Leuven, Belgium (2000).

10. Lomov, S. V., Gusakov, A. V., Huysmans, G., Prodromou, A., and Verpoest, I., Textile Geometry Preprocessor for Mesomechanical Models of Woven Composites, Compos. Sci. Technol. 60, 2083–2095 (2000)

# ТЎҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

*Азимова Лола Сафаровна*

*Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти “Иктисодиет ва менежмент” кафедраси катта ўқитувчиси*

***Аннотация.*** *Мақолада тўқимачилик корхоналари инновацион фаолияти самарадорлигини ошириш масалалари тадқиқ этилган. «Инновация» тушунчаси тавсифланган. Тўқимачилик ишлаб чиқаришини ривожлантиришда тармоқ корхоналари маҳсулотларининг тармоққа хос хусусиятлари асосланган.*

***Аннотация****. В статье исследованы вопросы повышения эффективности инновационной деятельности текстильных предприятий. Охарактеризовано понятие «Инновация». Обоснованы специфические аспекты продукций предприятий отрасли в развитии текстильного производства.*

Бугунги кунда кўплаб ривожланган ва жаҳон иқтисодиётида етакчи ўрин тутадиган мамлакатлар тажрибаси шуни сўзсиз исботлаб бермоқдаки, рақобатдошликка эришиш ва дунё бозорларига чиқиш, биринчи навбатда иқтисодиётни изчил ислоҳ этиш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларининг жадал ривожланишини таъминлаш, фаолият кўрсатаётган қувватларни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларини тезлаштириш ҳисобидан амалга оширилиши мумкин. Бу эса, самарали инновацион бошқарув тизимини шакллантириш ва ривожлантириш каби муҳим масалаларни ҳал этиш заруратини келтириб чиқаради. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек, ”Ўзбекистонни инновацион тараққиётга олиб чиқиш керак. 2030 йилгача Глобал инновацион индекс рейтинги бўйича дунёнинг 50 та энг кучли мамлакати қаторидан жой олишни мақсад қилганмиз. Бу илм-фанимиз учун ҳам, давлат органлари, тадбиркорлар, қўйингки, бутун жамият учун ҳам мутлақо янги платформага ўтишни англатади”[1].

Ўзбекистон инновацион ривожланиш турининг ҳозирги замон моделига ўтиши учун ҳамма зарур шароитларга эга. Бу модель вужудга келтирилган илмий-техникавий салоҳиятдан кенг ва самарали фойдаланишга, фундаментал ва амалий фаннинг ютуқлари, чуқур илм талаб қиладиган технологияларни кенг жорий этиш, юқори малакали, иқтидорли илмий кадрлар сонини кўпайтиришга асосланади. Бу –мамлакатимиз жаҳондаги иқтисодиёти ва саноати ривожланган давлатлар қаторига кириб боришининг зарур шарти ва мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилади.

Республикада инвестицияга асосланган миллий инновацион тизимни яратиш, биринчидан, иқтисодий тараққиётнинг асоси, иккинчидан эса, миллий иқтисодиётни жаҳон бозорида рақобатдошлигини оширишнинг бирдан бир йўли илмий-техника соҳасини ривожлантириш ҳисобланади.

Бугунги кунда саноат ишлаб чиқаришининг ривожланишини фан-техника тараққиётисиз тасаввур этиб бўлмайди. Фан-техника тараққиёти ютуқларидан ўз вақтида фойдаланишнинг ҳар бир айрим корхона фаолиятидаги, шунингдек иқтисодиётни ривожлантиришдаги ўрни, маҳаллий ҳамда хориж олимлари томонидан кўп марта таъкидланган.

Иқтисодиётимизда тубдан амалга оширилаётган ўзгаришлар, ҳамда у билан боғлиқ бўлган қимматли қоғозлар, капитал, меҳнат ва инновациялар бозорининг шаклланиши саноат корхоналаридан нафақат, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг янги шакл ва турларини жорий этишни, балки фан-техника ютуқларини татбиқ этиш механизмини ҳам қайта кўриб чиқиш талаб қилинади. Бозор иқтисодиёти шароитида фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этиш механизмининг шаклланиши ва қанчалик муваффақиятли амалга оширилишидан мамлакатимиз ишлаб чиқариш соҳасининг истиқболдаги ривожланиши, жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига интеграциялашуви, оқибат натижада иқтисодий ўзгаришларнинг ўзини амалга оширилиши боғлиқдир. Мазкур муаммонинг аҳамиятли эканлиги эса бугунги кунда фан-техника тараққиётини ҳамда саноат корхоналарини ўзаро боғлиқликда кўриб чиқишни тақозо этади.

Ушбу муаммони тадқиқ этишни «инновация» тушунчасини тавсифлашдан бошлаш мақсадга мувофиқдир, турли тадқиқотчиларнинг мураккаб ва кўп қиррали бўлган бу тушунчага нисбатан ёндошувлардаги фарқ сабабли, замонавий адабиётларда бу тушунча турлича талқин қилинади.

Б.Твисс бу жараённи илмий ва техник билимлар сифатида бевосита истеъмолчи эҳтиёжлари соҳасига янгиликларни жорий этиш сифатида кўриб чиқади. Бунда маҳсулот фақат технология ташувчига айланади ва у технология ҳамда қондириладиган эҳтиёжларнинг ўзаро боғлиқлиги масаласи ҳал қилиниши билан қандайдир аниқ шаклга киради[2].

Е. Дихтль и Х. Хершген таъкидлайдиларки, «инновация» деганда янги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга жорий этиш тушунилади, бунда ҳақиқатда янги турдаги бўлган ва мазкур тадбиркорнинг ишлаб чиқариш дастуридагина янги бўлган маҳсулотларни бир-биридан фарқлаш мақсадга мувофиқдир. Ҳақиқатдаги инновациялар истеъмолчиларнинг илгари эҳтиёж бўлмаган эҳтиёжларини қондириш имкониятини беради [3].

Инновацияларни «янги маҳсулотларни, хизматлар ва ишлаб чиқариш жараёнларини жорий этиш жараёни» сифатида тавсифлаш ҳам жуда кенг тарқалган. Инновация – бу «янги ғоя ва ихтироларни янги техник иқтисодий кўрсаткичларга эга бўлган ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли маҳсулотга ёки

ғояларни аниқ предметларга айлантириш жараёнидир [3].

Инновацияларни тавсифлашга нисбатан бундай ёндошувнинг асосий камчилиги шундаки, буларда инновация деганда асосан, янги маҳсулот ёки технологияни ўзлаштириш жараёнига, ижтимоий-иқтисодий соҳада юзага келадиган ўзгаришларни ҳисобга олмаган ҳолда урғу берилади. Шу билан бирга, ишлаб чиқаришнинг техникавий базасидаги яхшиланиш кўп жиҳатдан, саноат корхонаси фаолиятини бошқариш ва ташкил этишнинг сифати билан белгиланганлиги сабабли, уларнинг аҳамияти доим ортиб боради.

Ишлаб чиқаришдаги технологик қарорлар, техника ва тайёр маҳсулотлар моделларининг доиравий айланиши ва алмашуви инновацион жараённинг асосий мазмуни ҳисобланади. Ишлаб чиқариш тизимларининг яшаш даври ишлаб чиқариш босқичидан бошланади. Бу ерда илмий тадқиқотлар тажрибавий намуналарни тузиш ва яратиш, синовларни ўтказиш амалга оширилади.

Маҳсулот мураккаблашганлиги ва модернизациялашгани сари бу босқич борган сари каттароқ аҳамият касб этади. Биринчи босқич серияли ишлаб чиқаришга ўтиш тўғрисида қарор қабул қилиш билан якунланади.

Кейинги босқич ишлаб чиқаришни технологик тайёрлаш ва технологияларни танлашни ўз ичига олади. Янги маҳсулотлар ва материалларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш усулини танлашга ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий тайёргарлигини ташкил қилиш тизими ва зарур технологик ускуналарнинг таркиби катта таъсир кўрсатади. Ишлаб чиқаришни технологик тайёрлашнинг ягона тизимига мувофиқ маҳсулотларни оммавий ва серияли ишлаб чиқаришга технологик тайёрлаш, технологик жараёнларни ишлаб чиқиш, жиҳозларни лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқариш, маҳсулотнинг тажрибавий намунасини ишлаб чиқариш ва синовдан ўтказиш, умуман ишлаб чиқариш тизимини ташкил қилиш ва вужудга келтиришни ўз ичига олади[4].

Шуни таъкидлаш лозимки, илмий-техника янгиликларини ишлаб чиқаришга қўллаш инновацион товарларнинг хусусиятидир.

Инновация жараёни анча мураккаб тушунча. У турли нуқтаи назардан ва муфассал текширишнинг турли даражаларидан қараб чиқилиши мумкин. Биринчидан, унга илмий тадқиқот, илмий-техника, янгилик яратиш ва ишлаб чиқариш билан ҳамоҳанг олиб бориладиган фаолият сифатида қараш мумкин. Иккинчидан, инновация жараёнига янги киритилган тартиб қоиданинг ғоя пайдо бўлишидан, то уни амалга ошириш ва тадбиқ қилишгача бўлган ҳаёт даврининг вақтинча босқичлари сифатида қараш мумкин[5].

Умуман олганда, инновация жараёни бу ҳодисалар занжири бўлиб, улар оқибатида технология ва хизматлар, янгиликлар ғоя шаклида “етилган” маҳсулот шаклига ўтади ва хўжалик фаолиятига тадбиқ этилади.

Бунда инновация жараёни янги маҳсулотни, хизматни жорий қилиниши, яъни

бозорда биринчи марта пайдо бўлиши билан ёки янги технологияни лойиҳа қувватига етказилиши билан тугалланмайди. Ушбу жараён жорий қилингандан сўнг ҳам тўхтамайди, чунки янгилик иқтисодиётда тарқалиш даражаси ошган сари такомиллашади, самарадорлиги янада ортади, янги истеъмол хусусиятларига эга бўла бошлайди, бу унинг учун қўлланишнинг янги соҳаларини, янги бозорларни, демак-ки янги истеъмолчиларни вужудга келтиради.

Тўқимачилик ишлаб чиқаришини ривожлантиришда тармоқ корхоналари маҳсулотларининг тармоққа хос хусусиятларини ҳам эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир.

Тўқимачилик маҳсулотларининг ўзига хос жиҳатларидан бири уларнинг хом ашё сарфини кўп талаб қилишидир. Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархида хомашё ва материалларга кетган ҳаражатлар 70-80% ни ташкил этади. Шу боисдан ҳам, тўқимачилик  саноатини ривожлантиришда тармоқ корхоналарига хомашё сарфини қисқартиришга имкон берадиган инновацияларни кенг тадбиқ этиш ҳисобига маҳсулот таннархини пасайтиришга, шу тариқа маҳсулотнинг рақобатбардошлигини ҳам оширишга эришиш мумкин. Бу эса,  бугунги кунда тўқимачилик корхоналари олдида турган устувор вазифалардан бири маҳсулот таннархини 10-15%га  пасайтиришни таъминлашнинг муҳим йўналишларидан ҳисобланади[6].

Тўқимачилик корхоналарида тармоқнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда инновацион жараёнларни оқилона бошқариш,  хом ашёдан самарали фойдаланиш корхонада қўшимча ишлаб чиқариш қувватларини жалб этмасдан туриб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, сифатни яхшилаш ва меҳнат унумдорлигини  ошириш имконини беради. Шу боисдан ҳам, тўқимачилик саноати корхоналарида «енгил» тўқимачилик матоларини, яъни маҳсулот бирлигига тўғри келадиган хомашё сарфини қисқартиришга имкон берадиган янги технологияларни, тўқима турларини жорий этиш корхонанинг ишлаб чиқариш самарадорлигини, шунингдек иқтисодий ва молиявий барқарорлигини таъминлаш омилларидандир.

Мазкур муаммоларни ҳал этиш мақсадида олимлар тўқимачилик корхоналарининг ходимлари билан биргаликда хомашё сарфини қисқартиришга имкон берадиган янги тўқимачилик  маҳсулотларининг ассортиментларини, шунингдек хомашёга ишлов беришнинг янги технологик жараёнларини, меҳнат унумдорлигини оширишнинг, олий сифатдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, хомашё ва материалларни максимал даражада иқтисод қилиш ва маҳсулот таннархини пасайтиришнинг имкониятларини тадқиқ этиш ва уларга эришишнинг  янги йўлларини излаб топиш устида, инновацион жараёнлар самарадорлигини ошириш борасида ишларни амалга оширмоқдалар.

Материаллар сарфини қисқартиришга имкон берадиган янги сифатли тўқимачилик матоларини яратиш бўйича илмий изланишлар республикамиз тўқимачилик корхоналарида ишлаб чиқарилаётган тўқимачилик матоларининг

таркиби, уларни турли типдаги трикожаж машиналарида ишлаб чиқариш технологиясининг бугунги кундаги ҳолати тўғрисидаги таҳлил натижаларига асосланиши керак[7].

Тўқимачилик саноатини ривожлантиришнинг тармоққа хос жиҳатларидан яна бири уларининг мода йўналишларига, замон талабларига, аҳолининг миллий урф-одатлари ва анъаналарига мос келиши кераклиги, шунингдек мавсумбоплиги ҳисобланади. Шу боисдан ҳам тўқимачилик саноатини ривожлантириш йўналишлари илгари талаб бўлмаган янги хосса ва хусусиятларни бериш орқали маҳсулотнинг сифат кўрсаткичларини яхшилашга йўналтирилгандир.

Бу борада амалга оширилаётган ишларнинг тўқимачилик саноати корхоналарига ИСО 9000 сериясидаги халқаро стандартларга асосланган сифат менежменти тизимини жорий этиш кераклиги тўғрисидаги тармоқни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига қаратилганлигини таъкидлашимиз мумкин.

Инновацияларни тадбиқ этиш орқали корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини ошириш маҳсулотнинг рақобатбардошлигини оширади, шунингдек корхонанинг ҳам рақобатбардошлигини таъминлаш имконини беради.

Бизнинг фикримизча, бугунги кунда республикамиз тўқимачилик корхоналари олдида турган энг асосий вазифа сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариб, халқимизнинг кенг истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжини тўла қондиришдир. Корхонага инновацияларни, инновацион-инвестицияларни жорий этиш орқали уларнинг таннархини пасайтириш ва сифатини яхшилаш бугунги кунда республикамиз тўқимачилик саноати корхоналари олдига қўйилган устувор вазифаларни амалга оширишда асосий омиллардан ҳисобланади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил 16 сентябридаги ПҚ-4453-сонли “Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

4. Юсупов У.Ш. Инновацион жараёнларни бошқариш самарадорлигини баҳолашнинг услубий жиҳатлари. «Биржа Эксперт» журнали. 2012 йил, №4.

5. Юсупов У.Ш. Тўқимачилик саноатида инновацион жараёнларни бошқариш самарадорлигини ошириш. «Иқтисодиёт ва таълим» журнали. 2012йил,№4.

6. Юсупов У.Ш. Роль внедрения управленческих нововведений в повышении конкурентоспособности предприятий и эффективности экономики страны в целом. Международная научно-практическая конференция. Филиал МГУ им.М.В. Ломоносова в г.Ташкенте. Декабрь 2014г.

7. Yusupov U.Sh. Strategic Management Of Innovative Processes At Light Industry Enterprises In The Conditions Of Digitalization Of The Economy. International Journal of Scientific & Engineering Research Volume 11, Issue 2, February-2020 1250//ISSN 2229-5518.

# MAIN FEATURES OF THE MANIFESTATION OF AN ALLERGIC REACTION ON THE ORAL CAVITY

**Kh.X. Zakirova**

**Alfraganus University**

Keywords: dynamic balance, bronchial asthma, manifestations.

Introduction: due to numerous manifestations in the oral cavity, bronchial asthma is one of the most pressing problems of modern dentistry.

The oral cavity is an ecological system in which external factors interact with internal ones (periodontium; oral microflora, local immune system, epithelium of the oral mucosa, saliva, etc.). All components of the oral cavity are the initial link in the digestive tract, are in dynamic balance. According to the WHO, in 2017, about 235 million people worldwide suffered from asthma and this figure is projected to increase to 400 million by 2025. Urbanization is considered to be a possible reason for this trend.

One of the urgent problems of modern medicine is the study of etiology, pathogenesis, issues of increasing the effectiveness of treatment and prevention of the most common dental diseases in patients with chronic general somatic pathology (Grudyanov A.I. et al., 2004; Kazarina JI.H. et al.; 2008, Lukinykh L.M., 2004; Rabinovich O.F. et al., 2004).

The aim: To assess and compare the state of the oral mucosa, hard tissues of teeth in patients with bronchial asthma.

Research Object and Methods: A total of 50 patients were examined: -34 with bronchial asthma, of which 28 with CGP (chronic generalized periodontitis); -10 only with HGP; -6 control group.

In order to study the assessment of the state of the oral mucosa, the methods IHFV, PMA were used, as well as the dental indicator of KPU for assessing the state of hard tissues.

Results:

The value of KPU in patients with and without BA does not differ significantly. The following non-carious dental lesions were revealed: wedge-shaped defect, enamel erosion is twice as large in BA patients (73%) than in patients without BA (45%).

Examination of the oral mucosa revealed gingivitis in a large number of patients without asthma compared with another group of patients. Also, an objective examination in patients with asthma is marked by swelling of the tongue, petechial rashes, desquamative glossitis.

Conclusion: Thus, bronchial asthma has negative manifestations on the oral mucosa and hard tissues of the teeth, such as: non-carious lesions, swelling of the tongue, petechiae, dry lips.

# ADIBLAR E'TIROFIDA ZULFIYAXONIM MEROSI

**Toshkent tibbiyot akademiyasi, Davolash ishi fakulteti talabasi Aminboyeva Shaxrizoda Oybek qizi**

**Toshkent tibbiyot akademiyasi, Olmazor t., Toshkent sh., O'zbekiston**

***Kalit so'zlar:*** G'afur G'ulomning e'tirofi, Hamid Olimjon va Zulfiya, Chingiz Aytmatovning fikri, Abdulla Qahhorning ta'rifi, Ulug'bek Hamdamning zamonaviy qarashlari

***Keywords:*** Recognition of Ghafur Ghulam, Hamid Olimjon and Zulfiya, Chingiz Aitmatov's opinion, Abdullah Kahkhor's characterization, Ulugbek Hamdam's contemporary views.

***Ключевые слова:*** Признание Гафура Гулама, Хамид Олимджон и Зульфия, мнение Чингиза Айтматова, характеристика Абдуллы Каххора, современные взгляды Улугбека Хамдама.

***Annotatsiya:*** Ushbu maqolada Zulfiyaxonim Isroilova hayoti, ijodi va shaxsiyati haqida adiblar tomonidan bildirilgan fikrlar va keltirgan iqtiboslariga nazar tashlaymiz. O'z zamonasining ma'lum va mashxur yozuvchi va shoirlari tomonidan katta hurmat va ehtiromga sazovor bo'lgan adibamiz haqidagi bir qancha e'tiroflar keltirilgan.

***Abstract:*** In this article we will look at opinions and quotes from writers about the life, work and personality of Zulfiyahanim Israilova. A number of appreciations about our writer, who received great respect and esteem from famous and renowned writers and poets of his time, are presented.

***Аннотация:*** В этой статье мы рассмотрим мнения и цитаты писателей о жизни, творчестве и личности Зульфияханим Исраиловой. Представлен ряд благодарностей о нашем писателе, получившем большое уважение и уважение со стороны известных и знаменитых писателей и поэтов своего времени.

***Kirish:*** O'zbek xalqining sevimli shoiri, go'zal nazm ustasi va ma'rifatparvar ayol Zulfiya o'z ijodi bilan milliy adabiyotimizda alohida o'rin tutadi. Uning she'riyati o'zbek xalqining dard-u quvonchlarini, sof tuyg'ularini va hayotiy falsafasini aks ettiradi. Zulfiyaning ijodi nafaqat o'zbek, balki butun Markaziy Osiyo madaniyati va adabiyoti rivojiga ulkan hissa qo'shdi.

### G'afur G'ulomning ta'rifi

G'afur G'ulom, taniqli o'zbek shoiri va yozuvchisi, Zulfiya ijodini alohida qadrlab, shunday degan edi: *"Zulfiya — nazokat va mahorat bilan qalb qushiga qanot bo'lgan shoiradir. Uning she'rlari o'zbek ayolining o'zgacha dunyosini, uning hayotga bo'lgan mehrini butun chiroyi bilan ochib beradi."* Bu e'tirof shoiraning ijodiy ruhi va insoniyligi bilan o'zbek adabiyotida munosib o'rin egallaganligini tasdiqlaydi.

### Hamid Olimjon va Zulfiya

Zulfiyaning turmush o'rtog'i bo'lgan Hamid Olimjon uning ijodiga katta ta'sir ko'rsatgan va Zulfiya haqidagi iliq fikrlarini ko'plab she'riy va nasriy asarlarida ifoda etgan. Hamid Olimjon Zulfiyani shunday ta'riflagan: *"Sen mening ilhomimning zaminisan, Zulfiya. Har bir misrangda xalqning ovozi va yuragining harorati bor."* Bu so'zlar Zulfiya she'riyatining xalq dardiga hamohang ekanini yana bir bor ta'kidlaydi.

### Chingiz Aytmatovning fikri

Buyuk qirg'iz adibi Chingiz Aytmatov Zulfiya ijodini xalqaro darajada tan olib, shunday degan edi: *"Zulfiya — nafaqat o'zbek xalqining, balki butun insoniyatning yuragiga yaqin shoiradir. Uning she'rlari nafosat va adolatni kuylaydi, unda ezgulikning kuchi mujassam."* Bu e'tirof Zulfiyaning ijodi faqat milliy darajada emas, balki xalqaro miqyosda ham qadrlanganini ko'rsatadi.

### Abdulla Qahhorning ta'rifi

O'zbek adabiyotining ulug' adibi Abdulla Qahhor ham Zulfiyaning so'z sehrini yuqori baholagan va shunday deydi: *"Zulfiya she'riyati — bu hayotning o'zidir. Uning ijodi orqali go'yo bir butun avlodning qalbi*

*bilan suhbatlashasan."* Bu fikr shoira she'rlarining milliy ruh va umumbashariy his-tuyg'ularni uyg'unlashtirganini aks ettiradi

**Ulug'bek Hamdamning zamonaviy qarashlari**

Zamonaviy adabiyotshunos va shoir Ulug'bek Hamdam ham Zulfiya ijodi haqida quyidagicha ta'kidlaydi: *"Zulfiya shunchaki shoira emas, balki millatning irodasi va orzularini she'rga aylantirgan ma'rifatparvar ayoldir. Uning ijodi ayollar huquqlari, tenglik va mehr-muhabbat haqida buyuk saboqlar beradi."*

Zulfiyaxonim o'zining samimiy va hayotbaxsh she'rlari bilan nafaqat o'z davrida, balki bugungi kunda ham o'zbek adabiyotining yulduzi sifatida yoritilib turibdi. Uning ijodi haqida boshqa adiblarning e'tiroflari shoiraning nafosatga boy so'z san'ati, ayol dunyosini ifodalashdagi o'ziga xos mahorati va o'lmas insoniy qadriyatlarni ulug'laganini yana bir bor tasdiqlaydi. Zulfiya nomi, uning she'rlari kabi, har doim qalblarda yashaydi va avlodlarni ilhomlantiradi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev Zulfiya xonimning ijodi va uning nomidagi Davlat mukofotiga alohida e'tibor qaratib kelmoqda. Har yili 8-mart – Xalqaro xotin-qizlar kuni munosabati bilan o'tkaziladigan tantanali marosimlarda davlatimiz rahbari Zulfiya nomidagi Davlat mukofoti sovrindorlarini taqdirlashga katta ahamiyat beradi. Masalan, 2024-yil 7-mart kuni bo'lib o'tgan tadbirda Prezident Shavkat Mirziyoyev shunday deydi: "*Biz har yili mamlakatimiz bo'yicha 28 nafar iste'dodli qizlarimizni ulug' shoiramiz Zulfiya nomidagi Davlat mukofoti bilan taqdirlaymiz."* Bu fikrlar davlatimiz rahbarining Zulfiya xonim ijodiga bo'lgan hurmati va uning nomidagi mukofot orqali yosh avlodni rag'batlantirishga qaratilgan sa'y-harakatlarini yaqqol namoyon etadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Zulfiya. "Hayot varaqalari." – Toshkent: "G'afur G'ulom" nashriyoti, 1976.

(Shoiraning she'riy to'plami va avtobiografik yozuvlari).

2. Hamid Olimjon. "Tanlangan asarlar." – Toshkent: "Fan", 1965.

(Hamid Olimjonning she'rlari va Zulfiyaga bag'ishlangan asarlari).

3w. G'afur G'ulom. "Adabiyot va hayot." – Toshkent: "O'zbekiston", 1958.

(G'afur G'ulomning adabiy-tanqidiy maqolalari to'plami, Zulfiya ijodi haqida fikrlar ham mavjud).

4. Chingiz Aytmatov. "Ijod va hayot haqida suhbatlar." – Moskva: "Sovetskaya Literatura", 1984.

(Chingiz Aytmatovning adabiy jarayon va shoirlar haqidagi fikrlari).

5. Abdulla Qahhor. "Adabiyot haqida fikrlar." – Toshkent: "O'qituvchi", 1974.

(Adabiy tanqidiy maqolalar to'plami, unda Zulfiya ijodi haqida e'tiroflar ham mavjud).

6. "O'zbekiston adabiyoti va san'ati" gazetasi.

(Zulfiya va boshqa o'zbek adiblari haqida maqolalar nashr qilingan turkum sonlar).

7. "Zulfiya – she'riyat malikasi." – Toshkent: "Ma'naviyat", 1999.

(Shoira ijodiga bag'ishlangan maxsus kitob).

8. Ulug'bek Hamdam. "O'zbek adabiyotining ma'naviy qiyofasi." – Toshkent: "Yangi asr avlodi", 2010.

# МУСО ЎРИНОВ

**(очерк)**

**Гулчехра Мирзаева, публицист журналист**

Уйга тез ёрдам машинаси етиб келганида вакт алламаҳал бўлган адашмасам тунги соат иккига яқинлашиб қолганиди. Ярим соат олдин авжига чиққан бош оғриғини сезмай қоляпман. Қаттиқ уйқум келаётганди. Назаримда пастликка қулаб борардим. Фелдшер йигитнинг кетма кет саволлари қулоқларим остида жаранг берарди ҳалос. Деярли унинг гапларини тушунмасдим. Болаларим ёш бўлгани сабаб, жиддий фожеадан кўркув ҳисси кучли эди. Хаёлимда докторимнинг исмини унутиб қўймасликка ҳаракат қилардим. Ёнимдаги ҳамширага телефоним кодини очиб Мусо Болтаевичга қўнғироқ қилишини илтимос қилдим. Иккита чақирувдан сўнг "лаббай" деган овоз эшитилди. Мендаги кўркув ўрнини ишонч эгаллади. Гуё мен касалхонада, ишончли қўлларда эдим.

-Ҳа устоз қаттиқ таҳикардия, пульс бетартиб, ҳа юқори...албатта секин ўтказяпман.назоратга оламан. Яхшиланяпти...бошқа гапларни чала эшитдим. Тез ёрдам группаси чамаси бир соатдан кўп вакт мобайнида, ярим тунга кадар ёнимда ўтиришди. Қачон кетишганини эслолмайман.

Эрталаб уйқудан енгил уйғондим. Кўзимни очишим билан нажоткор шифокоримга қўнғироқ қилдим. Ниятим бисотимдаги бор яхши сўзлар билан шифокоримга ташаккуримни билдириш эди. Йўқ..икки оғиз гапдан кейин томоғимга нимадир тиқилди. Кўз ўнгимда унинг мен сингари минглаб одамларга етаётган нафи салмоғи, бирор сўз билан ифодалаб бўлмайдиган меҳнатларининг бебаҳо киймати гавдаланди. Умрларга тенг яхшилик ҳақида ўйладим. Ҳар бир инсон чекига тушадиган вазифа ҳақида тафаккур қилдим.

2000 чи йилларнинг бошида Ўзбекистонда темир танқислиги муаммоси жамиятимиз ҳаётидаги энг долзарб масаласи сифатида кўндаланг турган бир давр эди. Чекига тушгани тиббиёт илмига бўлган садоқатини аввало теран тафаккури, чуқур анатомик илми, беморларига нисбатан меҳри ва масъулияти билан намоён эта оладиган ўзбек олими узоқ йиллик илмий изланишларни ниҳосига етказиб тиббиёт илмига «Болаларнинг руҳий ҳолатига темир танқислиги қамқонлиги аҳамиятини ўрганиш асосида уларнинг нормал психик ривожланишини таъминловчи тиббий технологияларини ишлаб чиқиш» мавзусидаги лойиҳани тақдим этди.

Анемия. Тиббиётда темир моддаси етишмовчилигини тавсифловчи бу тушунча замирида болалар психикаси ва руҳий ривожланиши билан боғлиқ жиддий касаллик туради. Анемия болалар соғлигига салбий таъсир кўрсатиб уларнинг когнитив қобилиятлари пасайиши, диққат етишмовчилиги, ҳиссий

беқарорлик ва ижтимоий мослашувдаги қийинчиликларга олиб келиши мумкин.

Ўринов Мусо Болтаевич томонидан илгари сурилган мазкур ишланма 2005 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Фан ва технологиялар илмий амалий маркази томонидан эълон қилинган давлат гранти доирасидаги энг яхши иш сифатида эътироф этилди.

Олимнинг бу йўналишдаги илмий тадқиқотлари орқали темир моддасининг мияга кислород етказиб беришдаги муҳим жиҳати ҳусусан, бу модда етишмовчилиги оқибатида болаларда хотира ва ўрганиш қобилиятининг сусайиши илмий жиҳатдан исботлаб берилди.

МУСО ЎРИНОВ.

Бухоро давлат тиббиёт институти, Неврология кафедраси профессори, Ибн Сино жамоат фонди Бухоро вилояти филиали раҳбари.

1985 йилда академик И.П.Павлов номидаги Самарқанд давлат тиббиёт института-тининг даволаш факультетини тугатгандан сўнг

Ғиждувон тумани Марказий касалхонасида шифокорлик фаолиятини бошлади.

Меҳнат фаолиятининг дастлабки йиллари туманлараро меҳнат эксперт комиссиясида врач невропатолог сифатида иш юритиши ёш мутахасснинг неврология соҳасига бўлган қизиқишини янада орттирди.

Бу қизиқиш 1989-1994 йилларда унинг Тошкент врачлар малакасини ошириш институти асаб касалликлари кафедрасида клиник ординатура ва аспирантурада таҳсил олишига сабаб бўлди. Бухоро давлат тиббиёт институтидан бошланган қизғин илмий фаолият натижасида 1995 йилда “Инсультгача бўлган касалликлар билан оғриган беморларнинг меҳнат қобилияти ва меҳнатга жалб этиш” мавзусидаги номзодлик диссертацияси ёқланди. Бу ишланма сабаб Мусо Ўринов 1999 йилда доцент илмий унвонига сазовор бўлди.

2003-2004 йилларда илмий ишлар ва ахборот технологиялар проректори лавозимларида фаолият юритиб, институтда юқори илмий салоҳиятли кадрларни тайёрлаш ва талабалар илмий жамияти фаолиятини такомиллаштиришга муносиб ҳисса қўшди.

Эгалланган илм ва орттирилган тажриба йиллар ўтгани сайин ўз самарасини бера бошлади. Ўзбек олимининг 200 дан ортик илмий маколалари ва услубий қўлланмалари хорижий ва республика нашрларида чоп этилди.

Сўнгги 5 йил давомида 24 та илмий макола, (соғлиқни сақлаш тизимида тадбиқ қилинган), 1та олий ҳамширалик иши талабалари учун, 1та тиббиёт институтлари талабаларига мўлжалланган жами 9 та услубий қўлланма институт

АРМининг   китоб растасидан жой олди.

5 та монография (шундан иккитаси чет эллик олимлар билан ҳамкорликда) чоп эттирилиб институт ўқув адабиётлари фондини бойитди.

М.Б.Уринов ўзининг ўнлаб илмий тадқиқотлари билан  бутунжаҳон неврологларининг Австрия, Словения, Франциянинг Леон шаҳри ҳамда Германиянинг Мюнхен шаҳри шунингдек, Туркиянинг Измир  ва  Ҳиндистон давлатларида ўтказилган конгрессларида нафақат иштирок этди балки дунё олимлари жамияти олдига неврологик касалликлар билан боғлиқ  қатор муаммоларни кўндаланг қўйиб уларни соғлом илмий мунозарага чақира олди.

Дунёнинг турли  мамлакатларида ўзи сингари одамлар соғлигидаги муаммоларни ўрганиб, тиббиётга янги илмий  ишланмаларни олиб  киришга ҳаракат қилаётган ҳамкасбларини  инсониятга  хизмат қиладиган янгидан янги илғор ғоялар атрофида бирлаштиришга  муваффақ бўлди.

Шу маънода унинг Россия, Қозоғистон республикаларидаги нуфузли халқаро анжуманларда қилган маърузалари кейинчалик олимнинг ТОП 1000ликка  киритилган олий ўқув юртларида академик мобиллик йўналишида неврологиянинг долзарб муаммоларини ўрганилишига  тартки бўлди.

2024 йилларда Россиянинг Санкт-Питербург, Бирлашган Араб Амирлигининг Абу-Даби шаҳарларида бўлиб неврологияга оид турли мавзуларда маърузалар ўқиди.

Ўринов Мусо Болтаевич

Тиббиётда илк бор прозопалгия (ППЛ) ва прозоплегия (ППА) синдромли беморларда маскулинлик ва фемининлик хавф омиллари аниқланган ва эрта ташхислаш кетма-кетлигини ишлаб чиқиб, амалиётга тадбиқ этган  олим.

Жаҳон тажрибасида  биринчи маротаба “ППЛ ва ППА” синдромли беморларнинг аффектив ҳолати, оғриқ ҳолати ва нейрофизиологик кўрсаткичлар ўзгариши билан гендер характеристикаси ўртасидаги  узвий боғлиқлигини ўрганган мутахассис шифокор.  Бу илмий изланиш тиббий нейрофизиология, психоневрология ва гендер тиббиёти нуктаи назаридан долзарб аҳамиятга эга.

У жаҳон тажрибасида  биринчи маротаба “ППЛ ва ППА” синдромли беморларнинг аффектив ҳолати, оғриқ ҳолати ва нейрофизиологик кўрсаткичлар ўзгариши билан гендер характеристикаси ўртасидаги  узвий боғлиқликни ўрганди.

Дунё тиббиёти тажрибасида биринчи марта жинс деморфизми аспектида ППЛ ва ППА синдромли беморларда нейропсихологик статус, вегетатив холат билан мутаносиб тарзда ўзгариши ва бу кўрсаткичларнинг меъёрдан ошиш даражасини

аниқлади. Маскулинлик ва фемининликка таъсир қилувчи хавф омилларини иккига бўлиб, жисмоний ва юз шакли ўзгаришини фанда исботлаб берди. Профессор Мусо Ўринов инсон ташқи кўринишини йўқотишдан қўрққанида бу унинг ўзини идентификация қилишига таъсир қилиши, оқибатда гормонал ўзгаришлар юз бериб баъзида эндокрин тизимга таъсир қилиши мумкинлигини изоҳлади.

Баъзи одамларнинг руҳий тушкунликка тушиб ўзини камбағал ҳис қилишини психологик омиллар натижаси дея тўхтамга келди. Эркаклар юзидаги фалаж ва оғриқлар уларнинг жамиятдаги “кучли” имиджига путур етказиши ва маскулинлик ҳиссига таъсир қилиши мумкин.

Мусо Ўринов ўрганган илмий тадқиқотлар жамият ва оила муносабатларида муҳимлиги билан алоҳида аҳамият касб этади.

Дарҳақиқат одамлар юзида ўзгариш бўлган шахсларга жамиятда ҳар ҳил муносабатлар бўлади. Бу эса шахснинг ўзини қандай ҳис қилишини шакллантиради. Масалан аёллар учун юз жозибадорлиги муҳимроқ бўлгани учун, уларда ўзгаришлар фемининлик ҳиссига кўпроқ таъсир қилиши мумкин.

Мусо Болтаевич Ўриновнинг докторлик илмий иши ривожланган мамлакатларнинг етук мутахассислари томонидан юқори баҳоланди. Илмий кенгаш аъзолари ва аппонентлар шифокорнинг бу ишига “неврологияда янги йўналиш” деб баҳо бердилар.

Мусо Ўринов бу ижтимоий масалага илмий жиҳатдан ёндошар экан хулосаларини нейрофизиологик кўрсаткичларни;

электроэнцефалография (ЭЭГ), магнит-резонанс томография (МРТ), нейропсихологик каби тестлар орқали аниқлашга ҳаракат қилди.

Олимнинг диққат марказида муаммонинг гендер хусусиятлари турарди.

Шу боис, эркак ва аёлларда намоён бўладиган синдром хусусиятларни тавсифлашда гормонал нуқтаи назардан фарқланувчи психологик ҳимоя механизмлари ва адаптация жараёнларни узвий тарзда таҳлил этди.

Бу эса давримиз олимининг беморларнинг жинсига қараб касалликни фарқлаш ва гендер таъсир омиллари ўртасидаги маълумотларни терапия жараёнида самарали қўллашига сабаб бўлди.

MUNDARIJA

INNOVATIVE TECHNOLOGIES FOR TEACHING ENGLISH TO PRESCHOOL CHILDREN IN AN INCLUSIVE EDUCATION ENVIRONMENT........................................3

AGRAR SOHADA RAQAMLI IQTISODIYOT VA INVESTITSIYANING UYG'UNLIGI........................................6

ЖУРНАЛИСТИКА НАЗАРИЯСИ ВА ЖУРНАЛИСТ МАҲОРАТИ........................11

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА РАҲБАР КАДРЛАРНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИ ВА КРЕАТИВЛИК ........................16

EKOTURIZM VA UNI RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI........................20

"ЧАЁН" ВА "ЧЎЛ ЧАЁНИ"НИНГ ҲАЖВИЙ НИШТАРИ........................28

СРАВНИТЕЛЬНАЯ ОЦЕНКА ИММУННОГО БАРЬЕРА ПОЛОСТИ РТА ПРИ ПРОТЕЗИРОВАНИИ ПЛАСТМАССОВЫМИ И КЕРАМИЧЕСКИМИ КОРОНКАМИ У ПАЦИЕНТОВ С АЛЛЕРГИЧЕСКИМФОНОМ........................31

O'ZBEKISTONDA MICE TURIZMINI RIVOJLANTIRISHNING ASOSIY YO'NALISHLARI........................39

ЭФФЕКТИВНОСТЬ ТАКТИКИ ВЫБОРА ИСКУССТВЕННЫХ КОРОНОК ДЛЯ ПАЦИЕНТОВ С АЛЛЕРГИЧЕСКИМ ФОНОМ........................43

DAVLAT VA JAMIYAT MUSOSABATLARINING IJTIMOIY-FALSAFIY NEGIZLARI........................47

ОПТИМИЗАЦИЯ ЛЕЧЕНИЯ ХРОНИЧЕСКОГО ПАРОДОНТИТА У БОЛЬНЫХ САХАРНЫМ ДИАБЕТОМ........................57

ИЗУЧЕНИЕ КОЛИЧЕСТВЕННОГО И КАЧЕСТВЕННОГО СОСТАВА СЛЮНЫ У ПАЦИЕНТОВ С АЛЛЕРГИЧЕСКИМ ФОНОМ ПОСЛЕПРОТЕЗИРОВАНИЯ ИСКУССТВЕННЫМИКОРОНКАМИ........................61

БОЛАЛАРДА МИКРОЭЛЕМЕНТЛАР ТАНҚИСЛИГИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ........................63

ТАЪЛИМ ТИЗИМИ СИФАТИНИ БОШҚАРИШДА РАҲБАР ФАОЛИЯТИНИ ИЗЧИЛ АМАЛГА ОШИРИШЁНДОШУВЛАРИ........................68

THE EMPIRICAL STUDY OF TEXTILE RESEARCH AND INDUSTRIAL DEVELOPMENT........................74

ТЎҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ........................78

MAIN FEATURES OF THE MANIFESTATION OF AN ALLERGIC REACTION ON THE ORAL CAVITY........................84

ADIBLAR E’TIROFIDA ZULFIYAXONIM MEROSI..............................86

МУСО ЎРИНОВ (очерк)...............................................................................88